

32  
С 53


39(07)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ҲУЗУРИДАГИ АМАЛДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ  
МОНИТОРИНГИ ИНСТИТУТИ

---

# СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА

(амалий қўлланма)



Ғафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент—2009

329

66.69(5Ў)  
С 53

**Тузувчилар:**

юридик фанлари номзоди, доцент **Н.Норматов,**  
**М.М.Миракулов,** юридик фанлари номзоди **Р.Ҳакимов,**  
юридик фанлари номзоди **Д.А.Огай,**  
**К.Ҳамидова**

**Масъул муҳаррир:**

юридик фанлар доктори, профессор  
**Ш.Х.Файзиев**

Сиёсий партиялар мамлакатни модернизацияга янн жараёнида: (амалий қўлланма) / ЎЗР Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги ин-ти; тузувчилар: Н.Норматов, М.М.Миракулов, Р.Ҳакимов ва бошқ.; масъул муҳаррир Ш.Х.Файзиев. —Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. — 396 б.

Мазкур қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов асарларидаги сиёсий партиялар фаолиятига оид фиклари, Ўзбекистон Республикаси сиёсий партияларининг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида маълумотлар, мамлакатни модернизацияда сиёсий партиялар олдида турган вазифалар, шунингдек, сиёсий партияларга оид Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кичирмалар, сиёсий партиялар фаолиятига оид атамаларнинг изоҳли луғати, ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларининг қиссий таҳлили ҳамда хорижий давлатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш тажрибаси ўрин олган.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, сиёсий партиялар аъзолари, сиёсатишуослар, олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва кенг жамоатчилик учун мўълажалланган.

ББК 66.69(5Ў)

Н 1203000000—104 қатъий буюртма, 2009  
М 352(04)—2009

- © Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти.
- © Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009 й.

ISBN 978-9943-03-249-1

## КИРИШ

Истиқлол парофати билан мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва одил фуқаролик жамиятини барпо этиш сари босқичма-босқич равишда кенг қўлланган ислоҳотлар амалда оширилмоқда. Бу ислоҳотлардан кузатишга асосий мақсад — ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар бир инсон учун муносиб бўлган ҳаёт ва турмуш шароитларини яратиш ва кафолатлаб беришдан иборатдир.

Ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда аҳоли турли қатламларининг қарашлари, манфаатлари ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини илора этишда қатнашувчи кўнгилли бирланмаси — сиёсий партиялар муҳим ўрин тутади.

Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва фаолияти мамлакат ҳаётида содир бўлаётган янгиликнинг ва ўзгаришлар жараёни, турли ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг хоҳиш-иродаси, интилишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бошқача айтганда, ҳар қандай партия, аввало, аниқ гоъларнинг тарафдори, муайян гуруҳларнинг манфаатларини аниқ тасаввур қилаётган, шу қарашларни олдинга сура оладиган, ҳимоя қилаётган ва ҳаётга татбиқ этиш учун курашадиган куч сифатида майдонга чиқади.

Собиқ Иттифоқ даврида мамлакатимизда яқка партия ҳукм суриб, фуқароларда бошқача қараш, гоъ ва мақсадлар бўлиши мумкин эмас эди. Истиқлол парофати билан Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги роли ва аҳамиятини тубдан кучайтириш буйича изчил, босқичма-босқич ислоҳотлар амалда оширилди. Бу ислоҳотлар натижасида бутунли қилда мамлакатимизда ҳақиқий кўшпартиявийлик тизими вужудга келди.

Ушбу соҳадаги ислоҳотларни мустақиллик давридаги тарихий ривожланишдан келиб чиқиб, икки босқичга ажратиш мумкин.

Бу босқичларнинг ҳар бири мамлакатимиз тарихида муҳим ўрин эгаллади.

**Дастлабки босқич — 1991–2000 йиллар.** Мазкур босқич мустақил Ўзбекистон сиёсий тизими пойдеворини барпо этиш соҳасида пухта ва жиддий иш олиб борилган давр бўлди.

Бу босқичда амалда оширилган ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини таъкид қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирланмалари тўғрисида”ги (1991),

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (1993), “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги (1994), “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (1994), Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995–1996), “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги (1996), “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги (1999) қонунлар қабул қилинди.

Мазкур босқичда қўйилган муҳим вазифалар ҳал қилинди:

*Биринчидан*, эски маъмурий-бўйруқбозлик тизими, унинг мафкураси, унга мувофиқ бўлган ҳокимият ва бошқарув органлари, партиянинг якка-ҳокимлиги тулатилиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, халқ таълими тизими, ҳарбий ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ижодий уюмлар департизация қилинди.

*Иккинчидан*, кенг ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодадан ва ҳимоя қилишга қодир бўлган сиёсий партиялар учун нормал сиёсий макон яратилиб, ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги белгиланган бўлиб қўйилди. Янги ташкил этиладиган сиёсий партиялар фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилди.

Ушбу босқичда фуқаролик жамияти институтлари ҳамда кўп-партиявийлик шаклланди. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси (1991 йил), Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси (1995 йил), Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси (1995 йил), Ўзбекистон “Филокорлар” миллий демократик партияси (1998 йил) ташкил топди. Конституцияда жамиятимизда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. 1994, 1999 йиллардаги Олий Мажлис ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтиши билан ажралиб турди.

Ушбу босқичда кўппартиявийлик тамойили Олий Мажлис ва халқ депутатлари Кенгашлари ишига жорий этилиб, партиявий фракциялар ва гуруҳлар фаолияти қонуллантирилди. Фракциялар орқали партиялар қонунларни ишлаб чиқишга таъсир кўрсатиб, шу тариқа давлат бошқарувида муносиб ҳисса қўшиши таъминланди.

Шундай қилиб, биринчи босқичда амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида республикада янги демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди. Бу тузум сиёсий ташкилотларнинг, мафкура ва фикрларнинг турли-туманлиги асосида қуриланган бўлиб, давлат ва жамиятнинг бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлади.

**Иккинчи босқич (2001–2009 йиллар).** Бу босқичдаги устувор йўналишларнинг барчасини узида қамраб олган энг муҳим вазифа – мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини янада эркинлаштиришдан иборат бўлди. Бу босқичда мустақил ривожланиш йилларида тулланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш, ривожланган давлатларнинг давлат қурилиши ва бошқаруви бўйича босиб ўтган йўлини чуқур тадқиқ этиш асосида ижобий тажрибани ўтган йиллар мобайнида тулланган миллий тажрибамиз билан ўйуллаштириш

асосида жамиятимизни демократлаштириш ва янгилашнинг коштилиши, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислох этиш буйича асосий вазифалар белгилаб олинди.

Мазкур вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов томонидан 2000 йил 22 январдаги иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — тировард мақсадимиз”, 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўнма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишидир” номли маърузаларида белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги “Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш буйича дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ—2612-сонли Қарорида, 2005 йил 10 мартдаги “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида”ги ПҚ—24-сонли Қарорда фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасида ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш вазифаларини қамраб олан Концепция тасдиқланди.

Мазкур босқичда мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг энг долзарб вазифаси сифатида ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарасини янада ошириш ҳисобланди.

Ушбу босқичда аввалги босқичлардан фарқли равишда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш масалаларига катта аҳамият қаратилди.

Мазкур босқичда амалга оширилган ислохотларнинг устувор йўналишлари ва вазифалари куйидагилардан иборат бўлди:

- мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларининг, давлат ва жамият қурилишининг эркинлаштириш;

- фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва шисонинг ўз қобилиятини тўла рўйга чиқариш учун тегишли шарт-шароит яратини;

- жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантириш;

- фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шarti бўлган подавлат ва жамоат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтириш, ёки бошқача қилиб айтганда, «**Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари**» деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш;

- қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъърий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимияти органлари фаоллиги устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш;

– фуқаролик жамияти институтлари ва ўзини ўзи бошқарини органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларни вужудга келтириш;

– сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш ва бошқалар.

Бу босқичда амалга оширилган ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини ташкил қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида “Реферendum якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги (2002), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги (2002), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги (2002), “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги (2007) Конституциявий қонушлар, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги (янги таҳрири) (2003), “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги (2004), “Полавлат ногтижора ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги (2007), “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасида, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)”ги (2007), “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонушларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги (2008) қонушлар қабул қилинди.

Мазкур даврда сиёсий партияларга қонушлар асосида берилган имкониятларнинг ҳуқуқий механизмларини яратини мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (2005) қарори қабул қилинди.

Мазкур босқичда мамлакатимизда янги сиёсий партия – Талбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (2003) ташкил тошди.

2004 йил 26 декабрдан сайлов натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг барча – 120 депутаты сайланди ва рўйхатга олинди. Сайловларда 489 депутатликка номзод, шу жумладан, сиёсий партиялардан 435 киши иштирок этди. Сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловчиларнинг энг кўп овозини олди, бу партиядан депутатларнинг 34,2 фоизи сайланди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан депутатларнинг 23,3 фоизи сайланди.

Шунингдек, Фидокорлар партиясининг 18 аъзоси, “Миллий тикланиш” партиясининг 11 аъзоси, “Адолат” партиясининг 10 аъзоси Қонунчилик палатасига сайланди. Партиялардан кўрсатишган депутатлар сони умумий депутатларнинг 88,4 фоизини ташкил қилди. Сайловлар Қонунчилик палатасидан ўринлар учун кескин рақобат кураши муҳитида ўтди.

Окруларнинг деярли 77 фоизда бир депутатлик мандати учун 4 тайдан 6 тагача номзод кураши олиб борди. Жумладан, 55 та сайлов округида бир

депутатлик мандати учун тўрттадан, 32 та округда бептадан, 5 та округда олтидан номзод курашди. Бундан ташқари, 5 та сайлов округида бир депутатлик мандати учун иккитадан, 23 та округда учтадан номзодлар кураш олиб борди.

2008 йил 20 июнда “Миллий тикланиш” демократик партияси ва Фидкорлар миллий демократик партиясининг бирлашув курутбойи қарори билан янги – Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси тuzилди. Бу мазкур партиялар томонидан сўнги йиллардаги ўз фаолиятини чуқур таҳлил қилиш, шунингдек, иккита партиянинг асосий мақсад ва вазифалари, мафкурасининг яқинлигини аниқлаш натижасида амалда оширилди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси 2008 йил 11 августда Ўзбекистон Республикаси Азия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди.

Ушбу босқичда қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун ҳамда “Ўзбекистон Респуб-ликаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида”ги Қонун сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур қонушларнинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

**Биринчидан,** жамиятимиз ҳаётида ижтимоий ва сиёсий фаоллик ҳамда жамоатчилик назоратини оширишга хизмат қилади.

**Иккинчидан,** кен қуламли ислохотларни ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар қурилишнинг мақсадли вазифаларини бажаришда, ижро этувчи ҳокимият томонидан ички ва ташқи сиёсатни амалда оширишда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини кучайтиришга олиб келади.

**Учинчидан,** ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаол широкки учун зарур танқиллий-ҳуқуқий шартлар таъминланади.

**Тўртинчидан,** ҳукумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдига ҳисоб беришнинг белгиланган берадиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмлар яратилади.

**Бешинчидан,** булунги кунда парламент қуйи палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўртасида юзга келган ўзига хос конструктив рақобат муҳитини ҳуқуқий жиҳадан мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Олтинчидан,** сиёсий партия фракцияси вакилининг Қонунчилик палатаси Шпкери ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашда кафолатли ҳуқуққа эга бўлиши сиёсий партиялар фракцияларининг Олий Мажлис қуйи палатаси фаолиятини ташкил этишдаги ролинини оширишда муҳим омил бўлади.

**Еттинчидан,** мамлакат Бош вазири, шунингдек, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти

томонидан тегилишча Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар билан ҳамда маҳаллий вакиллик органиларидаги партия туруҳлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш тартибининг жорий этилиши Қонунчилик палатасида, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашиарида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партияларга марказда ва жойларда ижро органларини шакллантириш жараёнига фаол таъсир кўрсатиш имкониятини берадиган ҳуқуқий механизмларни яратилишига хизмат қилади.

**Саккинчидан**, мамлакат Бош вазирининг сиёсий партиялар фракцияларининг ташаббусига биноан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг эса партия туруҳлари ташаббуси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимидан озод қилиниши мумкинлиги туғрисидаги қондаларнинг белгиланиши ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиари депутатларининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг фаолияти устидан назоратини кучайтиришга олиб келади ва бошқалар.

Сиёсий партияларнинг фаолиятини оширишда 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган “Сайлов туғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам муҳим ўрин туталди. Ушбу Қонунда қуйидагилар назарда тутилди:

**Биринчидан**, Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сонни 120 тадан 150 тага оширилди. Бунда 135 та ўрин сиёсий партиялардан кўшартиявийлик асосида бир мандатли округларда сайланадиган депутатларга ажратилиши белгиланди.

**Иккинчидан**, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан келиб чиққан ҳолда, 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга ажратилди. Бунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик аҳволни яхшилаш, одамлар саломатлигини учун курашни, бошқача айтганда, сиёсий маслаҳидан қатъи назар, жамиятнинг барча қатламлари манфаатларига бирдек дахлдор муаммоларни ҳат этиш масалаларининг мамлакатимиз ва ҳудудларимиз учун нақадар улкан аҳамиятга эга эканлиги назарда тутилди.

**Учинчидан**, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган реал жараёнларни, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги салоҳияти ва роли кучайиб бораётганини инобатга олиб, сайловчиларнинг ташаббускор туруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш имтиёғини бекор қилинди.

**Тўртинчидан**, сайлов тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам қонунчиликда мустаҳкамланди.

Ушбу қонунларда белгиланган қонда-таъабларнинг амалга оширилиши ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич тадрижий ривожлантирилишининг натижаси сифатида фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, мазкур қонунларнинг аҳамияти фақат ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолияти билангина чекланиб қолмайди. Ушбу қонунлардаги қондаларнинг рўйга чиқарилиши бугун сиёсий тизимга, давлат қурилиши тизимига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнларига ҳам чуқур таъсир ўтказди.

Оқоридагилардан келиб чиқиб, шунинг таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида сиёсий партияларни шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий, институционал ҳамда маънавий қадрлар тизими ташкил топди ва изчил ривожланимоқда.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида қабул қилинган, халқаро андозларга жавоб берадиган ҳуқуқий асослар сиёсий партияларнинг кенг кўламли ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустақкам қонунчилик базасини яратиб, уларнинг жамиятимиздаги ўрни, нуфузи ва мавқени, ваколатларини янада кенгайтириш ва фаолияти самарасини ошириш борасида янги имкониятлар очиб берди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партия, яъни, “Адолат” социал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ғалбкорлар ва инжиблармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳар бири ўзининг дастурий мақсад ва вазифалари, фаоллари ва тарафдорларига, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўз фракцияларига эгадирлар.

Жамиятимиздаги муайян ижтимоий қатлам манфаатларини ифода этадиган мазкур сиёсий партиялар ҳозирги вақтда юртимиз ҳаётида тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Улар халқ орасида ўз дастури ва ғояларини тарғиб қилиш, фаолигини ошириш ва кенгайтириш билан бирга, ўзининг аъзолари ва тарафдорлари сонини кўпайтириш, шу тариқа жамиятимизда ўз таъсирини кучайтириш имконига эга бўлмоқда.

Мазкур қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарларидаги сиёсий партиялар фаолиятига оид ғоялар, Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида маълумотлар, мамлакатни модернизациялашда сиёсий партиялар олдига турган вазифалар, шунингдек, сиёсий партияларга оид Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кўчирмалар, сиёсий партиялар фаолиятига оид атамаларнинг изоҳли луғати, ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқнинг умумэгиброф этилан нормаларининг қиёсий таҳлили ҳамда хорижий давлатларда сиёсий партиялар фаолигини ҳуқуқий тарғибга солиш тажрибаси ўрин олган бўлиб, ушбу соҳада илмий-амалий қўлланма сифатида хизмат қилади деган умидимиз.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИГА ОИД ҲОЖАЛАР

## ТОМ 1. ЎЗБЕКИСТОН: МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ, ИҚТИСОД, СИЁСАТ, МАФКУРА

### ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ: МУАММОЛАР ВА РЕЖАЛАР

Республикамизда ижтимоий-сиёсий аҳвол анча барқарор бўлиб турибди. Бу — ҳаммамизнинг бахтимиз, ютуғимиз. Республикада типчилик ва осойишталикни қарор топтиришда соғлом оппозициянинг, фуқаролар тотувлиги давлат мустақиллигининг асосий гарови эканини яхши аниқлайдиган партия ва халқ ҳаракатларининг ҳиссалари буюқдир.

**Каримов И.А.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т.: «Ўзбекистон», 1996. —10-б.

Бизнинг жамиятимизда турли партиялар ва ҳаракатларнинг пайдо бўлишгани ижобий ҳол. Қарашларнинг ранг-баранглиги турли йўшни ташлаб олишга ёрдам беради. Қайси ҳолат инсоний бўлса, одамларга фойдаси тегса, ўша ҳолат жамиятга керак.

Келажакда партиялар ва жамоат ҳаракатларининг роли ва мавқеи янада ошади. Қайси партиянинг дастури халққа манзур бўлса, ўша партия ҳокимият тегасига келади. Агар дастурини, берган ваъдаларини бажара олмаса, урнини бошқа партия вакилларига бушатиб беришга мажбур бўлади. Бундай ижобий рақобатлардан халқ фақат ютиши мумкин.

**Каримов И.А.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. —16—17-б.

### ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

Давлат сиёсий партияларининг, жамоат бирланмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга ижтимоий турмушда интирик этиш учун тенг ҳуқуқий эркинлик яратиб беради. Айни вақтда яккаҳоқимликка интилишларга ва бир мафкура имтиёзли бўлиб қолишига йўл қўймаслик керак. Зеро, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхшилигига ва хавфсизлигига раҳна соладиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, урун ва зўравонликни тарғиб қилувчи, Конституциявий тузумга, халқнинг демократик эркинликларига ва маънавиятига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонушдан ташқари бўлиши лозим.

**Каримов И.А.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. —126-б.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКЛИГИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ!

Ҳар бир матбуот органи, партия, ҳаракат маб.таг билан таъминланиш манбалари ҳақида давлат идораларида баёнот тақдим қилиши лозим. Бу соҳада ошкоралик зарур. Моломики, матбуот ошкораликни талаб қилаётган экан, нега энди мустақил давлатнинг раҳбарияти ҳам ўша қоидага амал қилмаслиги керак экан?

**Каримов И.А.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т.: «Ўзбекистон», 1996. — 153-б.

Мен Ўзбекистонда Конституция асосий қонун эканини яна бир бор эслатиб ўтишга мажбурман. Унда ишон ҳуқуқлари кафолатланган, қўп — партиялик негизидаги сайлов назарда тутилган. Энг муҳими — билга мафкуранинг ҳукмронлиги тугатилгандир.

**Каримов И.А.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т.: «Ўзбекистон», 1996. — 156—157-б.

## ТОМ 2. БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН

### ИЖОБИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ОХИРИГА ЕТКАЗАЙЛИК

Ишари баёнот берганимиздек, янги сайлов кўппартиявийлик асосида, жамиядгаи барча сиёсий кучлар, ижтимоий табақаларнинг кеш ишгирокида, халқаро ташкилотларнинг кузагуви билан, ҳақиқий демократик тарзда ўтишига шак-шубҳа йўқ.

Табиийки, сайловда қатнашадиган ҳар бир партиянинг, ҳар бир жамоат ташкилотининг ўз дастури ва ўз шиорлари бўлади. Аммо, бизнинг фикримизча, янги сайловларда бизнинг умумий миллий шиорларимиз, давлат аҳамиятига эга умумий мақсадларимиз ҳам баралга жаранглани зарур.

Шундагина биз умуммиллий жипсликни ва аҳдликни таъминлай оламиз. Айни замонда умуммиллий шиорлар сайловга қатнашувчи турли партиялар ва жамоат ташкилотларининг дастурларига ҳам ижобий таъсир этади, деб ишонсак бўлади.

**Каримов И.А.** Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. Т.: «Ўзбекистон», 1996. — 311-б.

### ХАЛҚ ИШОНЧИ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Демократик давлат қураётган ҳозирги бир шароитда кўппартиявийлик, муқобиллик йўли билан ўтказган дастлабки сайловларимиз ҳаётимизга катта ўзгаришлар олиб кириши табиий.

**Каримов И.А.** Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. — 350-б.

Келажакда жамиятимизда қандай партиялар тузилмасин, уларнинг сони қанча бўлмасин, қайси партия олдида қандай вазифа қўйилмасин — улар ўз мақсадларига, ўз гояларини амалга оширишга сайловчиларнинг овозини, яъни иншонч-эътиборини қозонибгина эришиши мумкин.

Бошқача айтганда, одамларни ҳар хил бақриқ-чақриқлар билан майлону кўчаларга чорламасдан, уларнинг тинчлиги, тотувлиги, ижтимоий барқарорликни бузмасдан, адолатли сайлов орқали ҳокимият органларига вакилларини ўтказиш, ўзига ваколат олиш, туман, шаҳар, вилоят, республика кенгашларида ўзлари берган ваъдаларни, дастурларини амалга оширишга куч-гайратини бағишлаш, сайловчилар олдида олган ваколатларини ўз муддатида масъулият билан адо этиш — бу партиялар фаолиятининг бош йўналиши бўлиши лозим.

Партия дегани — бу мансаб учун, лавозим учун кураш эмас, балки муайян гоя учун, унинг жамиятда устувор бўлиши ва рўбга чиқиши учун кураш демакдир. Агар партия маъносини мана шу нуқтаи назардан тушунар эканмиз, қанча партия бўлса бўлаверсин, уларнинг фаолиятига тегишли шароит яратиб берилади.

**Каримов И.А.** Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. Т.2. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. — 350—351-б.

### ТОМ 3. ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

#### ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

##### 1. ДЕМОКРАТИЯ — БОШ ЙЎЛИМИЗ

... яқин келажакда фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлатни бошқаришда қатнашувини таъминлайдиган ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Бунда мен сиёсий партиялар, бирлашмалар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, турли хил хайрия ва ижодий жамғармалар ҳамда уюшмалар фаолиятини назарда тутяман. Ҳозиргача уларнинг фаолияти «Жамоат ташкилотлари тўрисида»ги қонунга белгиланган қўйилган эди. Ўз вақтида прогрессив бўлган бу қонун сиёсий ҳаётимизни демократиялаш жараёнида муҳим аҳамият касб этди. Бироқ сиёсий жараённинг ниҳоятда тез ривожланиши оқибатида мазкур қонун бугунги кун талабларига жавоб бера олмай қолди. Натижада юзага келган бўлишқини туъдириш учун бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилинганга қўри келди. Бугунги кунда биттагина қонун эмас, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, уюшмалар ҳуқуқини оширадиган, уларнинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни ва аҳамиятини белгиланган, давлат ишларига таъсирини кучайтирадиган бугун бир қонунлар тизимида эҳтиёж сезилмоқда.

**Каримов И.А.** Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. — 14—15-б.

Кўптартиявийлик тамойили энди Олий Мажлис ишига жорий этилиши лозим. Ана шундан келиб чиқиб, партиявий фракциялар ва гуруҳлар фаолиятини қонулаштириш керак, деб уйлайман. Фракциялар орқали партиялар қонунларни ишлаб чиқишга таъсир кўрсатиши ва шу тариқа давлат бошқарувида муносиб ҳисса кўпиши мумкин бўлади.

Олий Мажлис фаолиятида сиёсий ҳамжиҳатлик бош пунасини бўлмоғи даркор. Масалата бундай ёнланув давлат ва ҳуқуқ тушунчаларини янгилашга асосланган.

**Каримов И.А.** Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. — 19-б.

#### **ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР**

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида янги давр бошланмоқда. Кўп-партиявийлик асосида сайланган парламент фаолият кўрсатмоқда. Жамиятнинг турли табақалари манфаатларини ифода этувчи партиялар аста-секин ўзликни англатмоқда ва кучга кирмоқда. Улар ўз дастурини ҳалққа етказишга, сифатларини мустаҳкамлаб, сиёсий тажриба орттиришга ишгиликмоқда. Бу ҳам ҳаётимизнинг янги қирралари, янги саҳифаларидир.

Мана шундай шароитда юргимиз тақдири, келажагимиз учун ишонч ва қатъият билан курашаётган барча кучларни бирлаштирувчи, кимнинг қайси сиёсий куч ёки партия тарафдори бўлишидан қатъи назар — уларнинг ишгилишини яқинлаштирувчи нуқталарни тона билиш муҳим аҳамиятга эга. Бу — бутунги куннинг долзарб ва муҳим вазифаларидан биридир.

**Каримов И.А.** Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. — 78-б.

#### **ТОМ 4. БУЎЎДҚОРЛИК ЙЎЛИДАН**

##### **БУЎЎДҚОРЛИК — ФАРОВОН ҲАЁТ АСОСИ**

Бизнинг моделimiz ватанimiz ҳудудида тарихан шаклланган жамиятнинг кўпмиллатли таркибини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга асосланади. Биз бу моделдан демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг пировард мақсадлари учун фойдаландик. Бинобарин, аҳолининг муайян ижтимоий гуруҳлари, қатламларида юзага келган партиялар, жамоатчилик ҳаракатлари бу ноёб ҳодиса билан ҳисобланмасликлари мумкин эмас.

**Каримов И.А.** БуЎЎдқорлик йўлидан. Т.4. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. — 158-б.

##### **«ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗНИНГ ТЎҒРИЛИГИГА ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ»**

Ўзбекистонда жамият ҳаётини демократиялаштириш ҳусусида гапирар эканман, мен, энг аввало, барча учун умумий, энг муҳим унсур бўлган сайланиш, охир-оқибатда демократик фуқаролар жамиятини шакллан-

тиралган принципларга риоя қилишни таъкидлаб ўтишни истар эдим. Ҳа, айрим бошқа давлатлардагидай фарқли ўлароқ, бизда дастлаб собиқ шўролар ҳудудига раем бўлган кўп партиявийлик йўқ эди. Бироқ янги партиялар тузилиши, ҳозир ҳам тузиляпти. Бугунги кунда Ўзбекистонда қанча партия бор, Олий Мажлис — Ўзбекистон парламентида қайси партиялар иштирок этмоқда — булардан хабардорсиз. Уларнинг фаолияти, жамият ҳаётидаги иштироки, уларнинг дастур ва принциплари ҳам сизларга маълум.

Шунга рўйи рост айташим лозимки, бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган партияларнинг барчаси ҳали оёққа туриш жараёнини бошдан кечирмоқда. Бу табиий ҳол. Чунки, агар жаҳон тарихини олиб қарайдиган бўлсак, ривожланган давлатлардаги бугунги кунда маълум тарихга, салмоққа эга, давлат ва жамият ҳаётига таъсир ўтказа оладиган барча партияларнинг салоҳияти бирданига шаклланиб қолмагани — улар жуда кўп синов ва хатолар, парвоз ва инқирозларни бошдан кечирганини кўриш қийин эмас. Кўптаб йиллар давомида демократик давлатлардаги кучли партиялар мазкур жамият билан мутаносиб равишда ривожланган, тажриба орттирган, куч тўплаган. Бунинг устига, энг ривожланган демократик давлатлар — Америка Қўшма Штатлари, Франция, Буюк Британия ёки Германияни олиб қарайдиган бўлсак, у ерларда партиялар улчатиқ кўп эмас. Бу ҳам фуқаролар жамиятининг етуқчилиги билан далоятдир.

Фикримизча, бугунги кундаги партиялар шунчаки партия тузиш учунгина тузилмастлиги, бу шунчаки олатта айланмастлиги керак. Ҳар бир партия ўз қиёфасига, жамиятнинг ўзи суянадиган қатламлари манфаатларини ифода қилувчи аниқ дастурига эга бўлиши лозим. У, ҳозир таомилда бўлганидек, ўзининг маълум ва доимий сайловчиларига ҳам эга бўлиши лозим. Айни пайтда ҳар бир партия обрў-эътибор орттиришга интилиши, кўпроқ ишонч қозонишга, билобарин, қонун чиқарувчи ва вакиллик органларида, кейинча тик эса ҳокимиятнинг ижрочи органларида ҳам кўпроқ ўрин олишга ҳаракат қилмоғи даркор. Халққа сайлов олдидан мавсумида эълон қилган дастурининг энг туғри эканини, мамлакат интиётган мақсад, фаровон ҳаётга айнан мана шу дастур орқали эришиш мумкинлигини исбот қилган ҳолда, уни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиши лозим.

Ўзбекистондаги партияларнинг шаклланиш жараёнини, биз табиий равишда, ислохотлар билан, тўб демократик ўзгаришлар йўлидан бораётган жамиятнинг аниқ талаблари билан уйғунликда кўраимиз. Мулкдорлар сифатининг кучайиши натижасида янги партиялар вужудга келиши, уйғаб тошишдан эмас, балки, ҳаётининг зарурат туфайли тутилган ҳаракатлар пайдо бўлиши аниқ. Улар саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва инсоният фаолиятига хос бошқа соҳалардаги хусусий мулк эгалари манфаатини ифода этади. Айнан шу партиялар, шу ҳаракатлар янновчанлик ва барқарорлик касб этади, зеро, уларни юзага келтирган ижтимоий қатламларнинг ўзи янновчан ва барқарор бўлади.

**Каримов И.А.** Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. — 205—207-б.

ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ  
ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

Турли сиёсий ташкилотлар, мафкура ва фикрларнинг рағб-барангли-лигига асосланган, бутунлай янги сиёсий тузум яратилди ва у ривожланиб бормоқда.

*Шундай қилиб, ислоҳотлар жараёнида республикада янги демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди, деб хулоса чиқариш мумкин. Бу тузум сиёсий ташкилотларнинг, мафкура ва фикрларнинг турли-туманлиги асосига қурилган бўлиб, давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайди.*

Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 109–110-б.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кўппартияли тизим фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асослар яратилган. Турли партиялар ва ҳаракатлар фаолияти учун ҳуқуқий замин мавжуд. «Жамоат бирлашмалари тўғрисида» қонуни қабул қилинган. Қонунда ҳар қимча қасаба уюшмаларига, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, сиёсий ҳаракатларда қатнашини ҳуқуқи берилган.

Бироқ шунга айтиш керакки, сиёсий партияларнинг шаклланиши ва қарор топиш жараёни юзга сует кечмоқда, уларнинг сиёсий ва иқтисодий дастурлари ҳам заифдир. Мамлакатни сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг муқобил (амалий) турларини интиаб чиқиш ва ҳимоя қилишда улар старлича фаоллик кўрсатмаяптилар. Бу партияларнинг айби эмас, аниқроғи – кулфатидир. Бундай аҳвол партия етакчиларининг фаоллиги ва шижоати талаб даражасида етуқ эмаслигидан дарак бериб, биз бугун чинакам демократик жамиятни қарор топтиришнинг бошланғич босқичига эриштига қалам кўйганимизнинг даъолати ҳамдир.

**Ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишда жамоат, подавлат тузилмаларини ривожлантириш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эгадир.** Бинобарин, бундай тузилмалар замирида, назаримда, фуқаролар ташаббусларини шакллантириш, одамларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, турмушимизнинг кўпгина долғарб муаммоларини ҳал этиш истиқболлари мужассам.

Шунга яхши уқиб олишимиз керакки, *жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақлайдиган кучли олмавий, жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ўзбошимчилик, волонтаризм, авторитар тафаккур ва бошқарув аппаратынинг коррупцияси сингари иллатлар пайдо бўлмаслигига жиддий қафолат ҳам бўлмайди.*

Ҳақиқий демократик жамиятни шакллантириш тўғрисида суз юритар эканмиз, табиийки, сиёсий муҳолифат зарур эканлигини айтиш лозим.

Сийсий мухалифат зарурат эканлигини исботлаб бермоқчиман. Дейлик, мен ҳокимман, амалдорман. Менинг катта ҳуқуқ берилган. Лекин шу ҳуқуқларимдан мен қандай фойдаланишман? Эл-юрт равнақи йўлидами ёки ўз манфаатларим йўлидами? Ким мени назорат қилади? Ким менинг тўғри йўл кўрсатиб, камчилигимни юзимга рўйи рост айтади? Обруйимни тўкмай, камситмай ким тўғри баҳане қилади? Баҳане легани бу — тенглангириндир. Баҳане бўлиши керак. Ўзбекчада бу адолат тарозиси, мезон дейилади. Тарозининг бир наърасида амалдор ўтирибли, иккинчисида — жамият. Адолат тарозисини мувозанатта келтириб турувчи куч эса жамоатчиликдир. Хўш, энди айтинглар-чи, амалдоримизнинг барчаси ҳам инсофли, диёнатлими? Уларнинг ҳаммаси фақат халқларни билан яшайди, деб ким кафолат бера олади? Афсуски, ҳеч ким бера олмайди.

**Каримов И.А.** Янгича фикрлан ва ингилан давр талаби. Т.5. — Т.: «Ўзбекистон», 1997. — 120—122-б.

## **ТОМ 6. ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА**

### **ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАҒАСИДА ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД, БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТЛАРИ**

#### **ДАВЛАТЧИЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ**

Янги шароитда давлатнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг гоаят муҳим вазифаси сийсий партиялар, нодавлат, ижтимоий структуралар, фуқаролик жамиятининг эндишга найдо бўлиб келаётган хитма-хит институтлари билан ингилан ва ҳамкорлик қилишнинг янгидан-янги шаклларини излаб топишдан иборатдир.

**Каримов И.А.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. — Т.: «Ўзбекистон», 1998. — 141-б.

#### **ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАРНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

Ўтин даври шароитида, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни юз бераётган бир пайтда Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиши лозим бўлган кенг тармоқли, кўппартияли тизим каби демократик институтлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг қарор топини ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан олашда, давлатнинг роли сийсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатларининг вужудга келиши, қарор топини ва ривожланишини секинлантириб қўядиган ҳар қандай тов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборатдир. Зеро, сийсий партияларсиз ва жамоатчилик ҳаракатларисиз республикада вакитлик демократиясини тасаввур қилиб бўлмайди.

Шу билан бирга, демократиянинг сифати партиялар сонининг кўп бўлиши билан белгиланмаслиги ҳам ёлди тутил дилкор. Ҳақиқатан ҳам кенг ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ifодалаш ва ҳимоя қилишга қолдир бўлган сиёсий партиялар учун нормал сиёсий макон яратиб бериш муҳимдир. Партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сони, дастурий йўл-йўриқларининг ўзига хослиги ва ҳоказолар оша ижтимоий манфаатлар йилилиси ва жамғаниши орқали табиий йўл билан белгиланмоғи керак. Сиёсий партиялар мавжуд бўлишининг асосий ва бирдан-бир принципи давлатнинг конституциявий мейсёрларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат бўлмоғи лозим.

Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар халқ билан ҳокимият ўртасида асосий боғловчи бўлин бўлган демократик институтга тезроқ айланиши фоят муҳимдир.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий муаммоларига фуқаролар жонли қизиқин билан қараганларида, улар у ёки бу партия ёҳуд ҳаракатнинг фаолиятида маданиятли иштирок этганларидагина буни амалга оширин мумкин бўлади.

**Каримов И.А.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 152–153-б.

#### КЕНГ КЎЛАМЛИ ҲАМКОРЛИК КАФОЛАТЛАРИ

Шу билан бирга жамиятда барқарор вазият мавжуд бўлган шароитдагина сиёсий партиялар ва жамоат ҳаракатлари жамият тараққиётининг муаммоларини кенг, ошкора муҳокама қилиш имконига эга бўлади. Олдиларига қўйган мақсадларига эришадди, ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаради, демократик давлат ва ижтимоий ҳокимият институтларини шакллантиришда қатнашадди.

**Каримов И.А.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 238-б.

#### ТОМ 7. БИЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ҲАМКОРЛИК БИЛАН ҚУРАМИЗ

#### АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛДИН

Биз адолатли, демократик жамият қурмоқчи окамиз, бир ҳақи-қатти асло ёлдан чиқармайлик: тенадан туриб, маҳсуе фармон ёки декрет билан жамиятда адолат ва демократияни ўрнатиб бўлмайди. Бу барчанинг бирдек иштироки, биригичи навбатда пешқадим зиёлиларимиз, турли сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари намояндаларининг, масъул хизматчиларимизнинг ғайрати, жасорати, ақл-заковати билан рўёбга чиқадиган мураккаб ишдир.

**Каримов И.А.** Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 244-б.

## ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ

Бизда эркин сайловлар ўтказилиш буйича муайян тажриба тўплаган бўлса-да, у ҳали етарли даражада эмас. Чунки ривожланган давлатлар бир неча юз йиллик сайлов тажрибасига, уни амалга ошириш механизмларига эга. Демакки, биз жаҳон сайлов тажрибасини янада пухта ўрганишимиз, ўз қонунларимизнинг моҳиятига терең кириб боришимиз тақозо этилади.

Шуни унутмаслик керакки, бўлуси сайловлар кўпшартиявийлик асосида ўтказилди. Кураш қизғин бўлди. Шундай экан, ҳар бир сайловчи ўзи учун, ўз хоҳиш-иродасига қараб овоз берилиш шарт эканлигини унинг ошига сиқдирилиш лозим.

Ҳар қандай партия агар ўзини сиёсий партия деб ҳисобласа, авваламбор аниқ гоёга эга бўлиш билан бирга нимагадир ёки кимгадир муҳолиф бўлиши зарур. Мана шундай ҳолат ва мана шундай ёндашиш партиянинг тарафдори ва унга ишонган, инонган одамлар ҳамда жамоага аниқ-равшан маълум бўлиши даркор. Солди қилиб айтганда, партия тарафдорлари нима учун курашаётганини ва шималарга қарши чиқаётганини яхши билишлари, аниқ ёндашув ва позицияларга эга бўлишлари керак.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай сиёсий партия сайлов натижасида муваффақиятга эришмоқчи бўлса, авваламбор олиб борилаётган сиёсатга, ҳаётимизга таъқидий кўз билан қараши, ижтимоий воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиб, керакли, вазмин мулоҳазалар, пухта ўйланган хулосалар билдирилиши керак. Уларни асослаш, кенг жамоатчиликни ўз фикрига тарафдор этиш, миллий манфаатларимизга хизмат қиладиган гоёларнинг амалий кучга айланиши учун кураш олиб бориш даркор, деб ўйлайман.

Бугун Ўзбекистондаги ҳар бир виждонли инсоннинг муқаддас бурчи **мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилишдир**. Бир пайтлар отанин шоиримиз Чўпон «Юриш, дўстлар, халқ ичига бораётдик!» деб хитоб қилган эди. Бугун ҳар қандай сиёсий партия номига эмас, балки чинакам фаолият кўрсатишни истаса, бўлуси сайловларда ўз тарафдорларини кўнайғириб, жамиятда етакчи мавқени кўлга киритмоқчи бўлса, агар унинг аъзолари ўзини шу азиз Ватаннинг асл фарзандлари деб билса, халқ ичига бориши, жамиятимизнинг турли қатламлари орасида истиқболни мустаҳкамлаш, уни баю-қазолардан, ёвуз назарлардан, ёмон кўзлардан сақлаш учун кечаю кундуз тиним билмай ишлагани керак.

**Каримов И.А.** Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурашимиз. Т.7. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. — 311–312-б.

## ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛОМҚДА

Жамиятни демократияга яна жараёни сиёсий институтлар — партиялар, полковат ва жамоат ташкилотларида мустақамлаш ва ривожлаштириш билан бевосита боғлиқ.

Бу гап, аввало, партиялар масаласига тааллуқли. Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида муносиб ўрин ололмаётгани ҳақида кўп гапиритмоқда. Айтиш керакки, бу танқид ўринлидир.

Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ҳокимият тизимларидан, аввало ҳокимиятнинг сайлаб олинаётган органларидан ўрип олин учун курашар эканлар, аниқ мақсадлари, ҳаракат дастурлари бўлиши керак. Токи бу дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатдаги ижобий ўзгаришларга баракати таъсир этсин.

Бунинг учун аввало партия етакчилари ҳам, уларнинг тарафдорлари ҳам нима учун ва нимага қарши курашаётганларини аниқ-равшан тасаввур этишлари зарур.

Барча демократик давлатларда бўлганидек, бизда ҳам партияларнинг узаро кураши, юзя ва қарашларнинг рақобати, керак бўлса, сайловчилар овози учун кураш бўлиши табиий. Албатта, бу кураш мамлакатда қабул қилинган конституцион ҳуқуқий меъёрлар ва қонунийлик тартиб-қоидалари доирасида олиб борилиши керак.

**Каримов И.А.** Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. — 384-б.

## ТОМ 8. ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ — ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

### ВАТАН ОЗОДЛИГИ — ОЛИЙ СЛОДАТ

Энг муҳими, биринчи қақриқ асосида ташкил тошган парламентимиз фаолиятининг асосий мезони шундан иборатки, ўтган давр мобайнида кўшпартиявийлик шаклланган, турли ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари сиёсат майдонига чиққан, турли ижтимоий тоифа ва табақалар вужудга кела бошлаган мураккаб бир шароитда, Олий Мажлис ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари билан ҳамкорликда жамиятимизда сиёсий мувозанатни, тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришда ишончли омил бўлди.

Мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётида, янгилашни жараёнида, ислохотларга қонуний асос барпо этиш ва уларни изчиллик билан давом эттиришда, барча самарали ишларимизда Олий Мажлисининг бош-қош бўлиб турганини биз бутун катта мамнуният билан қайд этамиз.

**Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.8. — Т.: «Ўзбекистон», 2000. — 60-б.

Ҳар қандай партия, агар у ўзини том маънодаги сиёсий партия деб ҳисобласа, авваламбор аниқ гоёга эга бўлиш билан бирга пимагалдир ёки кимгалдир муҳолиф бўлиши зарур. Бундан қурқмаслик керак.

Мана шундай ҳолат ва мана шундай ёндашиш партиянинг тарафдорлари ва унга ишонган, ишонган одамлар ҳамда жамоага аниқ-равшан маълум бўлиши даркор.

Янада содда қилиб айтганда, партия тарафдорлари ўзлари кунгил қўйган партия ёки шахс нима учун курашаётгани ва нима-юрга қарши чиқаётганини яхши билишлари ва аниқ позицияларга эга бўлишлари керак.

Урра-уррачилик, яшасинчилик кайфияти, бугунги сиёсатни орқалтирига қарамай фақат мақтан билан ҳеч нарсани ҳал қилиб бўлмайди, бирорта муаммо ҳам ечиммайди. Шунинг барчамиз яхши англаб олишимиз зарурки, айни вақтда минбарбозлигу мигинбозлик, турли хил ҳавоий бақирӣқ-чақирӣқлар билан ҳам бирор тун дарахт кукариб ёки бирорта иморат битиб қолмайди.

Шунинг учун ҳаётимизга танқидий куз билан қаранг, сиёсий-ижтимоий воқеаликни ҳар томонлама таҳлил қилиб, бунинг ҳақиқимизни қизиқтирадиган долзарб масалалар бўйича — у сиёсатга тағинимиз, давлатни, жамиятни бошқаришга, ҳаётни яхшилатишга дахлдорми — вазмин мутоҳазалар, пухта ўйланган ҳуҷусалар билдириш керак. Уларни асослаб, кенг жамоатчиликни ўз фикрига тарафдор этиш, авваламбор миллий манфаатларимизга хизмат қилидиган гоёларнинг амалий кучга айланиши учун кураш олиб бориш даркор.

Мен бу сайловларда барча партияларимизга омад тилар экалман, уларнинг битта ақилдага амал қилишларини истар эдим: сиёсий курашлар тарихидан маълумки, жаҳондаги кунгил партиялар ур-ийқиғ, жанжал-сурон орқасида «обру» топинган бўлса, сизлар эса, барака тоқкурлар, бунёлдорлик, яратувчилик иши билан обру топинг.

Албатта, сайлов каби гоёл муҳим воқеа ва масъулиятги ишда шонма-шонпарликка сира ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Яна бир марта такроран айтиб ўтмоқчиман: зарур бўлса, жаҳон тажрибасига мурожаат қилиш, республикамиздаги ҳалқаро вакилликлар, ташкилотлар ишгирокида, кенг омма ишгирокида тушунтириш ишларини, учрашувлар, семинарлар ўтказишни кўпайтириш, кенгайтириш керак.

**Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.8. — Т.: «Ўзбекистон», 2000. — 63–65-б.

### ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ — ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, янги маъно-мазмун билан бойитиш, унинг изчиллиги ва самарасини таъминлаш — мамлакатимизда амалга оширилатган сиёсий ислоҳотларнинг мазкур босқичда олдимизда турган энг долзарб вазифалдир.

Бу борада кўйидаги муҳим масалаларга алоҳида эътибор беришимиз зарур:

**Биринчи.** Мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш.

Бу жараёнда, аввало, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва инсоннинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариши учун тегишли шарт-шароит яратиш лозим.

Бунда одамларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини ривож-лаштириш ва амалда намойиш қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантирсак, ҳаётимизнинг барқарор ва мустаҳкам тараққиётини мукаммал кафолатлаган булар эдик.

**Иккинчи.** Шунга эришини керакки, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳити қарор топиши даркор.

Ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши керак. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари, жамият тараққиёти борасидаги муқобил тактифлари ўз ифодасини топиши лозим.

Амалдаги кўппартиявийлик — бу ҳар хил қараш ва тоғлар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумлалан, муҳолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдони демакдир.

**Учинчи.** Нодавлат тузилмалар, ҳукуматга қарангли бўлмаган ва жамоат таъкилотларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлаштириш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нодавлат ва жамоат таъкилотларининг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Бу тизим давлат тузилмалари фаолиятини муайян маънода тўлдириши, уларга нисбатан маълум бир мувозанатни таъминловчи восита вазифасини бажариши керак.

*Одамларнинг сиёсий оғи, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш зарур.*

*Бу борада ўзини ўзи бошқарадиган идораларнинг, маҳаллаларнинг нуфузини ва мавқеини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш катта аҳамият касб этади.*

Фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этиш йўлидаги ишларимизнинг мазмун-моҳиятини ҳам айнан ана шу масала таъкил қилади.

**Тўртинчи.** Жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш.

Бунда, мен яна такрор айтаман, оммавий ахборот воситалари жамиятимизда ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият»га айланиши, фуқароларнинг

сийсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда энг таъсирчан омил бўлиши керак.

Бу, энг аввало, ҳар бир фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода қилиш, ахборот олиш, давлат ва жамият қурилишининг ўта муҳим масалаларини муҳокама этишда фаол қатнашиш ҳуқуқини таъминлаш демакдир.

**Бешинчи.** Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамларимиз ошдида демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

*Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор.*

Алғии вақлда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратишдан давлат ва жамоат ташкилотлари тизимини янада такомил-лантириш лозим.

**Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.8. — Т.: «Ўзбекистон», 2000. — 332—334-б.

## ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ — ҲАЁТ ТАЛАБИ

Биз бугун фикрлар ҳилма-ҳиллиги мавжуд бўлган демократик жамият қураёمиз. Шундан келиб чиқсак, ушбу дастур ҳам турли қатламлар, ижтимоий кучларнинг интилишларини ўзида мужассам эталитан сийсий партиялар ва ҳаракатларнинг қарашларини ифода қилиши зарур.

Масалан, Миллий тикланиш партиясини олайлик. Бу партиянинг, менинг назаримда, бошқалардан фарқли ўлароқ, халқимизда миллий ўзликни англаш, миллий гуруҳ ва ифтихор туйғуларини юксалтириш ҳақида кўпроқ қайиуриши табиийдир.

«Биз киммиз? Кимнинг авлодимиз? Миллатимиз нима ҳисобидан улуг бўлган, дунёга танилган? Бугун дунёга чиқинининг қандай имкониятлари бор? Келажаги буюк давлат қуришни ният қилган экапмиз, бунинг учун қандай ҳаётий асослар мавжуд?» деган саволларга жавоб топиш — Миллий тикланиш партиясининг асосий фаолият йўналишига айлланиши керак. Миллий тикланиш дегани, бу — миллатни, унинг қалбини, қалрини, ҳурматини, қадриятларини тиклаш, демакдир.

Буни тор маънода эмас, балки миллатнинг нуфузини тиклаш, деб тушуномқ керак.

Бу — халқимизнинг бугун ўсиб-етилиб келаятган оштини, гурурини уйғотиш, қадр-қимматини жой-жойига қўйиш, демакдир. Шу маънода, бу партия, аввало, ўзининг чинакам тарафдорларини топиши керак. Унинг изидан юрадиганлар, биринчи навбатда, зиёилар, миллат учун жон кўйдирадиган фидоийлар бўлмоғи керак.

Биз яқинда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёд ордик мажмуининг очилиш маросимидеа биринчи навбатда кимларни эслатдик? Аввалтамбор,

шу юрт, шу миллат учун курашган ва шу йўлда жон фидо этган зиёлиларни ёд этдик. Халқимизнинг, миллатимизнинг мана шундай фидоийлари хотирасини, номини абалдий тапгириш, биринчи гада, Миллий тикланиш партиясининг вазифаси эмасми?

Демоқчиманки, ҳар бир партия, сиёсий ҳаракат, ҳар бир инсон ўз вазифасини аниқ-равшан билиши лозим.

Яқинда Ватан тараққиёти партияси билан Фидокорлар партияси, мақсад-муद्даоси, маслаҳатдан келиб чиқиб бир-бири. Улар бугун янги пизомини тасдиқлаш арасида турибди. Хуш, бу пизомда, ўз дастурида улар нималарни ифода қилмоқчи?

Ёки Халқ демократик партиясини олайлик. Унинг дастурида халқимиз манфаатларини ҳимоя қилувчи гоялар қай даражада ўз ифодасини топган? Бу илтишлар бошқаларникидан нимаси билан фарқ қилади? Ўз навбатида бу партиянинг устувор гоялари бугунги муҳокама қилинаётган дастурда қай даражада акс этган?

Бу гапларни айтаётганимга сабаб шуки, агар деҳқондан, мана шу партияларнинг бир-биридан фарқи нимала, деб сўралса, ишончим комилки, аниқ жавоб бера олмайдим. Иккаласи ҳам демократик, бири — миллий, бири — халқ партияси дейди-ю, аммо фарқи нимала экапини билмайдим боши қотари.

Мен истардимки, бугунги муҳокамада ҳар бир партия ўз фикрлари, гоялари орқали бир-бири билан баҳсга киришсин, умуммиллий дастурдан ўз мақсадлари кўпроқ жой олиши учун курашсин. Чунки партиялар фақат мана шу йўл билан халқ ишончини қозонади, жамиятга хизмат қилади. Демоқчиманки, мана шу дастур тайёрландими, уни кенг ва атрофлича муҳокама қилиш лозим.

**Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.8. — Т.: «Ўзбекистон», 2000. — 480—482-б.

## ТОМ 10. ХАВФСИЗЛИК ВА ТИПЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

### ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

Сиёсий ҳаётимизда ҳокимиятнинг ҳар бир алоҳида тармоғи — хоҳ қонунчилик, хоҳ ижроия ёки суд ҳокимияти бўлсин — уларнинг ваколатларини ўзгартириш пуқгаи назаридан амалга ошириладиган барча ислоҳотлар қонунчилик доирасида кечали, яъни қабул қилинган қонунларга ўзгаришлар киритилади ва биринчи навбатда, янчилари қабул қилинади.

Яъни, шуни таъкидламоқчиманки, бугунги референдум натижаларидан келиб чиқиб, жулда кўп нарсалар, шу жумладан, сайлов тизими ҳам ўзгаради, чунки парламентнинг кўйи палатаси доимий ишлайдиган бўлиб, у профессионаллардан ташкил толади. Бундан келиб чиққан ҳолда нафақат сайлов тизимининг тартиби, балки моҳияти ҳам ўзгаради. Бу нарсалар

унбу масалаларга бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартиради ва амалда кўппартиявий тизим қарор топишига кучли туртки беради.

Ҳар бир партия куйи палатада имкони борича кўпроқ ўрин эгаллашга ҳаракат қилади. Аниқ мақсад, рақобат муҳити юзага келади, ҳаётга кучлироқ таъсир кўрсатишга, ўз мафкураси, мақсад ва муддаоларини хаққа тушунарли тарзда етказишга интилиш пайдо бўлади. Ҳар бир партия ўз сиёсатини ҳам, ўзининг муайян амалий фаолиятини ҳам бирмунча бошқачароқ тарзда олиб боради.

**Каримов И.А.** Хавфсизлик ва тишчилик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. – 184-б.

### БИЗ ДУНЁДА ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАН ЖАМИЯТ ҚУРАМИЗ

Сиёсий партиялар фаолияти ҳақида гапирганда, уларнинг ишени такомиллаштириш ёки фаоллаштириш масаласида буйруқ билан иш тутиш мумкин эмас. Энг аввало, Ўзбекистонда қабул қилинган қонунларни барча бажариши керак, бу биринчидан. Иккинчидан, бу партиялар фаолиятига эҳтиёж бўлиши керак. Биз бу масалага бошқача кўз билан қарашимиз ва, керак бўлса, ривожланган давлатларга – бу Буюк Британия бўладими, Франция бўладими, Германия бўладими, Америками, Ҳиндистонми – кўзга кўринган партиялар ўз фаолиятини қандай бошлаган, уларнинг фаолияти қандай мезонларга, қандай талабларга жавоб беради, уларнинг интилишлари нима тарзда намоён бўлади, фаолиятини кўзгаб-қувватлаш борасида қандай манба, талаб, принциплар мавжуд эканлигини ўрганишимиз керак.

Ўзбекистонда партияларнинг демократик талабларга жавоб берадиган давлатлардагига ўхшамаслиги ёки шу даражага етиб бормаганлиги учун ҳайрон бўлиш керак эмас. Мисол учун, Россия ёки Украинани олсангиз, кўшни давлатларни олсангиз, уларнинг раҳбарлари ҳам уларда бўлган бундай ҳолатни очик эътироф этяпти. Хусусан, В. Путин Россиядаги партиялар тўғрисида гапириб, бугунги кунда уларда ҳам сиёсий партия талабларига тўла жавоб берадиган партия йўқлигини, фақат уларга ўхшанган учун ҳаракат борлигини қайб этяпти. Чунки бундай партиялар шаклланиши учун вақт керак, шароит керак. Шароит тўғрисида гапирганда, мен бугун айтган гапимни яна бир бор изоҳлаб, керак бўлса, исботлаб беришга тайёрман. Партиялар ўзининг кучини сезиши ва ўзининг жамиятга кераклигини ҳис этиши учун биз шароит туғдириб беришимиз керак. Курашини учун шароит туғдириб беришимиз лозим. Улар бир-бири билан тортишув ва баҳсга киришиб, келажак мақсадларимизга етишини учун ҳар қайси узига ҳос, узига мос йўллارни исботлаб, таърифлаб берини, ўз йўлини тарғиб қилишни учун шароит бўлиши зарур.

Шу нуқтага назардан, биз қабул қилган қонун, сайловлар партияларга каттароқ имконият берса, кураш учун майдон очилса, такрорлаб айтаман,

кураш учун майдон очилса, асли сиёсатдан узоқ, лекин партиясга аъзо бўлиб ёки раҳбар бўлиб юрганлар ўз-ўзидан четга чиқиб қолади. Яъни, партиясга ёки ҳақиқий раҳбар бўлади, фаол бўлади, етакчи бўлади ёки сиёсий минбардан бутунлай тушиб кетади. Демокриманки, партиясларни фаоллаштириш учун суғий йул билан замин яратиш мумкин эмас.

Масалан, биз қўшнилариимизга қараб, уларга ўзимизни қийсасасак, уларнинг партиясларидап нуша олсак бўладими? Мисол учун, Украинада тахминан 500 та партияс бор экан. Бизлар ҳам шу йулга ўтадиган бўлсак, бу нимага олиб келиши мумкин? Америкада асосан иккита партияс бор. Сайтов пайида баъзан учинчи партияс тапкит бўлади. Буюк Британияда ҳам кузга кўришган иккита, Германияда эса 3 та партияс бор.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бизлар ҳам ана шундай даражага етиб боришимиз учун, биринчидан, вақт керак, иккинчидан, шароит тулдириб беришимиз керак. Мана шундай сиёсий интилиш, сиёсий қарашлар хилма-хил бўлиши керак. Сиёсий қарашларга бизлар эркинлик беришимиз керак. Агар битта шу фикр тўтри, шунга амал қилиб яшашимиз керак, деган қондани ўрнатилша ҳаракат қиладиган бўлсак, президент ёки ҳукумат, ёки бутунги мансабдорлар шунга интилиб яшайдиган бўлса, бизла ҳақиқий сиёсий партияс пайдо бўлмайди. Сиёсий ҳаётимизнинг эски замондан ҳеч қандай фарқи қолмайди.

Яна бир бор айтмоқчиман, бу партиясларнинг фаолият юритилиши учун шароит тулдириб бериш керак ва фикрлар хилма-хиллигига имкон яратиб бериш керак. Мана, мисол учун, буун айтишган битта фикр. Нодавлат тапкитотларни ва фуқаролик жамиятлари институтларини, уларнинг муассасаларини таъсис этишга бизлар шароит тулдириб беришимиз керак. Бизларда жула кул нодавлат тапкитотлар бор, лекин буларнинг фаолияти деярли кўришмайди. Телевидение, матбуотимиз бу масалага старли элибор бермайди. Буунги суҳбатимиздан фойдаланиб айтмоқчиман-ки, шу тапкитотларга кўпроқ элибор бериш керак. Бу тапкитотлар асосида яши партияслар пайдо бўлиши мумкин. Партияс ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бир ҳаракат бўлади, бир интилиш бўлади. Бир хил қарашлар бўлади. Натижала, жамиятимизда хилма-хил қарашлар шаклланади.

Ўзбекистонда нодавлат тапкитотлар, ижтимоий тапкитотлар ўз кучини намойиш қилиши учун тегишли шароит яратиб беришимиз керак. Бунда матбуотимизнинг тарбиявий ҳиссаси ва тапқидий қарашлари биз учун жула керак.

Биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган юрт қураимиз, жамият қураимиз, деб олдимизга катта мақсад қўйган эканмиз, сиёсий қийфамиз, ҳаётимизда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмайдиган мана шундай партияслар, ҳаракатларни, нодавлат тапкитотларни тапкит қилишимиз лозим.

**Каримов И.А.** Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. — Т.: «Ўзбекистон», 2002. — 343–345-б.

## ТОМ 11. БИЗ ТАШЛАГАН ЙЎЛ – ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪРИФИЙ ДУНЁ, ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ

### ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Биз барчамиз шуни яхши тушуниб оlishимиз зарурки, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш аввало аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ.

Бу масалани ечишда биринчи гада мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партия ва ҳаракатлар – буни таълим олиб айтишимиз керак – ҳозирги заиф ва мурғ ҳолатдан чиқиб, ўз фаоллигини жонлантириши, тараққий тошан демократик давлатлар тажрибаси асосида юртимизда ҳақиқий кўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтиришга ва жамиятимиз сиёсий майдонида таълим олинган оппозиция пайдо бўлишига ҳисса қўлиши лозим.

Ишончим комилки, Олий Мажлисимизни икки палатали қилиб ташкил этиш, кўйи палатага асосан партиялар томонидан тақдим этиладиган рўйхатлар бўйича сайлов ўтказиш жамиятимизни сиёсий жиҳатдан фаоллантиришга кучли туртки беради. Ўйгайманки, сайловлар туғрисидаги қонуннинг қоидаларини қайталан кўриб чиқиб ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

**Каримов И.А.** Биз ташлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: «Ўзбекистон», 2003. – 26–27-б.

## ТОМ 12. ТИНЧЛИК ВА ҲАВФСИЗЛИГИМИЗ ЎЗ КУЧ-ҚУДРАТИМИЗГА, ҲАМЖИҲАТЛИГИМИЗ ВА ҚАТЪИЙ ИРОДАМИЗГА БОҒЛИК

### ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ИЖТИМОЙ ҚАТЛАМИ ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ МАЙДОНИДА ЎЗ ЎРНИНИ ЭГАЛЛАШИ ЛОЗИМ

Мен, имкониятдан фойдаланиб, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги ва эртанги босқичида сиёсий партияларнинг ўрни, мавқеи ҳамда вазифалари ҳақида тўхталиб, сиз, янги партия тузиш талаббўсқорлари билан мамлакатимиз ҳаётида бу йўналишдаги мавжуд вазият бўйича очиқ гаплашиб олмақчиман.

Ўйгайманки, бу ҳеч кимга сир эмас – ҳар қандай партия ва ижтимоий ҳаракатнинг пайдо бўлиши, авваламбор, шу юрт ҳаётида солид бўлаётган ўзгариш ва янгиликлар, аҳолининг, ижтимоий-сиёсий гуруҳ ва қатламларнинг хоҳиш-иродаси, иштироки билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Бошқача айтганда, ҳар қандай партия ёки ижтимоий ҳаракат, биринчи гада, аниқ гояларнинг тарафдори, муайян гуруҳларнинг маффаатларини

аниқ тасаввур қиладиган, шу қарашларни оқидиға сурадиган, ҳимоя қиладиган ва ҳаётга табиқ этиш учун курашадиган куч сифатида маълумга чиқали.

Шу борала ўз-ўзидан аён бўлиши керакки, кўпшартиявийлик шароитида ҳар қандай партия ва ҳаракат жамият ва халқ орасида обрў топиш эвазига, авваламбор, сайловолди ва сайлов даврида ўз ғоялари, дастури ва амалий ишлари билан сайловчиларни ўзига эргаштира олиш ва кўпроқ овоз тўлган ҳисобидан қонунчилик ва ижро ҳокимиятларига ўз вакилларини ўтказиш ва шулар орқали ўз оқидиға мақсад қилиб қўйган ғоя ва иш-ишларни амалга ошириш билан ўзини намоён қилиши табиий.

Шу талабларга жавоб бермайдиган, амалий ҳаёт билан боғланмаган, ҳавоий ингилишлар, фақатгина чиройли, лекин қуруқ даъват ва чақириқлар билан янайдиган сиёсий куч эса — у партия бўладими, ижтимоий ҳаракат бўладими — охир-оқибатда инқирозга юз тутали ва халқ наъридан қолиди. Бундай тизим ва ҳолат барча демократик давлатларда табиий бир ҳолга айланган.

Албатта, демократик жамият қуришга бел боғлаган ва бунга эришган давлатларда биров бир сиёсий кучнинг ўз мавқеи ва ўрнига эга бўлиши, обрў қозониши учун, сиёсий партия ёки ижтимоий ҳаракат бўлиб шаклланиши учун, шубҳасиз, маълум вақт ва тажриба керак бўлишини кузатиш мумкин.

Агарки, Америка, Европа ёки Осиёдаги ривожланган демократик давлатлар мисолида қуралдиган бўлсак, уларда ҳозирги кунда етакчи куч тариқасида фаолият кўрсатаётган партиялар узоқ ва мураккаб, давомли тарихга эга бўлгани, қанча-қанча ижтимоий-сиёсий кураш ва тўфонларни бопидан кечиргани, халқ ишончини қозониш учун оғир ишларни босиб ўтгани ва бугун ҳам доимий ҳаракатда эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Бир сўз билан айтганда, ҳар қайси партиянинг ўз тарихи, сиёсий қиёфаси ва, энг аввало, бугун фаолиятининг негизида аниқ ва халққа, жамиятга тушунарли, таъсирчан ғоялар мужассам бўлиши шарт.

Тан олишимиз керакки, биз мустақилликка эришгандан кейинги мана шу 12 йиллик даврда бу масалада ҳам бирмунча ҳаётий тажриба орттирдик.

Бошимиздан кечирган, ўзини оқламаган яккапартиявийлик, зўравонлик тизими, халққа маълум ёки помаълум бўладими, фақатгина битта ғоя ҳукм сургани, халқимиз тарихида қандай салбий из қолдиргани ҳақида тапириб ўтириш ортқича бўлса керак. Буни барчангиз Ўзбекистонимизнинг яқин тарихидан яқин биласиз ва бундан тегишли хулосалар чиқаргансиз, деб ўйлайман.

Юргимизда етмиш йилдан кўпроқ яккаҳукмронлик қилган ана шу мафкура, минг афсуски, кўпгина одамларимизнинг онги ва тафаккурига ўрнашиб қолгани ва ҳамон ўз исканжасидан чиқармаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Ҳали-бери ҳаётимизга салбий таъсир ўтказётган кўпгина мисоллар қаторида боқимандалик касаллиги ҳақида тапирадиган бўлсак, эски замондан қолган бундай асоратлар нақалар кучли эканини сезиш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда биз ҳуқуқий демократик, бозор иқтисодиётига асосланган давлат, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт қуриш учун интиломқдамиз. Бу ҳаётнинг сиёсий-ижтимоий асослари бўлган демократия принципларини, кўшпартиявийлик муҳитини мустаҳкамлаш, партиялар фаолиятини таъкил қилиш ва ривожлантириш бугунги ҳаётимизнинг энг муҳим вазифаси, эртанги тараққиётимизнинг тарови бўлиб қолимоқда. Барча тараққий тошган демократик давлатлар босиб ўтган бу йул биз учун ҳам ягона тўғри йул экани ҳақида, такрорлаб таъкирив утиришнинг зарурати йуқ, деб ўйлайман.

Ҳаммамизга маълум, ҳозирги кунда мамлакатимизда мавжуд бўлган партиялар, яъни Халқ демократик, «Аюлат» социал-демократик, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партияси эски тузумдан мутлақо фарқ қиладиган янгича шароитда, кўшпартиявийлик муҳитида ишлямоқда, имкон қалар жамиятда ўз ўрнини топишга, одамларни ўз гоёси, ўз дастури атрофида жипслагтиришга иштилоқда.

Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизнинг эркин ва озод ҳаёт, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йулида қўяётган қаламлари барчамизни қувонтиради.

Лекин, таассуфки, шу мақсадга эришишга қаратилган жараёнлар, аввало, ҳақиқий кўшпартиявийлик муҳитини барпо этиш, ҳар қайси партиянинг аниқ, фақатгина ўзига хос қиёфага, ўз тарафдорлари ва сайловчиларига эга бўлиши, олинга сурадиган гоёлари ва дастурларини амалга ошириш учун қатъий кураш олиб бориши жуда сует кечмоқда. Бундай ингилиш ва ҳаракатлар, айгини мумкинки, умуман сезилмаялти.

Шуни яна ва яна бир бор афеус билан таъкидлашга мажбурман — ҳозир жамиятимизда шу масала бўйича кечаётган жараёнлар ҳеч кимни қониқирмайди. Ва бундан керакли хулосалар чиқариш айни муддао бўлур эди.

Албатта, барча партияларимизни бир-бирига яқинлаштираётган жиҳатларнинг мавжултиги — улар сиёсий, иқтисодий мақсад ёки дастур бўладими — бу ҳам табиий ҳол.

Ҳар қандай фаолият курсатаётган партия юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги каби гоёларни ўзининг эзгу мақсади деб олинга суришига, ишончим комилки, ҳеч ким қарши чиқмайди.

Болшқача айташга, булун Олий Мажлисимизда ўз фракцияларига эга бўлган кўшгина партияларимиз демократик принциплар ва миллий қадриятларимизга асосланган келажакимизни қуришга бел боғлаганини, шу мақсадга олиб бораётган илохотларимизга муносиб ҳисса қўлиётганини ҳеч ким инкор этолмайди ва бу борала уларни албатта қўллаб-қувватлайди.

Лекин табиий бир савола жавоб топиш қийин бўлялти. Бу эзгу мақсадларга эришишда ким қандай йулларни, қандай модел ёки программаларни таклиф этмоқда ва уларни амалга оширишда фидойилик курсатмоқда?

Яна битта масала: бу партиялар кимларнинг, қайси ижтимоий табақаларнинг аниқ манфаатларини кўзлайди?

Афсуски, бу саволларга ҳам тайинли жавоб йўқ.

Бунинг бизнинг олдимишда турган мақсад битта — оғул ва обод, фаровон ҳаёт қуриш, лекин бу мақсадга эришишнинг йўллари кўп. Нима туфайли, нима эвазига, нимага суняиб ва таяниб амалга ошириладиган қандай дастур асосида биз бу мақсадларга етамиз? Бу боралда биз қандай муаммоларни бартараф этишимиз, қандай марраларни эгаллаб, қандай босқичлардан ўтишимиз ларкор? Энг қийин масала мана шу ерда.

Бундай вазиятти сиёсий ёки иқтисодий соҳаларда, ижтимоий, маънавий-маънавий йўналишларда, умуман, давлат ва жамиятимизни қуриш, уни илора қилиш ва бошқарини масалаларида кузатишимиз мумкин. Нафақат бунинг қушимиз, балки эртани авлодларнинг келажигига ҳам таҳлил солаётган, халқаро майдонда тобора кучайиб бораётган янги хавф-хатарларнинг олдини олиш, юртимизда қарор топган тинч ва осула ҳаётни бу бало-қазолардан асраш мақсадида нимагага нисбатан эҳтиёт ва ҳушёр бўлишимиз, ташқи ва ички сиёсатимизни узоқни кўзлаб, қандай принципларга асосланиб, нимагага ва кимгага таянган ҳолида олиб боришимиз зарур деган саволлар, аввало, сиёсий партияларимизнинг аъзо ва раҳбарларини қийнашни керак эмасми?

Луна қилиб айтганда, бунинг вазият бу йўналишларда давлат сиёсатини аниқлаш, яққа-яқона тўри йўлни ишлаб чиқини ва таплаган масаласида партия ва ҳаракатлардан тинмай бош қотиришни, бу масалаларнинг ечимини топиш мақсадида олиб борилаётган баҳс ва муҳокамагага ўз фикри ва позициясини ҳимоялашга қодир бўлишни ва ўз ҳақиқатини исботлаб беришни тақозо этади.

Лекин, очиқ айтиш керак, бизда бу боралда қандайдир тоқайдлик, хотиржамлик ва бепарволик ҳукм сурмоқда. Хулдики, ҳамма оғир ва кескин муаммолар бунинг ҳам, эртанга ҳам ўз йўли билан ҳал бўладиганлик, кимшир уларни ечиб беради, деган кайфиятлар устун бўймоқда.

Аксарият партияларимиз эса курашини ўрнига, сен менга тегма, мен сена деб, ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаётдан орқала қолимоқда.

Баъзилар, бу катта сиёсат, бунга тажрибамиз ва қурбимиз ҳали етмайди, деб эътироз билдиришни мумкин. Бундай қарашлар билан мулҳоқо келишиб бўлмайди. Нега деганда, сиёсий партия, деб ном олган куч, авваламбор, шундай мураккаб сиёсатга ўз ҳиссасини қўшиш учун майдонга чиқади.

Майли, келиш, бундай стратегик, ўла оғир сиёсий муаммоларни ечишдан кундалик ҳаётимизда ҳар қандайда учрайдиган масалаларга ўтайлик. Ҳеч кимга сир эмас, бунинг жиддий муаммоларимиздан бири — жойлардаги, авваламбор, ёшлар ўртасидаги ишсизликдир. Бу бир ой ёки бир йилда ҳал бўладиган масала эмас, албатта. Бу муаммонинг илдизи чуқур ва бунга олиб келадиган сабаблар кўп. Бундай мураккаб масалани ечиш учун у билан узвий боғлиқ бўлган бошқа муаммоларни ҳам ҳал этишга тўғри келади.

Аввало, ўйлаб кўрайлик, ишсизлик ўзи нимадан пайдо бўлади? Бу муаммонинг ижобий ёки салбий томонга ўсини, биринчи гада, иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ.

Айтайтик, иқтисодий тез ривожланса, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг харидори кўп бўлса, экспорт ҳажми ортиб, шу ҳисобидан корхоналарга валюта тушса, албатта, янги-янги иш ўринлари вужудга келади. Ва бу нарса нафақат завод ёки хўжалик, балки шу ерда ишлайдиган ҳар бир инсоннинг даромад ва буромадини танкил қилади. Натижада илмийлик даражаси пасаяди.

Масаланинг яна бир жиғи шуни айтиш керакки, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, барқарор ўсиб бориши — бу қиллоқ ҳужаати бўладими, сапоат ёки хизмат кўрсатиш соҳаси бўладими — шу тармоқларда ишлаётган одамларнинг доимо сезиларли ва изланувчан бўлишини, булунчи кўп талаб қиладиган касб-ҳунарларни ўрганишини, ўз малака ва савиясини муттасил ошириб боришини, мухтастар айтади, замон билан тенг қилам танганини тақозо этади.

Ҳозирги давр шиддати шундайки, өзгина оқсоқликка йўл кўнган одам ёки корхона эргага ҳаётдан орқанда қолиб кетиши мумкин. Маҳсулот таннархи ҳам, даромад ва буромад ҳам, турмуш даражаси ҳам замон билан ҳамқалам юришимизга чамбарчас боғлиқ. Бу олдий ҳақиқат бўлса ҳам, уни такрор-такрор айтишга тўғри келмоқда. Одамларни иш билан банд қилишнинг яна бир омили шуки, ҳар қандай шароитда ҳам ташаббус ва изланувчанлик билан яшаш, керак бўлса, талбиркорлик сир-асрорларини пухта ўрганиб, тинимсиз ҳаракат қилиш ва олдийга интилиш лозим.

Бу масалада Япония ва Корея сингари табиий бойликка деярли эга бўлмаган мамлакатлар тажрибасидан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Улардаги мураккаб шароит, чекланган ресурслар доимий жонсаракликни, ақлни ишлатишни, тал-тақир жойда ҳам имконият топишни талаб қилади ва улар бу боралда жиддий ютуқларга эришмоқда.

Демак, илмийлик масаласини баргараф этишга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган партия ёки ҳаракат, аввало, муаммонинг мана шундай туб илдизларини чуқур ўрганиши, шу хусусда бош қотириши, жамоатчилик ва халқнинг эътиборини шунга қаратиши лозим. Фақат шунинг эвазига улар етакчи ижтимоий ёки сиёсий куч деб ном олсини, эл-юрт орасида чинакам обрў-эътибор қозониши мумкин.

Мактабларимизнинг аҳволига эътибор берайлик. Бугун бизда 30 фоиз мактаб бинолари почор ҳолатда. Очиқ тан олшимиз керак — бу муаммони, мактаблар масаласини тўла ечишга жойларда куч-имкониятларимиз етинмайди. Бу масалани ҳат эйтишга партиялар қандай ҳисса қўшмоқда? Мактабларни таъмирлаш, ўқувчиларга зарур шароит яратиш борасида улар қандай ташаббус билан чиқмоқда? Азалий урф-одатларимизга амал қилиб, маҳалла билан, жамоа билан биргаликда ҳашир уюштириб мактаб муаммосини ечин учун қайси партияда қандай амалий ҳаракат ёки иштирок сезилмоқда?

Сир эмас, бугунги кунда кўп мактабларда янги дарсликлар, китоб ва ўқув қўлланмалари етинмайди. Бир қараганда, бу олдий масалага ўхшайди. Лекин ҳаёт мана шундай олдий масалалардан танкил топади, шуларнинг таъсирида ўтиб боради.

Шу муаммони ечили борасида, мисол учун, узини ёшлар партияси деб атаган Фидокорлар партияси нима иш қилипти? Бу масалала бирон мактабга бир-иккита компьютер совга қилиш билан иш битадими? Бу муаммони ҳал этиш учун жиддий уйлаб, аниқ дастур тузиб, енг шимариб узоқ ишлашга тўри келади.

Ёки кўп жойларда одамларни қийнайдиган масала — ичимлик суви масаласини олайтиқ. Бу муаммо нафақат олис қишлоқларда, балки кўпчилик туман марказларида ҳам долзарблигича қолмоқда. Яқинда аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш бўйича 2009 йилдан башлаб ҳукумат дастури қабул қилинди. Кўпгина ташаббуслар қаторида бу дастурнинг ижроси ҳам Президент ва ҳукумат зиммасида турибди.

Энг ачинарлиси шундаки, бу масалалар ҳал бўлишидан кейин улар ҳақида гапиралдиганлар, биз ушбу қилдик, бундоқ қилдик, деб кўкрагига урадиганлар кўпаяди, албатта. Халқимиз таъбири билан айтганда, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўладиганлар тонилиши шубҳасиз.

Демоқчиманки, агар ҳар қайси партия ҳаётдаги ҳамма муаммоларни эмас, бирор-бир аниқ ишти ўз масъулиятига олиб, уни охиригача ҳал қилишга интиlsa, фақат шунинг ҳисобидан обрў қозониши мумкин. Менимча, бу мақсадларга эришиш учун ташаббус ва ҳаракат қўйилан, олдий инсонлар орасидан бончилиши керак. Ҳар қандай таклиф-ташаббус талбиркорлик ва ишбилармонлик маҳсули сифатида юзага чиққан тақдирдагина яхши самара берилиши мумкин.

Лўнда қилиб айтганда, халқ ғамини ёйдиган, унинг тапвирларини юракдан ҳис этадиган, узини етакчи деб ҳисоблайдиган одам доимо ёниб туриши керак. Биринчи гада, ёшларимиз ҳаётда ўз ўрнимни албатта тошман, кўзлаган мақсадимиз албатта эришман, ҳеч кимдан кам бўлишга ҳаққим йўқ, деган туйғу ва сўнмас ҳаракат билан яшани ва ана шундай маънавий муҳит жамиятимизда барқарор бўлишини истардим.

Бизда бу борала ҳали ишга солилмаган, таъбир жоиз бўлса, теша тегмаган қанча имконият ва бойлик бор. Шунларни кўра билалдиган, ўз ошидан ўтказалдиган инсоннинг биллими, ақл-заковати, ҳаракати ва куч-қудратига ишонган ва суянган ҳолда буни фаровон ҳаётга эришишининг яккаю ягона тўри йўли деб ҳисоблайдиган ва шундай гошларни оша суралдиган сиёсий кучгина ҳақиқий партия бўлиб шакллана олади.

Ҳозир нима бўляпти? Кўпгина партияларнинг фаолияти ҳамон заиф ва мўртлигича қолмоқда, уларнинг айрим раҳбарлари бир поғона ўсдими — дарров доҳийлик касалига йуқиқмоқда.

Улар узини қандайдир партиявий фаоллар деб ҳис қила бонлайди. Етакчилиқ улар учун гўёки касба айланиб қолмоқда. Ваҳоланки, халқнинг ичида улардан ҳам донороқ, эл-юртнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган, лекин ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаволаниб кетмайдиган, узини кўпчиликлдан устун қўймайдиган, камтар ва билимдон одамлар кўп.

Шу ўринда ўзимизга яна бир савол берайлик: бугунги кунда партияларимиз сафида бундай аъзоларнинг сони қанча? Фақат қуруқ гап солиш, сўз юритиш билан эмас, ўз фаолияти мисолида амалий ишлари билан — талбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес бўладими, фермерлик бўладими — ўзининг манфаатини, шу билан бирга эл-юртнинг таълими ва таъинишларини ҳисобга олган ҳолда, каттами-кичикми фойда берадиган ишларни узи-кесил ҳал қиладиган, уни қойил қилиб амалга оширишга қодир одамларнинг сони қанча? Ва партияларнинг бу одамларга таъсири қандай?

Барака тоққурлар, айгинлар, нега деҳқон-фермерлар, талбиркорлар ва ишнинг негизини биладиган кишилар, улар қайси соҳа ва йўналишда меҳнат қилишидан қатъи назар, партияларнинг эътиборидан четда қолиб кетяпти? Бу тоифа ва қатламларнинг манфаатлари, орзу-интилишлари партиялар томонидан қай даражада ифода этиляпти, керак бўлса, ҳимоя қилиняпти?

Ўйлайманки, бу саволларга жавоб топиш ва бундай масалаларни ечиш вақти кели. Буни жадат суръати ривожланиётган ҳаётнинг ўзи такою этмоқда. Шу вазифалардан келиб чиққан ва уларни июбатта олган ҳолда, янги тузилаётган партиянинг сиёсий қиёфаси, мақсад-ластурини, керак бўлса, тарихимизда тугалиган ўрни ва мавқеини белгилаб, аниқлаб олишимиз зарур, деб ўйлайман.

Эш муҳими, бугун мамлакатимиз, халқимиз таплаган пировард мақсадларга етиш йўлида эришилаётган улкан ютуқ ва марралар билан бир қаторда, ҳаётимизда мавжуд бўлган юв-тўсиқлар, ечилмаётган муаммо ва нуқсонларни чуқур таҳлил қилиш, уларнинг илдиз ва томирларини аниқлаш асосида керакги хулосалар чиқариш, шу аснода мухтасар фикр юритишимиз айни муддао бўлур эди. Такрор айтмоқчиман: Ватанимиз мустақиллик йилларида эришган ютуқ ва марраларни ҳеч ким инкор этолмайди ва бунга ҳаққи ҳам йўқ, деб ўйлайман.

Халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган, не-не оғат ва тўфонларни, синовларни бошидан кечириб, қанча-қанча қурбонлар эвазига қўна киритган озода ва эркин ҳаётни, ўз қалр-қимматимиз, муқаллас динимиз, тилимиз ва қадриятларимизни қайта тиклаб, амалда адолатли демократик давлат ва фуқаролик жамияти, эркин иқтисодиёт куриш имконига эга бўлганимизни, халқаро майдонда Ўзбекистон деб аталиш келажаги буюк даъватни барпо этишга муяссар бўлганимизни миш йиллик тарихимизда Аллоҳнинг ўзи берган улту незмат, деб қабул қиламиз.

Лекин ҳаммамизга маълум — ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, шиддат билан, тез суръатлар билан ҳамеша олдинга илтилади. Кимки ҳаёт тараққиёти суръатлари билан ҳамқалам бўлмаса, унга лоқайд ва бешисанди қараса, ҳеч шубҳасиз, тез узараётган тарихнинг бир чеккасида, қолюқшик ва армонда қолиб кетади. Бу — ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати.

Мана шунинг учун ҳам барчамиз бир ёқдан бош чиқариб, қўпроқ эришган ютуқларни фақатгина мақтани, уларга маҳтис бўлиш ва шу маррала, шу босқичда денсинаб туриш эмас, балки бугун юргимизнинг тараққиётига юв бўлаётган, унга зарар етказётган муаммоларимизни очиб таниш ва уларни бартараф этишга бугун куч-гайратимизни жалб қилишимиз шарт.

Айнан шу аспода, келажатимизни ўзимизга яққол тасаввур қилган ҳолда, эртанги кунимизни яхшилан мақсадлила замон талаб қилаётган ислоҳот дастурларини амалда ошириш учун астойдил меҳнат қилишимиз лозим.

Юқорида зикр этилган мақсадларга эришишда, ўйлашманки, 2000 йилда Олий Мажлисимизнинг биринчи сессиясида қабул қилинган ва кейинчалик, тўққизинчи сессияда янада ривожлантирилган давлат ва жамиятимизнинг барча соҳа ва йўналишларини либераллаштириш миллий дастуримизнинг ўрни ва моҳиятини биров бир нарса билан ўлчан қийин. Шу дастурни суъжиз амалда ошириш, уни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жорий қилиш, керак бўлса, унинг аҳамияти ва моҳиятини кенг оммага сингдириш масаласини бугунги кунда энг асосий, долзарб вазифамиз, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Аввало, шуни ўзимизга аниқлаб, чуқур англаб олишимиз зарурки, ва буни ҳеч ким инкор этолмайди, ҳар қандай тараққиёт, олдинга юриш — бу илму фан бўладими, иқтисодиёт, маънавий янгиликларини бўладими — уларнинг барчасини замирида, биринчи навбатда, инсоннинг ақл-заковати, ҳаракати, куч-қудрати туради. Бу ҳақиқат, ҳар қандай сиёсий давлат тизимидан қатъи назар, ягона ҳақиқат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Лекин, ҳеч шубҳа йўқки, инсоннинг, керак бўлса, омма ва халқнинг бундай аломат ва салоҳияти, авваламбор, эркинлик шароитида намоён бўлади. Бунинг негизида қандай тушунча ва ғоя бор?

Мисол тариқасида иқтисодиёт соҳасини олайлик. Бу соҳа ривожини ўз зиммасига олган олдий ишчи ёки раҳбар бўладими, уларга эркинлик бермасдан, талбир жоиз бўлса, оёқ-қўлини, оғзи ва тафаккурини кинанлардан озол қилмасдан туриб, инсоннинг ўз ақл-заковати, куч-қудратини ишга солмасдан туриб ижобий натижага эришиш қийин. Бу ҳақиқатни исбот қилиб беришга ҳожат йўқ, деб ўйлашман.

Ҳаётнинг турли соҳа ва жабҳаларини кўтарилган, уларга ривож ва қанот берилган омил, ҳамма нарсани ҳаракатга келтирилган куч бу — аввало иқтисодий эркинлик, яъни том маънодаги инсон эркинлигидир.

Шу фикрни ривожлантириб айгмоқчиманки, кишилик тарихида ўзининг буюк имкониятларини доимо кўрсатиб келган ва бугунги замонда яна қайтадан машҳур бўлган куч — бу иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг замиши ва пойдевори бўлиш эркин талбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатидир.

Агарки, Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий тошган жамият ва давлатга айлантириш, авваламбор, халқимизнинг ҳаётини муносиб даражага кўтариш ва халқаро обрўсини юксалтириш, шу мақсадларга эришиш учун юргимизда осудалик ва тинчлик-осойишталикни сақлашдан бугунги кунда бизнинг жамиятимизда ким энг кўп манфаатдор деб сўраса, мен, талбиркор ва ишбилармонлар аҳли, деган бўлардим.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин — шу мақсадларга эришишда жамиятимизнинг мана шу тоифаси, мана шу қатлами давлатимиз ва халқимизнинг суянчи ва таянчи бўлиши аён.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, ҳар томонлама асосланган шундай бир ҳулоса чиқариш мумкин.

Яъни, бутун жамиятимизнинг аввало иқтисодий ҳаётида тобора кенгайиб, кучга тушиб бораётган талбиркор ва ишбилармонлар, кичик ва ўрта бизнес, фермерлар ҳаракати эл-юрт тараққиётини, мамлакатимизнинг ҳал қилувчи соҳалари ва йўналишларида олиб борилаётган ислоҳотларни кескин суръатлар билан ривожланишини, олимизда тўсиқ бўлиб турган барча гўя ва нуқсонларни бартараф қилиш масъулиятиги ўз зиммасига олиши учун — уларга сиёсий маълумни очиб бериш жамиятимиз ҳаётининг кун тартибига долзарб масала бўлиб кирмоқда.

Шунинг учун ҳам янги партия тузиш ҳақида гап юритар эканмиз, ўз ҳаётининг маъносини ҳам, юрт ва жамият келажаги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигини ҳам талбиркорлик ривож ва самараси билан боғлаб кетган одамларни унинг сафларига бирлангирсак, ўйлайманки, айни мулоҳо булар эди.

Бу ҳаракатнинг асосий гоялари, мақсад ва вазифаларини сиёсий тил билан ифода этадиган бўлсак, бу гояларни ўзида мужассам этган партия, ўз моҳият-эъгиборига кура, том маънода айни либерал-демократик партия платформасига туғри келади.

Айниқса, бу борада юқорида тилга олинган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олган либераллангириш, ўзбекиона қилиб айталган бўлсак, эркинлангириш дастури муҳим дастак бўлиши мумкин.

Муҳтасар қилиб айтганда, мамлакатимизни модернизация қилиш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий ўзги ва тарови — бу эркинлангириш сиёсатидир.

Шу маънода, менинг сизларга берадиган тавсиям, бутун тузиш масаласи ўртага қўйилаётган янги партияни Талбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Либерал-демократик партия, деб аташ уринли бўлур эди.

Бу икки тушунча ўзининг маъно-маъмуни, устун қўядиган гоя ва мақсадлари бунича бир-бири билан шундай чамбарчас боғланиб кетганки, уларни бир-биридан ажратган ҳолда кўриш, ўйлайманки, гайригабийий ва гайримағзиқий ҳол булар эди.

Шунинг учун ҳам янги тузилаётган сиёсий куч ва ҳаракатга айнан шундай ном беришга ҳар томонлама асос бор.

Энди, шу фурсатдан фойдаланиб, сиёсий куч тарихида вужудга келаётган партиянинг қурилиши ва фаолияти билан боғлиқ айрим ҳолатларга эътиборингизни жалб қилишни уринли деб биламан.

Нафақат янги тузилаётган партиянинг, умуман, ўзини сиёсий ва ижтимоий куч деб эълон қилган ҳар қандай партия фаолиятида пайдо бўладиган энг қатта муаммо — шу партиянинг ўз олимга қўшган, унинг сафларини бирлангирувчи гояни кенг оммага етказиш ва амалда ибобтлаб бериш, аввало, шу гоя ва дастурни барча партия аъзоларининг онги ва тафаккурига синдиришдан иборат, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайд.

Яъни, леуда қилиб айтганда, бу партия нима учун, қандай гоя-ларни амалга ошириш учун майдонга чиқмоқда. Ва шу гоя-лар нақдлар адолатли экани, унинг халқ орзу-умидлари ва замон талаб-ларига пачоетик жавоб бера олишини жамоатчиликка тунгунтириб, исботлаб беришдир. Шу борала яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Тузилаётган партия ўз аъзолари, авваламбор, унинг асосчи ва етакчи фаолларидан ҳаётимизда кўп учрайдиган халфли касаллик — амалпарастлик, манманлик, ўзига бино қўйиш ва ўзига ортиқча баҳо беришдан холи бўлишни талаб қилади.

Яъни ташкил этилаётган партия фаолиятида ўзиниш шахсий манфаати ва интилишларини, бошқача айтганда, ўз амбициясини жамият ва халқ манфаатларидан устун қўйишга асло йўл бермаслик лозим.

Шуни яхши ва чуқур англаб олишимиз керакки, қарела мана шу касалликнинг хуружи кучайса, шу ерда, аниқ айтиш мумкин, соғлом муҳит йўқолади, мансаб таланиш ва доҳийликка уришлар авжига чиқали. Охир-оқибатда бу партия сиёсий майдонда пайло бўлмастан туриб инқирозга дучор бўлади.

Бу ташки яна давом эттириш, бу масалани яна чуқурроқ тунгунтириб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйланган. Лекин бу огоҳлантириш бутун мана шу партияни ташкил қилаётган, унга аъзо бўлиб қирадиган одамларнинг қулоғида доимо жарағлаб туришини истардим.

Яна бир олдидан ўзимизга тасаввур қилишга лойиқ масала: агарки, кимда-ким ўзининг шахсий манфаатига доир муаммоларни яъни тузилаётган партия орқали ҳал қилиш, ечин учун партияга кирмоқчи бўлса — қаттиқ янглишди.

Яна бир ҳақиқатни очик айтишга тўғри келади.

Сизларга яхши маълум бўлиши керак ва ўзингиз амалий ҳаётда бунинг кўп гувоҳи бўласиз: талбиркорлар зоти — буниям сир тугиш керак эмас — ҳаммага ҳам ёқмайди.

Ҳали-бери жамиятимизда бу тоифа ва шу ишга бел боғлаган одамларга нисбатан эски замондан қолган қандайдир шубҳа билан қараш, уларни кимшидир алдан, ҳақидан уриб қолиш ҳисобидан даромад тоналган кимсалар қаторига қўйиш ҳолатларини ҳам учратиш мумкин.

Лекин бугунги кунда бутунлай қарашларнинг камайиб, халқимизнинг ону тафаккури тобора ўзариб бораётганини эъгиборга оладиган бўлсак, ҳаётимизда уларнинг аста-секип йўқолиши, ислохотларнинг чуқурлашуви, демократик ва бозор иқтисодиёти муносабатларининг жамиятимиздан янада кенроқ ўрин олиши туфайли ўз-ўзидан барҳам топини муқаррар.

Бу — биричидан.

Иккинчидан, бундай салбий қарашларнинг ҳаётимиздан йўқолиши учун авваламбор талбиркорларнинг ўзи кўпроқ ҳаракат қилиши ва ўзининг шахсий мисоллари билан бундай шубҳа-ғумонлар ўришсиз эканини исботлаб бериши даркор.

Шуни ҳам айтиш керакки, кеча эҳтимол, бундай партия тузини учун старли даражада шароит бўлмагандир.

Аmmo, агарки, бугун ҳаётимизда тобора кучайиб бораётган яшнганиш ҳаракатларини, дунёдаги тараққий топган давлатлар мисолида эркинлаштириш ва демократлаштириш ҳисобидан эришаётган марраларни инобатга олган ҳолида, барчамизга аён бўлиши зарурки, либерал-демократик гояларни, шаклформасини олишга сурган ҳолида оламгаримизнинг турмуш даражасини ўстириш, йўлимиздаги юв-тусиқларни олиб ташлаш, Ватанимизнинг тараққийини жадал суратлар билан ривожлантириш вақти келди. Ва шу гоялар ва мақсалларни амалга ошириш учун Ўзбекистонимизнинг сиёсий майдонига янги партиянинг пайдо бўлиши айни мудио.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, мен, янги ташкил этилаётган партиянинг мақсад ва гоялари тариқасида, кўйидаги принципиал масалаларга алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман.

**Биринчи мақсад.** Ўзбекистоннинг тараққийини, унинг оғир-енглигини ўз елкасига, ўз масъулиятига олишга бугун сиёсий куч сифатида бирташаётган, мамлакатимизда катта салоҳиятга эга бўлган талбиркор ва ишбилармонлар тоифаси ҳақшидир.

Бу ҳаракатнинг асосий мақсади — сиёсий кучга айланиб, талбиркорларнинг йўлини янада очиб, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий соҳаларда исботлаб бериш, манфаатини ҳимоялаш, эртанги кунини таъминлаш. Шу ижтимоий тоифа номидан Ўзбекистоннинг сиёсий сахнасига чиқиш ва ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш.

**Иккинчи мақсад.** Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган, унинг стратегик истиқболлари дастурини Конституция принципларига суяниб, бошқа сиёсий партия ва ҳаракатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ қилиш учун партиянинг куч-имкониятларини сафарбар этиш.

Ўзбекистон танлаган очиқ демократик, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат куриш, фуқаролик жамияти институтларининг ривожига кенг йўл очиб бериш ва демократик қадриятларни ҳалқимиз, аввало, ёшлар оши ва ҳаётига синдириш.

Бир сўз билан айтганда, ривож топган бугун демократик ҳалқаро ҳамжамият билан ҳамоҳанг бўлиб яшаш мақсади янги тузилаётган партиянинг энг муҳим ва долзарб вазифасига айланиши ларкор.

**Учинчи мақсад.** Давлатни бошқариш, жамиятда шаклланаётган қарашларга таъсир ўтказиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, ҳаётимиздаги муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш, Ўзбекистоннинг ҳалқаро обрўини оширишда, юргимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, асраб-авайлашда, миллатлараро ва фуқаролараро аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашиш.

Ҳалқимиз, аввало, ёшларимизни миллий гоя, юрагида ўз элим, ўз юргим, жон Ўзбекистоним, деб гурурланиб яшаш руҳида тарбиялашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўниш, ҳар қандай шароитда ҳам мустақиллик йўлимизни, қадриятларимиз, миллий ва диний анъаналаримиз, урф-одатларимизни қадрлаш, шу билан бирга, барча миллат ва элатлар

қадриятларини камситишга йўл қўймаслик, бундай хуружларга қарши кураш олиб бориш.

**Тўртинчи мақсад.** Ўзи учун сиёсий платформа деб таънаб олмаган либерал-демократик гоялар ва мақсадларни ўз фаолияти билан кенг омма онгига синдириш, бу борала ҳар томонлама чуқур ўйланган таъвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш, ўз сафини кенгайтириш.

Шу гояларни ҳаётга татбиқ қилиш учун фидойилик кўрсатган фаолларни депутатликка номзод этиб тавсия қилиш ва сайловчилар ишончини қозониб, ўз депутатлари зиммасига қонунчилик ва ижро ҳокимиятларида вакиллик вазифасини юклатиш ва уларни бошқариш.

Солда қилиб айтганда, бу янги партия, бу ҳаракат талбиркорларга, ишнинг негизини билатган фаоллар ва фидойиларга суяниб-таяниб, уларни бирлаштириб, ўз олдига қўйган мақсад-маррага эришини ларкор. Нега деганда, тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам талбиркорлар ва ишбилармонлар зоти бутун дунёда давлатнинг таянчи ва суянчи, таъбир жоиз бўлса, ҳар қандай жамиятнинг устуни бўлиб келмоқда.

Амир Темур бобомизнинг, «ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, талбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб талбиреиз, лоқайд кишилардан яхшидир», деб берган насиҳатларида жула қатга маъно бор.

Ўйлайманки, янги тузилаётган бу партия сиёсий ҳаётимизда мавжуд бўлган ана шу бўшлиқни тўлдирди ва Ўзбекистон — келажати буюк давлат, деган мақсадга етишини учун ўз муносиб ҳиссасини қўшди.

**Каримов И.А.** Тинчлик ва ҳафсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. — Т.: «Ўзбекистон», 2004. — 14—40-б.

## ТОМ 13. ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ

### ПАРЛАМЕНТ — ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ КЎЗГҮСИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг  
биринчи йиғилишида сўзланган нутқ, 2005 йил 27 январь*

Шу ўринда ҳар қандай демократик парламентнинг асосий шарти бўлган кўшпартиявийлик масаласига тўхталиб ўтмоқчиман. Моломики, биз демократик жамият қурмоқчи эканмиз, жамиятимизда албатта кўшпартиявийлик тизими бўлиши керак.

Бу тизим нима учун зарур, деган саволга мен шундай жавоб берган бўлардим. Кўшпартиявийлик, аввало, жамиятимизда ўз манфаат ва қарапқарига эга бўлган ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ аке эттириш учун керак. Чунки ҳаёт бор экан, инсон бор экан, ҳар қайси тоифа ўзининг манфаатларини қандайдир йўлар билан ама-па оширишга ҳаракат қилади, бу ҳаётни қандай танқит қилиш лозим, инсон, оила қандай шароитда тинч ва бахтли яшани мумкин, деган масалалар атрофида фикр юрилади, керак бўлса, қонуний йўлар билан ўз мақсадларига эришишга интилади.

Шу маънода, ҳар бир партия ўзига бўлган ишончини, куч-қувватни халқ ичида олади. Шунинг учун ҳам ҳар қайси партия — халқнинг маълум қатлами манфаатларини ифодаловчи сиёсий куч, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Алғоҳ одамзодни шундай яратганки, ҳар бир инсон ўзига хос бир олам. Шу боис икки нафар инсон ҳеч қачон бир-бирига юз фоиз ўхшамайди. Бинобарин, иккита халқ, иккита давлат ҳам бир-биридан қандайдир хусусиятлари билан ажралиб туради. Худди шунингдек, сиёсий партиялар ҳам ўз гоёси, мақсад ва вазифалари билан бир-биридан фарқ қилиши зарур. Шундагина улар жамиятдаги хилма-хил қараш ва манфаатларни тўлақонли акс эттирган бўлади.

Шу билан бирга, сиёсий партиялар халқни, миллатни қадим-қадимдан бирлаштириб келаётган муштарак гоёлар ҳам борлигини доимо эсда тутиши зарур. Шу боис улар ўз манфаатларини ҳимоя қилишда бир-бирига рақиб ёки мухолифат бўлиши мумкин, лекин ягона Ватан, ягона халқ манфаатлари ҳақида таш кетганда ҳаммаси бир мушт бўлиб бирилашиб доркор. Бугунги кунда бизнинг юргимизда миллий истиқлол гоёси ана шундай бирлаштирувчи куч бўлиб ҳисобланади.

Албатта, ҳар бир инсон ўз фикри ва иродасини эркин ифода этишга ҳақли. У шунинг учун дунёга келган. Шундай экан, ҳар бир сайловчи ўзига маълум бўлган партияни ўзи танлаши керак. Бошқача айтаганда, ҳар қайси партиянинг ўз электорати — уни қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий қатлам бўлиши лозим. Агар шундай бўлмаса, бу партия ҳақиқий сиёсий куч бўла олмайди.

Юргимизда бўлиб ўтган парламент сайловлари шунинг кўрсаткичи, ҳозир бизда ана шундай қатлам шаклланимуда. Яъни, сайловчилар эҳтишда дуч келган одамга эмас, балки ўзи дастур ва гоёларини ёқтирган, келажак бор деб ҳисоблайдиган партияга овоз бермоқда.

Мана, бир мисол. Сайлов жараёнида Андижонда сайловчилар баъзи бир депутатликка номзодларга, эй огайни, сиз икки марта лаб депутат бўлиб, нима қаромат кўрсатдингиз, деб очиқ айтди. Бизда бундай қуруқ саватдан иборат депутатлар керак эмас, деган аччиқ гаплар ҳам бўлди. Ҳатто айрим партия раҳбарлари ҳам шундай сўзларни эшитишга турти келди. Демак, уларнинг шунчаки қуруқ гап билан юрганиши одамлар билди ва шунга қараб баҳосини берди.

Бугун сайловчиларнинг номзодларга нисбатан бундай катта талаблар қўйиши халқимизнинг сиёсий савияси орғиб бораётганидан далолат беради. Партиялар ҳам шунинг ҳис этиб, шунга яраша иш юритиши лозим. Ўзини номига «партия» деб атаб, одамларнинг дарду ташвишларидан беҳабар юрадиган, ўз тарафдорларини билмайдиган, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилмайдиган партия қандай қилиб сиёсий куч бўла олади? Нима, улар фақат пойтахтда, маълум бир одамлар доирасида партия бўлиб юрадимиз? Қачон улар халқнинг ичига кириб боради?

Бир фикрни ҳаммамиз чуқур аниқлаб олишимиз керак. Бизда мингқадавий партиялар йўқ ва бўлмайди ҳам. Чунки турти мингқадавий партиялар орқали

ягона мамтакатимизнинг бўлишиб кетишига биз ҳеч қачон йўл қўймаймиз. Ўзингиз ўйланг, агар Сурхондарёда алоҳида, Қорақалпоғистон ёки Фарғона водийсида алоҳида партиялар ташкил этилса, юртимизнинг булуши ва эртанги куни қандай бўлади? Ахир, биз бундай ҳолатда турли мишқаклар ўртасидаги тортишув ва зиддиятлар гирдобига қолиб кетамиз-ку. Шунинг учун ўзини партия деган ҳар қайси сиёсий куч мана шу парламентга бўладиган сайловлар орқали саҳнага чиқиб, қонун доирасида фаолият юритиши ларкор. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Шуни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман, ҳар қайси партия умуммиллий партия сифатида фаолият юритиши, фақат Марказда қолиб кетмаслиги ва жойларда албатта ўз аъёлари, фаоллари ва тарафдорларига эга бўлиши лозим. Агар шундай бўлмаса, ҳар қандай партия сиёсат саҳнасидап тушиб кетади. Ўйлаётманки, сиёсий партияларнинг раҳбарлари бу гаплардан тўғри хулоса чиқарали.

Яна бир бор айтман, агарда ҳар қайси партия муайян ижтимоий тоифа ёки гуруҳнинг манфаатини ифода этадиган бўлса, демократиянинг энг таъсирчан механизми бўлган сайловлар ҳисобидан дастурини амалга ошириш, ўз мақсадига етиш имконига эга бўлади.

Демократия ва сайлов тунгунчлари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов — демократия дегани. Демократия — бу сайлов дегани. Чунки ҳар қайси партия айнан сайлов орқали ўзининг тарафдорларини аниқтайди, ким уша овоз берапти, ким унинг гоя ва дастурларини қўллаб-қувватлаётми — буларнинг барчасини амалда куришга муваффақ бўлади. Хуллас, ҳамма парса сайлов пайтида маълум бўлади. Қайси партия кимни ўз гояларига ишонтира олади, кимнинг манфаатларини ифода этгани, шу билан бирга, кимнинг уларга эргашётгани, кимлар ишонч билдиргани фақат сайлов натижаларига кўра аён бўлади. Айнан сайлов пайтида партиялар ўзининг асосий ва устувор фикр-қарашларини, ҳаёти қандай яхшиланш, ислоҳотларни қандай амалга ошириш, Ўзбекистон деб аталмиш мустақил давлатнинг эртанги ҳаётини қандай барпо этиш борасидаги гояларини илпори суради.

Лекин амалда ҳаммавақт ҳам шундай бўлаётгани йўқ. Мана, масалан, «Миллий тикланиш» партиясини оладиган бўлсак, унинг таъсири жойларда унча сезилмаяпти. Ушбу партия фаоллари буни тап олиб, бу ҳақда ҳар томонлама ўйлаб кўрса, фойдалан холи бўлмасди.

Бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси нима ҳисобидан галаба қилди? Мен бу саволга, авваламбор амалий ишлари, аниқ дастури билан, деб жавоб берган бўлардим. Бу партия қисқа давр ичида қандай қилиб ҳақимизнинг турмуш даражасини яхшилан, Ўзбекистонни тараққий тошган давлатлар қаторига қўшиш, иқтисодий юксалишга эришиш мумкин, деган масалалар бўйича ўз гоя ва мақсадларини қўлчиликнинг ортига синдириб, уларнинг ишончини қозона олади. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, бу партия сайловга ташкилий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрди. Мен бошқа сиёсий партияларни ҳам шу партиядан ўртак олишга чақирган бўлардим.

Ҳар қандай сайлов — бу жилдий сийси кампания. Шунинг учун унга енгил-елпи қараб бўлмайди. Чунки партияларнинг тақдири, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамоти сайловлар жараёнида ҳал бўлади. Бордию бирор-бир партия сайлов пайтида етарлича овоз ололмаса, инқирозга учраши муқаррар.

Халқ демократик партияси ҳам ана шу ҳақиқатни тушунган ҳолда сайловга яхши тайёргарлик кўргани қўпа киришган натижаларидан маълум бўлди. Мен ана шу икки партия, аввало, халқнинг ичига чуқур кириб боргани, замон талаблари асосида фаолият юритгани учун мана шундай натижаларга эришди, деб ўйлайман.

Айниқса, Халқ демократик партиясининг сайловлар арафасида аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги дастурий чиқишлари унинг ижобий натижаларга эришишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Яна бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Парламентимизда ўз вакилларига эга бўлган партиялар бу натижалар билан қифояланиб қолмасдан, ҳозирданок кейинги сайловлар ҳақида ўйлаши, уларга жилдий тайёргарлик кўришлари керак. Бунда сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларни парламентдаги партия фракцияси томонидан қонунчилик борасида қилинаётган ишлардан хабардор этиб, эл-юрт олдига ҳисобот бериб туриш айниқса муҳим.

Бугунги кунда, худди эски даврда бўлгани каби, бир қишлоққа бориб бир хил, иккинчисида эса бошқача ваъда бериш замони ўтди. Энди бунақа йўллар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам депутат деган юксак ишончга сазовор ҳар қайси инсон аввало ўзи учун овоз берган одамлар ҳақида ўйлаши зарур. Бу ҳам демократиянинг яна бир белги — атомати, деса бўлади.

Яширишнинг ҳожати йўқ, уштан чақириқ парламентдаги партия фракциялари номлагани фаолият кўрсатган эли. Мен улардан бирорасининг муайян бир қонун лойиҳасини таклиф қилиб, уни сессия мажлиси таслифдан ўтказини, ҳаётга татбиқ қилиш бўйича аниқ ташаббус билан чиққанини эслай олмайман. Қани узингиз айтинг, қайси фракция қайси қонуннинг асосий муаллифи ёки муҳаррири бўлди? Уларни ишлаб чиқиб, муҳокамалардан ўтказишда жонқуярлик кўрсатиб, қаттиқ кураш олиб борди?

Бугун эса вазият бутунлай бошқача. Энди ҳар бир фракция ўзи Қонунчилик палатасидаги қайси қўмита раҳбарлигига номзод кўрсатган бўлса, уша қўмитанинг фаолиятига жавоблар бўлади. Шу маънода, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 3 та қўмита, Халқ демократик партияси ва Филологлар партияси 2 талан қўмита фаолияти учун масъулдир. «Миллий тикланиш» партияси эса замонавий ахборот коммуникациялари бўйича иш олиб боради. «Адолат» социал-демократик партияси эса кўпроқ давлат бюджети билан боғлиқ масалалар билан шуғулланади.

Муҳтасар айтганда, бугун Қонунчилик палатасида қонунларни ишлаб чиқиш партиялар ваколатига тошпирилди ва барчамиз буни яхши англашимиз лозим. Биз ишни ана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда ташкил қилишимиз, бунга ўрганишимиз зарур.

Бизнинг заиф томонимиз — ҳақиқий оппозиция йўқ. Ҳукмронлик қилаётган кучга нисбатан оппозиция йўқ. Биз оппозиция деганда расмий сиёсатга қарши кучни тушунамиз. Қонунчилик палатасида ҳақиқий оппозиция пайдо бўлиши лозим. Бу ерда тортишувлар бўлиши керак. Бўлмаса, ҳақиқатни юзга чиқариб бўлмайди. Ҳақиқат бахсларда тунглади, деб бежиз айтилмаган.

Шу сабабли қонун лойиҳаларини шунга қараб, атрофича муҳокама қилиш ларкор. Такрор айтишга тўғри келади, «вақтни тежаш» деган сўз бу залда бўлмаслиги керак. Қонунлар пухта ишганини, бу палатада ишчанлик муҳитини қарор топтириш лозим.

Шу билан бирга, ўз рақибига, бошқа партия вакилига ҳурмат билан қараш — бу олижаноблик ифодаси. Бордию бирор-бир тажрибасиз депутат ўз фикрини билдирса ва у унча тўғри бўлмаса, шунга ҳам ҳурмат билан қараш ларкор. Буни ҳам эрдан чиқармаслигини хоҳтардим.

**Каримов И.А.** Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. — Т.: «Ўзбекистон», 2005. — 161–171-б.

#### БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ — ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ ЭТИШИДир

... мамлакатимизда икки палатали парламента сайловлар ўтказиш бўйича қабул қилинган кул жиҳатдан ўзига хос тизим ҳамда сайловлар жараёнининг ўзи республикамизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг кескин жонланиши ва фаоллигини кучайтиришда, айтиш керакки, уларнинг масъулияти ортганида юзга кучли омил бўлди.

Сайловларда қатнашган барча сиёсий партияларнинг қонунга мувофиқ равишда бугун парламентнинг Қонунчилик палатасида ўз фракцияларини ташкил этиш учун етарли ўринга эга бўлганининг ўзи ҳам уларнинг сайловчилар томонидан муносиб эътироф этилишидан далолат беради.

**Каримов И.А.** Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. — Т.: «Ўзбекистон», 2005. — 175-б.

**Иккинчидан** — сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш.

Шу муносибат билан партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етукликка интилиши ва энг муҳими, молиявий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак. Дастури ва йўналишидан қўлти назар, шакл-шубҳасиз, барча партияларимиз мана шундай йўлни босиб ўтиши муҳим аҳамиятга эга.

Мен шу борда аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини йқолаювчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган похукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор бераётганимизни ҳам алоҳида таъкидламоқчиман.

Одамлар онгида демократик қадриятларни мустақкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда руй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти беқийсиз.

Ҳеч шубҳасиз, менинг назаримда, депутатлар корпуси, сиёсий партиялар ва подавлат, похукумат жамоат ташкилотларининг жамиятда обрў-эътибори орғиб бориши, мавқеи мустақкамлашиши билан, улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг асосий воситасига айланади.

**Каримов И.А.** Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайдди. Т.13. — Т.: «Ўзбекистон», 2005. — 181—182-б.

## **ТОМ 15. ЖАМИЯТМИЗНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, МАЪНАВИЯТИМИЗНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ — БАРЧА ИШЛАРИМИЗНИНГ МЕЗОНИ ВА МАҚСАДИДИР**

### **ИНСОН МАИФАЛТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР**

*Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси*

Аmmo биз ўзимизнинг пировард мақсадимизга эришин учун замон қандай тез ва шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга олган ҳолда, воқеликнинг орғида эмас, балки унинг олдида юришимиз, ҳар қандай нохуш ҳаракат ва муаммоларнинг олдини олишимиз, тараққийтимиз ва демократик янгилашш заминини бе-пилаб берадиган қонунларни ўз вақтида қабул қилишимиз, уларга ҳаёт тақозо этаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишимиз зарурати булун нечоғли долзарб эканини анилаш, тушуниш қийин эмас.

Шу муносабат билан яқинда улмухатқ муҳокамасига қўйилган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонун лойиҳаси айнан ана шундай фикр ва мақсадлар билан озиқланган десам, ҳеч қандай хато бўлмайдди.

Мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашнинг амалий эҳтиёжи, асосий омиллари ва сабаблари ҳақида гапирганда:

**Биринчидан**, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва давом эттириш мақсадида амалда ўзини оқтаган

босқичма-босқич ривожланиш йўтидан изчил бориб, ислохотларнинг бир босқичи охирига етиши билан уларни янги босқичга кўтариш заруратини таъкидлаш лозим.

**Иккинчидан,** мустақиллик даврида сиёсий партияларнинг амалий тажрибаси, сиёсий нуфузи орпани ва анча пинпиб етилганини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг фаолият самаралдорлигини ошириш ва ҳаётимизда ҳал қилувчи сиёсий кучга айлантириш учун қонуний йўл-йўриқларни яратиб беришни бутун замоннинг ўзи талаб қилаётганини қайд этиш зарур.

**Учинчидан,** ҳозирги кунда халқимизнинг сиёсий етуклиги ва ижтимоий фаолиги тобора орғиб бораётганини инобатга олишимиз ва шунга қараб сиёсат олиб бориш заруратини унутмаслигимиз керак.

Шу маънода, таъкиф этилаётган қонун лоийҳасидаги барча молдалар миллий давлатчилигимиз негизларини мустаҳкамлаш, жамиятимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, барқарор тараққиёт кафолатини таъминлаш ва шу асосда иқтисодийтимизнинг ўсинг суръатлари ва халқимизнинг ҳаёт даражасини изчиллик билан кўтариб боришдек эзу мақсадларга хизмат қилиши муқаррар.

Биз демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган эканмиз, демократиянинг асосий принципларини, яъни, жамиятимизда халқ иродасининг тўла ҳукм суруни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш масалалари бутун ҳаётимизда қай даражада ўз аксини топмоқда ва шу талабларга тўлиқ жавоб бериш учун биз яна нимага эътибор қаратишимиз лозим, деган саволларни олдимизга қўйишимиз табиий.

Бу борада бошқа муҳим йўналиш ва вазифаларни инкор этмаган ҳолда, аввало, аҳолимизнинг фаолиги, сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича қилаётган ишларимизнинг самарасини янада кучайтириш масаласи доимий кун тартибда туриши зарур.

Одамларнинг фаолигини ошириш йўли эса ўз навбатида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий қарағлар, турли манфаатларни ифода этадиган сиёсий партиялар фаолигини ошириш билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Ҳар қайси сиёсий партиянинг жамиятимиздаги кучи уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда таъкиф этган ва амалда ошираётган дастурларининг таъсири ва уларни қўллаб-қувватлаётган тарафдорлари сон билан ўлчанади.

Бинобарин, партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида қанча жоплаштириб, кенгайтириб борса, халқимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаолиги шунча юксалиб, уларнинг ислохот ва ўзгаришларга ўтказилган таъсири тобора орғиб бораверади.

Маълумки, ҳозирги вақтда юртимизда бенга сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Улар парламент сайловлари ва маҳаллий сайловлар пайғида ўз дастурлари, сиёсий маслагини эълон қилган ҳолда, ўзаро курашиб, Олий Мажлисдан ва вилоят кенгашларидан тегишги ўринни эгаллаган ва Қонунчилик палатасида ўз фракцияларини, маҳаллий

кеңашларда эса депутатлар гуруҳларини ташкил этиш орқали фаолият олиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, 2000 йиллардан бошлаб бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда демократик жараёнларни лавом эттиришда, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, бизнинг бу йўналишда эришган натижаларимиз юқорида зикр этилган мақсадларимизга бугунги кунда тўлиқ жавоб бермаётганини ҳам ҳолисона тан олишимиз лозим.

Бундай ўта муҳим масалаларни ҳал қилиш зарурати ҳақида, сиёсий партияларимизнинг фаолияти хали-бери реал ҳаёт муаммоларидан узоқ бўлиб тургани ҳақида кўп чиқишларимизда илгари ҳам айтилган.

Ана шундай ҳолатларнинг ечимини топиш учун мазкур қонун лойиҳаси сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш уларнинг қонунчилик ва давлат бошқаруви идоралари фаолиятига, мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга амалий таъсирини кучайтириш йўлида янги-янги имкониятлар очиб бермоқда.

Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялар ва маҳаллий кенашлардаги сиёсий партия гуруҳларининг мақомини аниқ белгилаб қўйиш, барча бугундаги халқ пайдаларининг ваколати ва мавқеини ошириш бўйича қонуний механизмларни қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Солда қилиб айтганда, сайлов натижалари асосида шаклланган Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенашларда қайси сиёсий партиянинг вакиллари кўпчилик мақомига эга бўлади, қайси партиянинг вакиллари эса озчиликни ташкил қилади, тузилаётган ҳукумат сиёсатига нисбатан қайси партия муҳолифатлик позициясини ўзига маъқул кўради — буларнинг барчаси тактиф қилинаётган қонун лойиҳасида ўзининг аниқ-равшан ҳуқуқий ифодасини тошган.

Сайловлар натижасида Қонунчилик палатасида ўз фракциялари ва маҳаллий кенашларда депутатлик гуруҳларини тузиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партияларнинг ҳукумат раҳбари ва вилоят ҳокимларини сайлаш ва тайинлаш, уларни вазифасидан четлаштиришда фаол иштирок этиши, шу орқали ижро ҳокимияти фаолиятига бевосита таъсир кўрсатиши — мана шу ҳолатларнинг ўзи сиёсий партияларнинг ҳаётимиздаги роли ва амалий таъсири кескин кучайишининг яққол исботи, десак, ўйгайман-ки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Барчамизга маълум: бугунги кунда энг муҳим масалалардан бири — бу бошқарув ва ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини ўрнатишдан иборат.

Мазкур қонун лойиҳаси сиёсий партиялар ва жамоатчилигимизнинг марказий ҳукуматдан тортиб маҳаллий ҳокимият идораларигача — бугун ижро тизими устидан назорат ўрнатишга ҳуқуқий замин яратиши билан эътиборга сазовордир.

Ўзида қилиб айтганда, бу қонун қабул қилиниши билан марказда ва жойларда мансаб вазифасида ўтирганларнинг, керак бўлса, ҳокимият

идораларининг кенг жамоатчилик олдига ҳисоб беринининг амалий тартиби ўрнатилди.

Қонунни амалга ошириш натижасида қонунчилик ҳокимияти бўлими Олий Мажлис ва жойлардаги маҳаллий кенашларнинг ваколатини, шулар қаторида ижро ҳокимияти, шу жумладан, ҳукуматнинг мустақиллигини ошириш, шу билан бирга, Президентнинг ваколат ва вазифаларига ўзгартиришлар киритиш ва ҳисобидан ва уларни қисқартириш, ҳуқуқий метёрлар доирасида аниқ белгилаб олиш имкони туғилади. Шунинг ҳисобидан биз мамлакатимизда давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни янада мустаҳкамлашга эришамиз. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳар қандай ривожланган демократик тизимга мос талабни амалга ошириш демакдир.

**Каримов И.А.** Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавийтимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 100–106-б.

## ТОМ 16. МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

### ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

*Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Левонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги мамлакат Президентги бир пайтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият раҳбари ҳам эканини белгилайдиган нормаларнинг ўзгартирилиши муҳим сиёсий-ҳуқуқий қадам бўлди. Бугунги кунда Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентги давлат раҳбари бўлиб, давлат ҳокимияти органларининг ўзаро уйғун ва ҳамжиҳат фаолият юритишини таъминлайди.

«Давлат бошқарувини яншириш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши, ҳеч шубҳасиз, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва халқ этувчи роль ўйнади.

Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг айниқса сайтов жараёнларида хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалани, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур вазифани халқ этин мақсадида парламентдаги кўнгиллик ва парламентдаги муҳолифат мақомини қонуний тарзда белгилаш, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларини Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш бўйича таъкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилади.

Қабул қилинган ушбу ҳуқуқий механизмлар сиёсий партияларнинг мамлакат парламенти фаолиятини ташкил этишда, шунинддек, вакилик

ва ижро ҳокимияти органларини шакллантириш, уларнинг фаолиятини назорат қилишдаги роли ва аҳамиятини тубдан кучайтирди.

Хусусан, Бош вазир давлатдаги номзод бўйича сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашиш тартиби, унинг парламент томонидан тасдиқланишининг катъий белгиланган тартиб ва механизмининг жорий этилиши давлат қурилиши соҳасида демократик ислохотларни чуқурлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Конституциявий қонунга мувофиқ сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларига Бош вазирни истеъфого чиқариш, маҳаллий кенашлардаги партия гуруҳларига эса вилоят ҳокимларини истеъфого чиқариш турисида ташаббус билан чиқиб ҳуқуқининг берилиши ҳам мутлақо муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва таъсири орғиб бораётганидан далолат беради.

**Каримов И.А.** Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий эҳтишимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. – 38–39-б.

## ВАТАНИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ОЛИЙ САОДАТДИР

*Президент Ислоҳ Каримовнинг тadbиркорлар ва ишбилармонлар  
ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси  
қурултоғидаги маърузаси*

Жамиятимизни янгилаш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида аҳолигимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаолиятини ошириш, уларнинг хоҳин-иродасини ифода этишда, яъни, булун замоннинг ўзи талаб қилгани бу муҳим вазифаларни бажаришда фуқаролик нодавлат институтларини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини таъминлаш, сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколат тарихи кенгайтириш масалалари катта ўрин тутиши ҳаммамиз яхши тушунамиз, деб ўйлайман.

Бу ҳақиқатни дунёдаги барча демократик ва тараққий тошган давлатлар, барқарор ва фаровон яшаётган халқлар мисолида кўриш ва аниқлаш қийин эмас.

Мамлакатимизда яқинда Конституцияга киритилган ўзгариш ва тузатишлар, қабул қилинган конституциявий қонун ва нормалар, улар асосида амалга оширилаётган кенг тadbирлар айнан юқорида зикр этилган муаммо ва масалаларни ечиш йўлида янги қадам бўлди, десак, ҳар томонлама ўринли бўлади.

Мустақиллик йилларида, шунингдек, кейинги нафтли қабул қилинган, халқро андозаларга жавоб берилган бундай ўта муҳим ҳуқуқий нормалар ва асослар сиёсий партияларнинг кенг қўламли ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базасини яратиб, уларнинг жамиятимиздаги ўрни, нуфузи ва мавқеини, ваколатларини

янада кенгайтириш ва фаолияти самарасини ошириш борасида янги имкониятлар очиб берди.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган бешта сиёсий партия, яъни, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, “Аюлат” социал-демократик партияси, Миллий тикланиш демократик партияси, Фидкорлар миллий демократик партияси, Таъбиркорлар ва инжибармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси шинг ҳар бири ўзининг дастурий мақсад ва вазифалари, фаоллари ва тарафдорларига, Олий Мажлисимиз Қонунчилик палатасида ўз фракцияларига эга.

Ҳар бири жамиятимиздаги муайян ижтимоий қатлам манфаатларини ифода этадиган бу сиёсий партиялар ҳозирги вақтда юртимиз ҳаётида тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Улар халқ орасида ўз дастури ва роляларини тарғиб қилиш, фаолигини ошириш ва кенгайтириш билан бирга, ўзининг аъзолари ва тарафдорлари сонини кўпайтириш, шу тариқа жамиятимизда ўз таъсирини кучайтириш имконига эга бўлмоқда.

Сайловлар, хусусан, Президент сайлови туърасидаги қонунларимизга мувофиқ, ҳар қайси сиёсий партия мамлакат Президенти лавозимига номзод кўрагини ҳуқуқига эга.

Шу имкониятдан фойдаланиб, мазкур партиялар ўз номзодларини Марказий сайлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун шу кунларда ушбу масала бўйича ўз қурултойларини ўтказмоқда ва тегишли ҳужжатларни тайёрламоқда.

Жамиятимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, жумладан, бу масаланинг энг муҳим шарти ва гарови бўлган кўп-партиявийлик тизими, фуқаролик институтлари ва подаялат танкиютлар фаолигини, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш, жамиятимиздаги ўрши ва нуфузини янада ошириш, оммавий ахборот воситаларининг том маънода тургинчи ҳокимият сифатида фаолият юритиши учун зарур бўлган барча ҳуқуқий ва танкилий таъбирларни амалга ошириш – бугунги энг долзарб вазифаларимиздан биридир.

**Каримов И.А.** Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийетимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. – 91–93, 101-б.

## **АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ – ЮРТИМИЗДА ЭРКИИ ВА ОБОД, ФАРОВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ҚАЎБИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР**

*Президент Ислои Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига  
бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси*

Юртимизда ўтказиладиган бу галги сайловнинг ўзига хослиги ва эътиборга сазовор томонлари ҳақида тапиранда, шуни айтиш керакки,

республикамизда давлат раҳбари лавозимига номзодларни курсатин ҳуқуқи сиёсий партияларга берилган.

Мамлакатимиз сиёсий майдонида тобора мустақкам уриш эгаллаётган ва халқимиз ўртасида ўзига эътибор тортаётган, аҳолимизнинг маълум ижтимоий гуруҳлари манфаат ва интишларини ифода этишга қодир бўлган партияларга ана шундай ҳуқуқ берилиши ўз навбатида барча демократик норма ва талабларга тулиқ жавоб беради.

Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. — Т.: «Ўзбекистон», 2008. — 145-б.

## II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

### ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ



Манзил: 100043, Тошкент, К.Ёрматов кўчаси, 14.  
Тел.: (+998 71) 245-77-12, 245-81-74, факс: (+998 71) 245-70-27  
Веб сайти: [www.adolat.uz](http://www.adolat.uz)

#### ПАРТИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТАШКИЛ ТОНИНИ ТЎҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон “Адолат” Социал-демократик партияси 1995 йил 18 февралда партиянинг биринчи таъсис курултойида ташкил топди. Ўзбекистон “Адолат” СДП республикадаги биринчи социал-демократик партия ҳисобланади.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Устави 1995 йилда қабул қилинган. Амалидаги Уставга 2007 йил 3 ноябрда бўлиб ўтган партиянинг IV курултойида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, янги таҳрирдаги Устави 2008 йилда чоп этилди.

2009 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, Ўзбекистон “Адолат” СДП ўз сафида 77 210 аъзони бирлаштирган.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- кучли ижтимоий-ҳуқуқий давлат барпо этиш;
- адолатли фуқаролик жамиятини яратиш;
- ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиёти ривожланишига таъсир қилиш;
- жамиятда ижтимоий адолат принципларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш.

Партиянинг олий органи Курултой ҳисобланади. Курултой ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

- делегатларнинг ваколатларини текширади, Узининг иш тарғибини белгилаб, зарур раҳбар ва ишчи гуруҳларни ташкил этади;

– партия Дастури ва Уставини қабул қилди ва уларга тўлдиринлар, ўзгартириллар киритди. Республиканинг ички ва ташқи сиёсатига оид ўзининг таъриф, талбирларини ишлаб чиқарди. Сайтловларда дастурларини, ҳужжатларни, кўрсатмаларни қабул қилди;

– Ўзбекистон “Аюлат” СДП Сиёсий Кенгаши сайтайди, унинг таркиби ва Қурулғойлари орлиғида ундан аъзоларни чиқариш ва янгиларини киритиш тартибини белгилайди;

– Сиёсий Кенгаш, Марказий Тафтиш комиссияси, Қурулғой томонидан сайланган бошқа раҳбар органлар ва раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитди ва улар ҳақида тегишли қарорлар қабул қилди;

– Партия фракциясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботларни тинглайди. Улар тўтрисида ўзининг қарорларини қабул қилди.

Сиёсий Кенгаш ва Ижроия қўмитаси Ўзбекистон “Аюлат” СДПнинг олий бошқарув органларидир. Сиёсий Кенгаш Ўзбекистон “Аюлат” СДП манфаатларини ифода қилди ва унинг номидан иш юритади. Сиёсий Кенгаш ўз Пленумларида ўзининг таркибидан Сиёсий Кенгаш раиси ва раис ўринбосарларини сайтайди. Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитасининг таркиби, вазифалари ва ваколатларини белгилайди. Ҳар йили уларнинг иши тўтрисидаги масалани, парламентдаги партия фракция ишларини мутазам равишда кузатиб боради. Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, партиялар, ҳаракатлар ва чет эллардаги шундай ташкилотлар билан ҳамкорлик қилди. Партиянинг ахборот органларини (газета, журнал, радио ва телевидение дастурларини) таъсис этади ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилди. Сиёсий Кенгаш Пленумлари ҳар йилда камидан икки марта ўтказилади.

Ўзбекистон “Аюлат” СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси партиянинг марказий ижроия ва мувофиқлаштирувчи органидир. Ўзбекистон “Аюлат” СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси:

– бошқа, шу жумладан, хорижий сиёсий партиялар, давлат, ижтимоий-сиёсий ташкилотлари ва ҳаракатлар билан муносабатларда Ўзбекистон “Аюлат” СДП номидан иш юритади;

– Ўзбекистон “Аюлат” СДП Қурулғойлари ва Сиёсий Кенгаш Пленумлари қарорларининг бажарилишини ташкил этади, Қонунчилик палатасидаги “Аюлат” СДП фракцияси фаолиятини мувофиқлаштиради;

– Қонунчилик палатасининг бўшаб қолган депутатлик ўринларига ўтказиладиган сайтловларда Ўзбекистон “Аюлат” СДП интирок этган тақдирда, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатади;

– партия оммавий ахборот воситалари таҳририятларининг аъзоларини тасдиқлайди;

– партиянинг муассасаларини, корхоналарини ташкил этади, уларнинг уставини тасдиқлайди, раҳбарларини тайинлайди ва фаолиятини назорат қилди;

– Ўзбекистон “Аюлат” СДП Сиёсий Кенгаши ишчи органи – Марказий аппаратини тузади ва унга раҳбарлик қилди;

– Ўзбекистон “Адолат” СДП мулки ва маблағларини амалий бошқаришни таъминлаш бўлиги ташкил этилади;

– Сиёсий Кенгаш Пленуми ушга берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати партиянинг доимий ишчи органидир. Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати партия фаолиятининг ахборот-таҳлил, социологик тадқиқот, молиявий-хўжалик, таълимий ва маслаҳатлашув хизматлари юзасидан маъмулдир. Марказий аппарат Сиёсий Кенгаш, унинг Ижроқўми қарорларининг бажарилишини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширади ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб боради. Партиянинг мулки ва маблағлари билан боғлиқ ишларни амалга оширади. Худудий партия ташкилотлари билан доимий алоқада бўлиб, уларга уставда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатади.

2004 йили бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 10 нафар партия аъзолари депутат этиб сайланган. Сенатта сайланган сенаторларнинг 1 нафари партия аъзолари ҳисобланади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашларига “Адолат” СДПдан 40 нафар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига 128 нафар депутат сайланган.

Бошланғич партия ташкилотлари сони партия аъзолари сонига пропорционал равишда ошиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Республика бўйича 2590 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият юритмоқда.

Партиянинг Интернет тармоғидаги веб-сайти [www.adolat.uz](http://www.adolat.uz) деб номланиб, у расмий ахборот ресурси ҳисобланади. “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси партиянинг расмий нашрий органидир.

## ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ



Манзил: 100029, Тошкент, Навоий кучаси, 30.  
Тел.: (+998 71) 239-45-77, факс: (+998 71) 239 45 53  
Веб сайт: [www.uzmidp.uz](http://www.uzmidp.uz)

### ПАРТИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТАШКИЛ ТОПИШИ ТУГРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

2008 йил 20 июнь куни Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ва Ўзбекистон “Фидокорлар” миллий демократик партиясининг бирлашиш Курултойи бўлиб ўтиб, икки партия негизда янги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ташкил топди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси 2008 йил 11 август куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинди (194-П-сонли тўвоҳнома).

Партия Устави 2008 йил 20 июнь куни Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ва Ўзбекистон “Фидокорлар” миллий демократик партиясининг бирлашиш Курултойида қабул қилинган.

2009 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, аъзолар сони 108390 нафарни ташкил этади.

Партиянинг ўз олдига қўйган мақсади:

– Ўзбекистон Республикаси фуқароларида миллий ўзликни англашнинг ўсиши, миллий гурур, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини шакллантириш ҳамда мустақамлаш учун қулай шароитлар яратиш;

– ўз сафида юрт ватанпарварларини бирлантириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини Ўзбекистон манфаатлари ҳамда унинг халқаро обрў-эътиборини ошириш йўлида сафарбар этиш;

– ёшларни ўз Ватанини ҳурмат қилиш, севиш ва у билан фахрланиш, ҳар қандай шароитда миллий мустақилликни, халқнинг қадриятлари, анъана ва урф-одатларини асраш ва ҳимоя қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, унинг маънавий эҳтиёжлари ва қизиқишларини чеклашга бўлган уринишларга қарши курашишга таъсирчан ҳисса қўлиш.

Партия миллий урф-одат ва қадриятларни асрашни мақсад қилган ҳамда бундан кейинги маънавий-маърифий янгилашни ва ривожланиш ҳалқимизнинг бутунги кунги ва тақдирида муҳим ўрин эгаллашига ишонган инсонларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Шунингдек, партия кўйидаги ижтимоий қатлам вакилларининг манфаатларини бевосита ҳимоя қилишни мақсад қилган:

— Ижодкор интеллигенция (ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, кино, мусиқа, журналистика соҳаси вакиллари ва бошқалар.).

— Ҳалқ таълими соҳаси ходимлари (мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юрглари).

— Ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи соҳаси ходимлари.

— Ватанпарвар мулкдорлар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, ёшлар, аёллар.

Партиянинг олий раҳбар органи Партия Қурултойи бўлиб, у камида беш йилда бир марта чақирилади.

Қурултойлар оралиғидаги даврда Партиянинг марказий раҳбар органи Партия Марказий Кенгашидир. У Партиянинг манфаатларини ифода этади ва унинг номидан иш юритади. Партия Дастурини, Партия Қурултойлари ва Партия Марказий Кенгашининг Пленумлари қарорларини рўйга чиқариш каби масалаларни амалга оширади.

Қурултойлар оралиғидаги даврда Партия Марказий Кенгаши зарур бўлган ҳолларда Партия Марказий Кенгаши аъзоларидан ташкил топган Пленумни чақириши мумкин. Пленум Партиянинг раҳбар органлари таркибига ўзгартиришлар киритишга ҳамда дастурий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Партия Марказий Кенгашининг Пленумлари оралиғидаги даврда Ижроия Қўмита унга Партия Қурултойи ва Партия Марказий Кенгаши томонидан берилган ваколатлари доирасида Партия манфаатларини ифода этади ва унинг номидан ҳаракат қилади. Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг жорий фаолиятини Партиянинг Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони амалга оширади.

2004 йили бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 29 нафар партия аъзолари депутат этиб сайланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига сайланган сенаторларнинг 8 нафари партия аъзолари ҳисобланади.

Ҳалқ депутатлари Қорақолпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 121, ҳалқ депутатлари шаҳар Кенгашларига 97, ҳалқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига 443 нафар депутат ушбу партиядан сайланган.

Ҳозирги вақтда партиянинг 3307 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият юритмоқда.

Партиянинг матбуот нашри: “Миллий тикланиш” ижтимоий-сиёсий газетаси.

# ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ



Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 73-а.  
Тел.: (+998 71) 233-28-46, факс: (+998 71) 252-52-84  
Веб сайти: [www.uzlidedp.uz](http://www.uzlidedp.uz)

## ПАРТИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТАШКИЛ ТОШИШИ ТЎҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 2003 йил 15 ноябрда бўлиб ўтган Таъсис қурулғогида ташкил тошган ва 2003 йил 3 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган.

ЎзЛиДеП Устави 2005 йил 26 июлда, ЎзЛиДеПнинг навбатдан ташқари III-Съездида тасдиқланган ва 2007 йил 6 ноябрда бўлиб ўтган IV Съездида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

2009 йил 1 август ҳолатига кўра, ЎзЛиДеП аъзолари сони 161758 нафарни ташкил этади.

ЎзЛиДеПнинг ўз олдига қўйган мақсадлари:

– **бириичидан.** Сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг янада кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар очини, уларнинг истиқболлини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериши, жамиятнинг унбў табақаси манфаатларини ҳимоялаш баробарида унинг эртанги кунини таъминлаш;

– **иккинчидан.** Партиянинг куч ва имкониятларини бопқа сиёсий партия ва ҳаракатлар билан ҳамкорликда мамлакатнинг миллий манфаатлари ва тараққиётининг стратегик истиқболларига жавоб берадиган бозор иқтисодиётига асосланган демократик, ҳуқуқий давлат қуриши, фуқаролик институтларининг ривожига келтириш учун очиб бериши ва демократик қадриятларни ҳалқимиз, аввало, ёшлар оғи ва ҳаётга синдиришига қаратишдан ҳаракат дастурини ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этиши;

– **учинчидан.** Партиянинг давлат бонқаруви, жамиятда шаклланаётган қарангларга таъсир ўтказиши, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги ишгирикани таъминлаш. Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий

ва сиёсий тараққиёти билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, Ўзбекистоннинг халқаро обрўини ошириш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, миллатлараро ва фуқаролараро аҳдлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашиш. Ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, ўз элим, ўз юртим, жон Ўзбекистоним, дея гуруртаниб яшаш руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш, ҳар қандай шароитда мустақиллик йўлимиз, қадриятларимиз, миллий ва диний анъаналаримиз, урф-одатларимизни қадрлаш, шу билан бирга, бошқа миллат ва элатлар қадриятларини камситишга йўл қўймаслик, бундай хуружларга қарши изчил кураш олиб бориш;

– **турғинчилик.** Ўзи учун сиёсий платформа деб таънаб ошган либерал-демократик гоя ва мақсадларни ўз фаолияти орқали кенг омма ошига сиңдириш, бу борала сафини кенгайтиришга йўналтиришдан ҳар томонлама чуқур ўйланган партия сиёсатини тарғиб қилиш ишларини амалга ошириш.

Шу гояларни ҳаётга татбиқ этишда фидоилик курсатган фаолларни депутатликка номзод сифатида тавсия этиш ва сайловчилар ишончини қозонган депутатлар зиммасига қонуқчилик ва ижро ҳокимиятида вакилик вазифасини юклиш ҳамда уларнинг фаолиятини бошқариш.

ЎзЛиДеПнинг ижтимоий қатлами мулкдорлар, кичик бизнес вакиллари, талбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ишгаб чиқарин соҳасидаги мутахассислар ҳамда ўз талбиркорлиги ва ташаббускорлигини ривожлантириш эвазига халқ фаровонлигига эришишга ҳаракат қилаётган ижодкорлар ва олимлардан иборат.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Съезди партия олий органи ҳисобланади ва у 3 йилда камида бир маротаба ўтказилади.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмисига партиянинг доимий фаолият юритувчи марказий бошқарув, ижроия ва мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланади.

2004 йили бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатасига 40 нафар ЎзЛиДеП аъзоси депутат этиб сайланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига сайланган сенаторларнинг 31 нафари ЎзЛиДеП аъзолари ҳисобланади.

Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзЛиДеПдан сайланган депутатлар жами 1908 нафар бўлиб, жумталан, халқ депутатлари вилоят Кенгашларига 331, туман Кенгашларига 1296, шаҳар Кенгашларига 281 нафар депутат ЎзЛиДеПдан сайланган.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг бошланғич партия ташкилотлари сони 7408 тани ташкил этади.

ЎзЛиДеПнинг матбуот органи — “XXI asr” ижтимоий сиёсий газетаси.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ



Манзил: 100029, Тошкент, Мустақиллик м., 5/3  
Тел.: (+998 71) 239-83-11, факс: (+998 71) 239-48-73  
Веб сайт: [www.xdp.uz](http://www.xdp.uz)

## ПАРТИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТАШКИЛ ТОПИШИ ТУҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясига (қисқача номланиши — Ўзбекистон ХДП) 1991 йил 1 ноябрда партиянинг Ташкис курултойида асос солинди. Утган давр мобайнида партиянинг II (1994 й. октябрь), III (1999 й. октябрь), IV (2004 й. ноябрь), V (2005 й. июль) ва VI (2007 й. ноябрь) курултойлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДПнинг курултойида партиянинг янги Дастури қабул қилинди, II ва III курултойларда эса унга зарур ўзгаришлар киритилди, IV курултой Ўзбекистон ХДПнинг янги таҳрирдаги Уставини қабул қилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга ва ҳимояга муҳтож фуқаролари манфаатларини ифода қилади ва ҳимоя қилади. Энг аввало, булар иқтисодийда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезадиган ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келадиган одамлардир. Булар — педагоглар, врачлар, бошқа ижтимоий соҳаларнинг ходимлари ва мутахассислари, кам таъминланган ва кўп болали oilалар, пенсионерлар ҳамда имкониятлари чекланган кишилар.

Ўзбекистон ХДП давлат томонидан ушбу тоифа кишиларининг манфаатларини қўллаб изчил сиёсат олиб борилишига ҳаракат қилади, уларни ўзининг электорати деб ҳисоблайди ва сайлов кампанияларида уларнинг қўллаб-қувватлашига умид боғлайди. Уставга мувофиқ, партиянинг курултойи олий раҳбар органи ҳисобланади. Курултойлар орасидаги даврда марказий органлар — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва партия Марказий Кенгашининг Ижроия қўмитасига раҳбарлик ваколатлари берилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши (МК)нинг амалдаги таркиби 75 аъзодан ibорат. Улардан 56 аъзо партиянинг тегишли минтақавий

конференцияларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан тенг меъёрда сайланган, 15 аъзо 2004 йил ноябрда бевосита партиянинг IV курултойида ва 4 аъзо 2005 йил июль ойида V курултойида сайланган.

Марказий Кенгаш таркибидан унинг III пленумида (2005 йил, июль) Ижроия қўмитаси (14 аъзо) ва унинг Ҳайъати (5 аъзо) сайланди, Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси таркибига МКнинг VI (2007 йил февраль) ва IX (2009 йил апрель) пленумларида ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон ХДП маҳаллий ва бошланғич ташкилотлари мамлакатнинг барча минтақалари ҳудудига фаолият кўрсатади. Бугунги кунда партия таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, 171 та туман ва 29 та шаҳар ташкилотлари мавжуд. Партия аъзоларини бевосита бирлаштирадиган 10659 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг V курултойи қарорига мувофиқ, 2006 йил январь—июнь ойларида партия аъзолари қайта рўйхатдан ўтказилди. Ҳар хил сабабларга кўра партия ташкилотлари ишида ва партия ҳаётида қатнашмайдиган, уларнинг Низомда қайд этилган вазифаларини бажармаган, партиянинг мафкурасини қўллаб-қувватламайдиган ёки мамлакат ташқарисига чиқиб кетгани ва бошқа сабабларга кўра ўз ташкилотлари билан алоқани узган аъзолардан Ўзбекистон ХДПнинг ҳалос бўлиши, қайта рўйхатдан ўтказишнинг бевосита натижаси бўлди.

2009 йил 1 июль ҳолатига кўра, партия 364,8 миң аъзони бирлаштиради. 2005 йилдаги маълумотларга таққослаганда ХДПнинг олий маълумотли аъзолари салмоғи 36,8 фоиздан 37,8 фоизгача ўсди, хотин-қизлар салмоғи 40,3 фоизгача кўнайдди. Партияда Ўзбекистон ХДП электоратининг муҳим ижтимоий гуруҳларига мансуб бўлган соғлиқни сақлаш ва халқ таълими ходимлари салмоғи сезиларли даражада кўнайдди. Партия кўпмиллатли хусусиятга эга, унинг таркибига Ўзбекистонда яшаётган 53 миллат вакиллари бирлашган.

Ҳозирги босқичда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари орқали партия электоратининг манфаатларига жавоб берадиган устувор ижтимоий вазифаларни ҳал этиш йўллари тўғрисидаги қарарларни илтиб чиқиш ва ҳимоя қилиш Ўзбекистон ХДПнинг дастурий гояларини амалга оширишда унинг фаолиятининг асосий воситаси ҳисобланади.

2004 йилги сайловлар якунлари бўйича, партия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида 28 депутатдан иборат ўз фракциясини шакллантирди. Парламентнинг куйи палатасида палата депутатларининг кўпчилигини бирлаштирган Демократик блок тузилгандан кейин, фракция Қонунчилик палатасида парламентдаги мухолиф озчилик ролини ўйнаши ҳақида баёнот берди. Ўзбекистон ХДПнинг

26 вакили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси ҳисобланади.

Сайлов яқунлари бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида Ўзбекистон ХДПдан сайланган 2680 нафар вакил бор. Бу давлат ҳокимияти ушбу вакиллик органлари депутатлари умумий сонининг 43,2 фоизини ташкил этади.

Партия ўзининг оммавий ахборот воситаларига эга. Унинг марказий нашрлари:

ўзбек тилида чоп этиладиган “Ўзбекистон овози” газетаси;

рус тилида чоп этиладиган “Голос Узбекистана” ҳафталиги.

### III. МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Исмоил Саифназаров,  
Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик  
партияси Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис  
Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари

#### ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙЛОВЛАР АРАФАСИДА

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиладиган сайловларга қисқа вақт қолди. Навбатдаги сайлов кампанияси кўн жиҳатдан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократ-лаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонунини аниқ йўна-лишларда рўёбга чиқарини билан аввалгиларидан фарқ қилади. Айтинг жонизки, ушбу қонун мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаш-тиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Сиёсий партияларнинг ўз платформалари ва сиёсий қарашларидан қатъи назар, бугун улар босиб ўтаётган йўл, шакл-шубҳасиз, бу — сиёсий тажриба орқилири ва сиёсий етукликка эришиш, энг муҳими, молиявий мустақиллик, жамиятда ўз ўрнини топиш ҳамда ўзининг барқарор электро-ратига суяниш каби омилларга таялади.

Бугунги кунда сиёсий партиялар, авваламбор, сайлов жараёнларини ўтказишда, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳоли иродаси ва фикрини ифодалашнинг муҳим воситаси бўлмоғи лозим. Қабул қилинган ҳуқуқий механизмлар сиёсий партияларнинг мамлакат парламенти фаолиятини ташкил қилиш, шунингдек, вакиллик ва ижро ҳокимиятларини шакллантириш, улар фаолиятини назорат қилишдаги роли ва ўрнини тубдан ўзгартириб юборди. Маълумки, ҳозирда юртимизда фаолият юригаётган тўртта сиёсий партиянинг ҳар бири дастурий мақсад ва вазифаларига, фаоллари ҳамда из-доншларига, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўз фракцияларига эга. Муайян ижтимоий қатламлар манфаатларини ифода этувчи бу сиёсий кучлар кун сайин мамлакатимиз ҳаётида тобора муҳим ўрин эгаллаб бораётир. Улар дастур ва юзларини аҳолига тунгитириш борасида кенг қамровли ишларни бажармоқда, ўз фаоллигини кенгайтиришга интилан ҳолда сафдонлари ва тарафдорлари сонини ҳамда жамиятга таъсири даражасини оширишга интиломоқда.

Ишонч билан таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон “Аюлат” СДП ҳозирда ўз тараққиётининг янги сифат босқичида турибди. Бу партия сафларининг минтақалардаги сонининг ортishi ва ташкилий мустақамлашувида намoн бўлмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон “Аюлат” СДП ўз сафида 77 миндан зиёд аъзони бирлаштириб, Ўзбекистоннинг 200 аҳоли ҳудудида 2590 та бошланғич ташкилотига эга. Ўз навбатида, бу партиянинг ижтимоий базаси кeпайишидан даюлатдир.

Айтиш жоизки, партиямиз ташкилий жиҳатдан анча мустақамланаётир. Бизга кўлаб ташаббускор, сиёсий етук ёшлар аъзо бўлди, бошланғич партия ташкилотлари сонини ошди ва уларга янги партия кадрлари раҳбарлик қила бошлади. Бу эса барча ташкилот тузилмаларининг тарғибот-ташвиқот фаолиятини янада юқори даражага кўтариш ҳамда аниқ ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишга йўналтиришга имкон берди. Ўзбекистон “Аюлат” СДП конституциявий ҳуқуқи, ўз электорати ва сайловчилари олдига сиёсий иродасидан кeлиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига утказиладиган сайловларда ишпирок этишини маълум қилади. Бунда партия ўз олдига кучли демократик, ижтимоийликка йўналтирилган давлат, эркин, аюлатли ва мафкуравий жиелашган жамият қуришни мақсад қилиб кўяди. Шунингдек, “мамлакатда янги, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий тамойилларини қамраб олади. Бу тамойилларнинг моҳияти иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлат зиммасига бош ислоҳотчи вазифаси юкатилиши, қонун устуворлигига эришини, кучли ижтимоий сиёсат юригилиши, ислоҳотларнинг босқичма-босқич ва изчил амалла оширилишини таъминлашдан иборатдир”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва вакилик ҳокимиятининг маҳаллий органларига бўлиб утадиган сайловларга партиямиздан кўйилган номзодлар энг муносиблари бўлиб, улар ўзини маънавий жиҳатдан кўрсата олган аҳолининг барча қатлам вакилларидан иборатдир. Эътиборлиси, улар Ватанимизда истиқомат қилувчи фуқаролар мафлаатларига содиқ эканлигини амалий ишлари билан исботлаб кeлмоқда.

Шунинг учун биз туман, вилоят, республика тузилмалари ва барча маҳаллий ҳокимият органлари таркибидаги депутатлар ичида партиямизнинг энг маънавли аъзолари бўлишини ўзимизга бош вазифа қилиб кўйдик. Биз ҳам маҳаллий, ҳам республика миқёсида “кўпчилик депутатлик ўринлари”га эришишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистон “Аюлат” СДП сайловларгача бўлган давр мобайнида дастурий кўрсатмаларни такомиллаштириш, уларни амалла ошириётган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Жаҳон молбиявий-иқтисодий иқтисоди, Ўзбекистон шаронтида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” мавзусида утказилган халқаро илмий-амалий конференциянинг ишпирокчиларига йўллаган табриги.// “Халқ сузи”, – 2009 йил 23 май, 1-бет.

ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий истоҳотларга мувофиқлаштириш, йиғилиш, анжуман, қурутгойларда уларнинг кенг муҳокама қилиниши ва тасдиқланишини таъминлаш, электоратга уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб бориш, шу йўл билан ўз сафдонлари ва издонлари сопили кўнайтириш ҳамда жамиятга таъсир доирасини оширишни зарур, деб ҳисоблайди.

Сиёсий Кенгашнинг XI Пленуми (2009 йил февраль) қарорига мувофиқ, партия ташкилотлари олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

а) партиявий-назарий ишларни такомиллаштириш (қисқа мулдатли дастурий вазифаларни ривожлаштириш, партиянинг жозибалор шиорлари ва сайлововли платформасини ишлаб чиқиш);

б) бошқарув вертикали фаолигини мустаҳкамлаш ва ошириш (Кенгашлар раислари ўринбосарларига қумаклашиб, ажратилган қўшимча штат бирликларига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласини ишлаб чиқиш, аттестация ўтказиш, “қайта алоқа” механизмини яратиш);

в) партия аъзолари ва тарафдорларининг сиёсий маърифатини ошириш тизимини янада ривожлаштириш (услубий қўлланмалар чиқариш, “Аюлат” ижтимоий-сиёсий газетаси ва партия Веб-сайтининг ахборот салоҳиятини ошириш, кадрларни тизимли ўқитишни жорий этиш, бирламчи ташкилотларда семинарлар уюштириш).

Шубҳа йўқки, ушбу вазифаларнинг бажарилиши маҳаллий вакиллик ҳукумати органларида партия гуруҳларининг фаолиятини рағбатлаштириш, уларни, шунингдек, “Қиллоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури доирасида партиянинг миғлақавий тузилмаларини жойлардаги муайян ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш жараёнларига ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар Дастури талбирларига жалб қилишга ёрдам беради.

Ушбу вазифаларни ҳал қилиш мақсадида партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси жойларда партия фаоллари учун “Ўзбекистон “Аюлат” социал-демократик партияси: янгилашни йўлида” мавзусида семинарлар ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур талбирларнинг асосий мақсади — маҳаллий партия ходимларига партия фаолияти, унинг марказий органлари, яқин истиқболдаги дастурий вазифалари ҳақида янада кенгроқ ахборот бериш, шунингдек, партия ходимларининг белгиланган вазифаларни бажаришга касбий тайёртарлиги ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда улар билан олиб бориладиган ишларни такомиллаштириш йўларини аниқлаш, фаолларни у ёки бу дастурий мақсадларни амалга ошириш механизмларидан фойдаланишга ургатишдан иборат бўлди.

Семинарларда Президентимиз Ислўм Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асари жуда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши ҳамда фуқаролик институтлари ва сиёсий партияларнинг катта қизиқишини уйғотгани алоҳида қайд этилди. Сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, Инқирозга қарши чоралар Дастурни бажариш буйича давлати-

миз раҳбари белгиланган вазифалар партия кадрларидан иш услуби ва услуларини мукаммаллаштиришни, уларни давр талабларига мослаштиришни, барча кучларни сафарбар этишни, мақсадга йўналганлик, қатъиятлик ва малакавийликни талаб этади.

Партияimizнинг 2009 йил учун Ҳаракат дастури ва кадрлар билан ишга ш ҳақидаги Низоми ҳам шуларга қаратилган. Уларнинг муҳокамасида бу каби семинарларни нафақат вилоят ва туман кенгашлари таркибида, балки, биринчи навбатда, бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан ҳам ўтказишга эҳтиёж борлиги яна бир бор қайд этилди. Чунки биринчи галдаги вазифа – барча партия тузилмаларининг умумий қақирқ ва лекциялардан аниқ ишларга ўтишини таъминлашдан иборатдир. Партия раҳбарияти эса, ўз кадрларининг интеллектуал ва ташкилотчилик салоҳиятини аниқлаб олишни ва улар бажара оладиган ҳамда куч-гайрати етadиган қарорларни тизинга қабул қилишни лозим.

Айтинг жоизки, ушбу семинарларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Марказий аппарати ходимлари билан бирга партиянинг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари раислари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят ахборот-таҳсил марказлари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари ҳамда ОАВ вакиллари фаол қатнашди. Уларнинг умумий сони мишдан ошди.

Бундан ташқари, Сийсий кенгаш Ижроия қўмитаси қарори билан (2009 йил май) партиянинг сайловда платформасини тайёрлаш бўйича 10 кишидан иборат ишчи гуруҳи тасдиқланди ҳамда партия Уставига ўзгартишлар лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия ташкил этилди. Айни пайтда PR-кампанияларни ташкиллаштириш ва ўтказиш, ижтимоий фикрни ўрганиш бўйича эксперт гуруҳини шакллантириш ва барча даражалардаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлигига номзодларни ўқитишни ташкил қилиш бўйича тактифар тайёрлашмоқда.

Мутахассис-сисёатшўнослар олдига истиқболдаги ташкилий ва назарий ишларда аввалли хатолар такрорланмаслиги учун 2004 йилдаги сайлов кампаниясида партия тузилмаларининг иш шакллари ва услуларини чуқур ўрганиш вазифаси қўйилди. Бу ишларда бизга Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти экспертлари алоҳида ёрдам кўрсатмоқдалар. Мутахассислар аввалли йиллар ҳужжатларини таҳсил қилиб, мавжуд камчиликларга ҳақди равишда эътибор қаратдилар. Булар: дастурдаги айрим позицияларнинг мангиқий бир-бирита мос эмаслиги, ҳалдан зиёд “кентқамровлик”ка ингилиш, айрим фикрларнинг ўта кескинлиги, стилистик мураккаблик, мазмуннинг жуда кўп такрорланиши, электорат манфаатларини билмаслик, миллий хусусиятларнинг етарлича ҳисобга олинмаганлиги ва ҳ.к.

2004 йилдаги сайловларда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси аъзолари халқ депутатларининг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида жуда кам вакилликка эга бўлгани ҳам (агиши 168 киши)

тасодифий ҳол эмас. Жиззах, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари вакилларининг парламентда йўқлиги эса ушбу мишқоқлардаги партия ташкилотлари талаббўскорчилига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатди. Бу каби камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида Швеция, Германия, Буюк Британия, Латвия, Озарбайжон, Украина, Туркия, Миср, Покистон ва бошқа мамлакатларнинг социал-демократик ҳамда социалистик партияларининг юзвий платформалари ва дастурий мақсадлари чуқур ўрганилди.

Социал-демократик ҳаракат таянадиган пиорларнинг жозибадорлиги ва ягона қадриятлар: озошлик, ижтимоий адолат ва ҳамжихатлик, дастурий мақсадларни муайян давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий хусусиятлари ва мавжуд шароитларига мослаштира олиш, нафақат идеал сифатида, балки узоқ мудатли ва қандайдир вақт оралиғи билан чекланмаган ижтимоий ўзгаришлар сифатида эътироф этиладиган адолатли фуқаролик жамиятига йўналиш олиш Ўзбекистонда демократик жамиятни қуриш доктринаси билан уйғунликни ҳосил қилади.

Ушбу фалсафа қисқартирилган шаклда юртбошимиз Исмоил Каримовнинг “Янги уйни қурмасдан туриб, эскисини бузмаш” ҳамда “Ишон, унинг ҳуқуқлари ва эркинлиги — олий қадрият” деган концепциялари асосини ташкил этади. Бундай тадрижий ва адолатли ёндашув бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик шаклидан бозор тизимига ўтиш, ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида ўзбек халқининг ҳамда мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилаётган бошқа миллат ва элатларнинг тарбияси, аяналари, улуғлари, қарашлари, бир сўз билан айтганда, миллий хусусиятларидан келиб чиқиб, ижтимоий муносабатлар тизимини ислох қилишнинг ҳам асосий мазмунига айланди. Ҳозирги пайтда социал-демократик мафкура марказ сўл қанот кучларнинг сиёсий доктринасини ташкил этади. Бу доктрина турли йўналишлардаги сиёсий фикр ютуқларини интеграциялади, кенг халқ қатламлари: инчилар, зиёлилар, талбиркорлар, этник гуруҳлар, миллат ва конфессияларнинг манфаатларини инодалайдиган мафкураши яратди.

Ўзбек социал-демократияси ўз фаолияти мазмуни, унинг вакиллари эътиқоли билан ҳам номига монанд эканлигини исботлаши керак. Шунуқтай назардан, партиямиз давлат томонидан фуқароларнинг энг кам даромадларини таъминлаши, ишга жойлаштиришга кумаклашиши, даромадларни аҳолининг ҳимояланмаган қатламлари фойдасига тартибга солинишини кафолатлайдиган кучга айланиши даркор.

Ижтимоий фикрни ўрганишга қаратишан сўровлар Ўзбекистонда жула кун социал-демократия тарафдорлари борлигини ишончли тарзда кўрсатмоқда. Улар — у ёки бу даражада социал-демократик юзларга яқин бўшан сайловчилардир. Бироқ, яна бир бор шуни қайд этишга тўғри келмоқдаки, социал-демократик йўналишнинг аксарият тарафдорлари социал-демократия ҳақида етарлича аниқ тасаввурга эга эмас, уларнинг

фикр-қарашлари иккиёқтамалилик ва мавҳумликка хос. Социал-демократларга хайрихоҳлик билдираётган сайловчиларнинг сони сайловларда уларга ҳақиқатан ҳам, ўз овозини берадиганлар сонидан анча кўп десак, муболаға бўлмайди.

Шундай қилиб, социал-демократларга овоз бермоқчи бўлганларнинг сони анча кўп бўлса-да (барча сайловчиларнинг деярли ярмиси), яқин келажакда, аниқроғи, шу йил декабрида бўлиб ўтадиган сайловларда уларнинг фақат бир қисмига умид қилиш мумкин. Бундай вазиятда, партиянинг дастурий мақсадларини ишлаб чиқиш ва унинг амалий сиёсатини юригишда аҳолининг аксарият қатламлари орзу-истакларини ҳисобга олиб, урғун тўғри қўймоқ зарур.

Шу муносабат билан “электорат база” ҳақида ҳам айрим фикрларни айтиб ўтмоқчимиз. XX асрнинг ярмидан кўп даври давомида социал-демократиянинг ағъанавий пойдевори ёлганма ишчилар, биринчи гада — иқтисодиётнинг саноат сектори, йирик ва энг йирик корхоналарнинг уюшган ишчиларини ташкил қилиб келган. Бу социал-демократиянинг базавий саноат тармоқлари ишчиларини бирлаштирувчи касаба уюшмалари билан уйғун алоқани таъминлаган. Бироқ, партиямиз ташкил этилган пайтда (1995 йил февраль) бу омил етарлича чуқур ўрганилмаганди. Оқибатда булар на дастурий ҳужжатларда, на таркибий-ташкилий талбирларда ўз ифоласини топди. Бу эса, ўз навбатида, шунга олиб келдики, партиянинг ижтимоий кесимида гуманитар касб вакиллари услуворликка эга бўлди. Кейинчалик ҳам партия қурилишининг назарияси ва амалиёти воқеликдан анча сезиларли оқсоқлади.

Базавий тармоқларни тизимли қайта қуриш, уларни модернизация қилиш ва қайта тузиш, мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш заруратининг найло бўлиши, инновацион иқтисодиётнинг ва ахборот технологияларининг ривожланиши ўрта ва кичик бизнес ҳамда яқка тартибдаги меҳнат фаолияти шаклларининг кескин ўсиши, айниқса, фермерлик ҳаракатининг кенгайиши ағъанавий ишчилар синфининг “хираланиши”га олиб келди. Бундан ташқари, мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаган ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат томонидан кўпроқ қўйидагиларга эътибор қаратишмоқда:

— иқтисодиёт соҳаларида, айниқса, хизматлар соҳасида, биринчи навбатда қишлоқ жойларда иш топиш ва янги иш ўринларини ташкил қилишга;

— қайта ихтисослаштишга;

— жилдий кўламларга ўз бизнесини очил ва умуман хусусий талбиркорликни ривожлантиришга.

Шу муносабат билан, олатдаги саноат ишчиларига таяниб ёки уларни ўз “электорати”нинг асоси сифатида қараб, ўрта ва узоқ муддатли сайловда иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишдан маъно йўқ. Узоқ муддатли тарихий истиқболда жамиятнинг бу қатлами роли четланганлигича қолаверали ва пасайиб боради. Шунинг учун биз замонавий социал-демократик ҳаракатни кенг асосда яратил ва унга корхона хизматчилари-ю,

менежерларини, социал-демократия гуяларини қўлаб-қувватлайдиган гуманитар соҳа зиёлиларининг бир қисмини, кичик бизнес ва хусусий талбиркорларни ҳамда бошқаларни киритиш вазифасини қўямиз.

Партиямиз ташкил этилаётганда, биз ўзимизни аниқ ишлар ва ҳаққоний режалар партияси, деб эълон қилдик. Ўзбекистон “Аюлат” социал-демократик партияси давлат иқтисодий сиёсати концепциясини илгари суриш бўйича ишларни давом эттирди, самарали ҳужжатик фаолияти учун ҳуқуқий муҳитни такомиллаштиришда фаол ва изчил иштирок этади, ўз электорати ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилади.

Партия иш фаолиятининг фаоллашувида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Аюлат” СДП фракцияси мисол бўла олади. Ун нафар депутатдан иборат фракциямиз ўтган вақт мобайнида қонун ижодкорлиги борасида ўзига хос тапаббуси, ёндашуви билан бошқа фракциялардан ажралиб турди. Хусусан, 2005 йида икки палатали профессионал парламент фаолиятининг бошланиши Қонунчилик палатасида “Аюлат” СДП фракциясига катта масъулият юкляди. Натижда қонун ижодкорлигига профессионал ёндашиш, депутатларнинг вилоят партия ташкилотлари фаолиятига кўмак бериш ва назорат қилиш, партиянинг сайловчилар билан алоқасини мустаҳкамлашга замин яратилди. Бу партиямизнинг дастурий вазифаларини амалга оширишда катта имконият туғдириди.

Ўтган саткам беш йил мобайнида “Аюлат” СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси 200 дан ортиқ қонун лойиҳаларини муҳокамадан ўтказиб, мишдан зиёд таклифлар тайёрлади.

Фаолиятимизнинг дастлабки йилларида фракциямиз бир қатор қонунларни яратиш тапаббуси билан чиқди. Жумладан, “Ҳақамтик суллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Халқаро шартномалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳалари айнан партиямиз фаоллари томонидан амалга оширилди. Бундан ташқари, одам савдосига қарши курашиш, касаначиликни ривожлантириш, репродуктив саломатликни ошириш каби қонун лойиҳаларига фракциямиз бонг-қош бўлди. Айни пайғда, яна бир қанча долзарб қонун лойиҳалари устида иш олиб боришмоқда.

Депутатларнинг тапаббуси остида “Қишлоқ шароитида аёллар талбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш ва улар учун янги иш ўринларини яратиш – оила моддий таъминотининг муҳим омили” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентги хузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти вакиллари, Хотин-қизлар кўмитаси фаоллари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда “Камолот” ЁИХ, шунингдек, тижорат банклари, хотин-қизлар фаолияти билан шугулланувчи нодавлат ношароат ташкилотлари вакиллари иштирок этиб, партиямизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар “Хотин-қизлар Кенгаши” раислари мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдидлар. Давра суҳбати хулосасига қўра ишлаб чиқилган тавсияларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурининг 58-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган “Қишлоқ жойларда ишбилармонлик ва талбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори лойиҳасини яратишда фойдаланиш учун тақдим этишга келишиб олинди.

Кўйи палатада фаолият юритилган фракциямиз тапаббуси билан утказилган “Қишлоқ хўжалиги амалиётига инновацияларни жалб қилиш — қишлоқ барқарор ривожланишининг муҳим омилли” мавзусидаги семинар ҳам мазмунли ташкил этилди. Депутатлар олдига инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишда ўзининг ўрнини аниқлаш ва партия органларининг иштирокини белгилаш вазифаси қўйилди. Хусусан, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жалб қилиш тизимини максимал даражада энгилантиришда, аввало, бу жараённи ургатиш ҳамда айрим инновацион лойиҳаларнинг даст даражадаги жозибadorлигини таҳлил қилиш лозимлиги қайд этилди.

2009 йилнинг 10 апрелида партия фракцияси ва Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси “Президент Ислам Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китоби — муҳим дастуриламал манба” мавзусига бағишланди. Давра суҳбатида қатнашган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилотлар раҳбарлари мазкур асарни жаҳонда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этишда муҳим манба эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ушбу мажлисда муҳокама қилинган фикрларнинг кейинги ривожли сифатида партиямиз фракцияси тапаббуси билан жорий йилининг 19 майида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси янши мажлисида Бош вазир ўринбосари Р.Қосимовнинг “Ўзбекистонда туризм ва туризм хизмати ҳолати ва ривожланиш истиқболлари”га бағишланган маърузаси тинчланди.

Муҳокама этилган масала шуни кўрсатдики, мамлакатимизда кўпгина маланий-тарихий ёдгорликлар ва туризм учун қизиқарли бўлган кўлаб бошқа объектлар мавжуд. Бироқ биз улардан туризм индустриясини ривожлантириш учун тўлиқ фойдаланмаяпмиз. Натижада, мамлакатимиз ЯИМ таркибиде туризм улүши атиги 0,2 фоизни ташкил этаяпти. Бу кўрсаткични ошириш зарур.

Булунги кунда фракциямиз аъзолари иштирокида мамлакат ҳукумати томонидан туризм ривожланиши, туризм хизматлари сифатини ошириш

ва уларнинг йўналишини келтиририш буйича Дастур ишлаб чиқишмоқда. Уйлаймизки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини баргараф этишда мамлакатимизда туризмни жуда тез суръатлар билан ривожлантириш истиқболли ҳисобланади. Шунинг учун, партиямиз республикада туризмни ривожлантириш дастурининг амалда оширилишига ҳар томонлама кўмаклашади.

Шунингдек, партиямиз қишлоқ ҳудудида мактабгача таълим муассасаларининг кейинги ривожланиши билан боғлиқ бўлган муаммони ўрганиш ва унинг асосида илмий-амалий семинарларни ўтказишни кўзлаган. Депутатларимиз фикрича, ушбу масала қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қишлоқ ҳудудида ёшларнинг таълим олиш сифатини оширишда муҳим омилдир.

Партиянинг марказий ва минтақавий органларига ушунг қарор топган ақидалардан четлангил, умумдавлат дастурларини, масалан, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили доирасидаги ишларни амалда оширишда ишпирик этиш тавсия этилган. Умумийлиги дастур — бу қишлоқ жойларда соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой қурилиши соҳаларида аниқ вазифаларни ҳал қилишга, бошқа инфратузилмани уларини амалда оширишга қаратишдан комплекс чора-тадбирларгина эмас. Биз буни умуман ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш механизми намунаси сифатида қабул қилишимиз ларкор.

Биз бундай дойиҳавий ёндашувга эътибор қаратишимиз керак. Бу глобал муаммоларни ҳал қилишдан аниқ муаммоларни ечишга ўтишни билдиради. Партиявий дойиҳавий ёндашув ишлари белгилаб олинган стратегик вазифаларни бекор қилмасдан “яқин мақсадлар”га йўналиш олишни кўзга тутлади. У дойиҳанинг барча босқичлари ва даражаларида натижаларга қаратишдан аниқ қадамлар тактикасига асосланади. Бунинг натижасида ижтимоий-иқтисодий дастурлар зарур кафолатларга эга бўлади, кенг кўламли вазифалар эса — аниқлик ва батафсилликни орттиради.

Ҳар бир вилоят, туман, шаҳар қайси дойиҳага қўл уришини ўзи ҳал қилиши керак. Масалан, кимдир ўз фаолиятининг асоси сифатида “Тоза сув” дойиҳасини амалда ошириш вазифасини белгилаши мумкин, бу аҳоли учун мўлжалланган ичимлик суви сифатини яхшилаш, сув билан таъминлаш буйича хизматларни инсон турмуши эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берадиган даражага етказиш, сув таъминоти объектларини бошқариш сифатини оширишга қаратишдан.

Ҳар бир ҳудудий ташкилот ўз устувор йўналишини ўзи белгилайди. Шарт эса битта — танланган партия дойиҳаси жамият ҳаётининг энг аҳамиятли соҳаларини қамраб олсин. Уларни амалда ошириш бугунги кунда мавжуд муаммоларни комплекс ҳал этишни таъминлайди ва минтақаларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожини учун кўшимча шароитларни яратди, асосийси, республикамиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш имконини беради.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг у ёки бу аниқ лойиҳани амалга ошираётгани ҳақида аҳолига ахборот бериши муҳим аҳамиятга эгадир. Ўз юзгари ва иши натижаларини кенг оммага етказишнинг турли шаклларида, жумладан, ОАВдан фойдаланишда қатъиятлик ва билимдонликни намоён қилиш лозим. Албатта, Қонунчилик палатаси депутатларидан тортиб, партиянинг фуқаролар йиғинидаги вакилларигача, уларнинг барчаси ваколатлари ва ҳуқуқларидан кенг фойдаланиши зарур.

Шунингдек, аъзолик бадалларини йиғиши табақалантириш лозим. Партия аъзолари ҳисоби округ партия ташкилотларида реестр асосида олиб борилади.

Ҳудудий партия ташкилотларини бундай ташкил этиш бир нечта афзалликларга эга:

- партия бўғинларининг аниқ миқдори. Демак, фақат сафларнинг ўсишини талаб қилиш мумкин;

- партиянинг барча бўғинларида партия кадрларининг аниқ сони ва таркиби. Демак, кадрларни янада самаралироқ танлаш мумкин, чунки маҳаллада ҳамма бир-бирини яхши билади ва ўз етакчисини тўғри танлайди;

- кундалик ҳаётда юзага келадиган барча масалаларни ҳал қилишда маҳалла кўмиталари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, жамиятимизда шундай алоҳида тоифалаги одамлар, ўқув муассасалари ва бошқа юридик тузилмалар борки, уларда партияни тарғиб қилиш ва унга қабул қилиш ишларини олиб бориш тавсия этилмайди, турар-жой бўйича эса бунга йўл қўйилади. Шу тариқа ўсиш базасини кенгайтириш мумкин. Бу сабъ-ҳаракатларимизда энг асосийси, сайлововли ишларини ташкил қилиш ағча ентигилиги ва партия етакчиларининг ишчанлиги, уларнинг ташкилий маънаси ва обрў-нуфузига баҳо бериш аниқ бўлади.

Бунгажак сайловлар яна бир бор ўзимизни кўрсатишга ва кўнчилиكنинг манфаатларини ифода этишини маълум қилишга имкон беради. Биз эса ушбу имкониятдан тўлиқ фойдаланишимиз лозим. Бунинг учун Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳамма учун бир хилда гушунарли ва қисқа сайлововли платформасига эга бўлади, унинг ҳар бир банди мавжуд воқеликдан ҳамда, умуман, партиянинг ва ҳар бир депутатнинг имкониятларидан келиб чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ  
ЯНГИ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАЙДОНДАГИ СИЁСИЙ МАСЪУЛИЯТИ  
ВА ВАЗИФАЛАРИ

**1. Партия фаолиятида Конституциявий қонуниинг зарурати ва аҳамияти.**

Конституциявий Қонуниинг аҳамияти, биринчи навбатда, унинг Президент Ислоҳ Каримовнинг қўйидаги сўзларидан келиб чиққан руҳи билан боғлиқ: “Албатта, ушбу қонун лойиҳаси муҳокама ва қабул қилинишининг ўзиёқ муҳим аҳамиятга эга. Энг муҳими — унинг баёнларида ҳаётга татбиқ қилиниш, одамлар олдига ушбу ўзгаришлар мамлакатга ва халққа нима бериши ва ҳар биримиздан нима тарти талаб қилиши хусусидаги фикрни етказиш. Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси аша шулар.

Агар барчамиз Ватанимиз рафтақи учун яшайдиган ва иншайдиган, унинг дунёдаги обрўсини оширишни муқаддас бурчимиз деб билатидиган, ислоҳотлар ва янгиликларни жараёнларини изчил давом эттирадиган бўлисак, Ўзбекистонимизда озод ва обод жамият қуришдаи олтин мақсадимизга албатта эришамиз”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий, сайлов маданиятини ошириш борасидаги изчил сиёсат самараси бўлган демократик ислоҳотларнинг изчил тараққиётида навбатдаги қадам бўлди. Конституциявий қонун партиялар тўлган тажрибасини қўллаш учун янги ҳуқуқий майдонга эҳтиёж сезган чоғда пайдо бўлди. Шу тариқа, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари булдан кейинги тараққиёти учун кучли бир туртки олд.

Биринчидан, Конституциявий қонун партия ўз сайловчилари манфаатларини ҳокимият вакиллик органларида ҳамоя қилиш салоҳиятини рўйга чиқариши учун муҳим сиёсий туртки берди. Шунинг баробарида партиянинг электорат олдидаги масъулияти ўси, шунингдек, партия электоратининг сиёсий фаолиги ҳам, унинг партияга нисбатан талабчанлиги ҳам ошди. Иккинчидан, Конституциявий қонун Ўзбекистон сиёсий майдонда партиялараро рақобатни кучайтирди ва бу ҳол сўзсиз равишда партиянинг жамиятдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларни булдан бўён ҳам ислоҳ қила бориш жараёнларидаги фаолияти кескин кучайишига олиб келди. Учинчидан, Конституциявий қонун жамият назоратини амалга

<sup>1</sup> Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги маърузасидан. Тошкент, 2006 йил.

опширин тизими такомиллаштиришга ёрдам берди. Ҳокимият вакиллик орган-ларининг барча даражадаги ижроия ҳокимияти фаолиятини назорат қилиш самаралорини оширди. Партиянинг ҳукумат ўз вазифаларини бажариш жараёнига парламентдаги фракцияси орқали таъсир кўрсатиш имкониятлари кенгайди. Бунга парламент назоратини амалга оширишни янада фаоллаштириш орқали эришилмоқда. Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлашнинг янги тартиби ва маҳаллий кенашлар депутатларининг виллоят ва Тошкент шаҳар ҳокими фаолиятини назорат қилиш вазифалари такомиллаштириш пани партиянинг жойлардаги депутатлар корпуси салоҳиятини юзага чиқариш ва амалга ошириш ҳамда унинг барча даражадаги вакиллик органлари билан муносабати самаралорини кучайтиришга ёрдам берди. Туртинчидан, партияларга маҳаллий партия ташкилотлари резервларини юзага чиқариш, барча даражадаги партия структуралари ўртасидаги ҳамкорлик самаралорини ошириш учун кучли бир туртки берилди.

Ушбу Қонуннинг янги моддаларини ҳаётга татбиқ этиш, умуман, Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий тизимни, хусусан, сиёсий партияларни ривожлантириш борасида ижобий натижалар бера бошлагани аён ҳақиқатдир. Биринчидан, партиялар жойларга ўз электорати билан фаолроқ иштигай бошлагди. Қўйи палаталаги фракциялар ва халқ депутатлари маҳаллий кенашларидаги партия гуруҳлари иши жадалланди. Иккинчидан, партиялар мафкуравий ўзига хослик масаласини ҳат этишга жиддий эътибор қаратмоқда. Буларни кўна келиб сайловчи қайси партия нима учун сиёсий кураш олиб бораётганини аниқ-тиниқ фаҳмлайди. Бу давлат бошқарувини такомиллаштириш ва демократлаштириш жараёнини чуқурлаштириш сари таъинланган муҳим қаламдир.

## **2. Партиянинг Конституциявий қонунни амалга ошириш борасидаги фаолиятининг асосий йўналишлари.**

XXI асрдаги ижтимоий тараққиёт тамойиллари шаҳодат беришича, тобора жадаллашиб бораётган глобаллашув жараёнида миллий манфаатлар ҳимоясини кучайтириш ва мамлакатни тараққий этган давлатлар қаторига қўшниш учун рақобатбардош иқтисодиёт билан бир қаторда кучли маънавий асос ҳамда ҳуқуқий ва сиёсий муносабатларнинг юксак маданияти зарур бўлади. Чунки, умуммиллий манфаатлар устуворлигини аниқлаш ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг асосий умуминсоний ва кўп асрлик миллий қадриятлари уйғунлигига таяниб, демократия йўлидан ривожланаётган мамлакат таъинланган йўлидир. Айнан шу уйғунлик XXI асрнинг таҳдидларига муносиб жавоб топишда ёрдам беради.

Икки партиянинг 2008 йилининг 20 июнь куни бўлиб ўтган қурултойларида “Фидокорлар” халқ-демократик партияси ва “Миллий тикланиш” демократик партиясининг бир-бирига қўшилиши асосида янги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Сиёсий кучларнинг ягона мақсад ва гоьлар атрофида бирилануви ҳар қандай демократик давлат тараққиётининг

қонуниятги экапини алоҳида қайд этиш лозим. Бу партия қурилишида микдорнинг сифатта ўгиши билан боғлиқ табиий жараёндир.

Мамлакатимиз сиёсий майдонидagi янги куч бўлган, дастурий ҳужжатлари мазмунан ва руҳан фуқаролик жамияти асосий қисмининг сиёсий ва боліқа манфаатларига мос келадиган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Конституциявий қонун кучга кириши билан вужудга келган янги сиёсий-ҳуқуқий шароитнинг ҳосиласидир. Янги сиёсий кучнинг сиёсий маъсулияти ҳозирги замон муаммоларига муносиб ечим топишга иштирокида кўза ташланади. Биринчидан, партиянинг дастурий мақсадлари ўз олдига янги вазифалар қўйишни назарда туталди. Иккинчидан ва, энг муҳими, партиянинг номига қўйилган “Миллий тикланиш” сўз бирикмаси халққа бирлаштирувчи, унинг ҳозирги ҳаётдаги янги шаритини белгилаб берувчи миллий гоёни қабул қилиш тарзини аниқлатади ва унинг болі принциплари аниқланган ва тараққиёт бирлигидир. Ушбу гоё миллий ўзига хосликни, ўз маданиятини сақлаш ва янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг келажакка томон дадил олим отиш стратегиясини амалга ошириш учун реал шарт-шароит яратишга асосланган тараққиётнинг кучли ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилади.

Партия фаоллари ҳали бирлашмасдан туриб умумхалқ муҳокамасига киритилган Конституциявий қонун лойиҳасини тарғиб қилиш бўйича режа ишлаб чиқиш тапшабуслари бўлди. Фаоллар бир ой давомда Ўзбекистоннинг барча вилоятларида 39 та муҳокама ўтказди, 80 минг сайловчи билан учрашди ва улар орасида қонун лойиҳасининг тегинлиги молдларини тарғиб қилиш бўйича фаол иш олиб борди. Марказий Кенгаш ва фракция мажлисларида Конституциявий қонунни қабул қилиш ва унинг меъёрларини партия ва фракция фаолиятига татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Партия экспертлари теран таҳлилий ишни амалга оширди. Бунинг натижасида, жойлардаги партия ташкилотлари фаолиятини ташкилий-усулбий жиҳатдан таъминлаш ва ташкилий-технологик қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди. Партия экспертлари ва фракция аъзолари унинг аппарати ишнинг такомиллаштиришда фаол қатнашди, мафкура соҳасида муайян ишларни амалга оширди, болілашчи ташкилотларга бориб келди, Конституциявий қонунни тарғиб қилиш бўйича оммавий ахборот воситаларида фаол иш олиб борди, ушбу қонун бўйича ўз маърузалари билан 20 дан ошқ халқаро семинарлар, давра суҳбатлари ва конференцияларда иштирок этди.

Партия кадрлар ресурси, парламент фракцияси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлар гуруҳлари ҳамда барча даражадаги партия кенгашлари ва жойлардаги болілашчи ташкилотлар фаолияти аҳоли Конституциявий қонунни, шунингдек, унинг янги дастури бағдларини ҳаётга самарали татбиқ этиш мақсадида ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. “Миллий тикланиш” демократик партияси ички ташкилий, партиявий-сиёсий ва мафкуравий фаолиятининг дастурий

вазифалари ва асосий йўналишлари” тасдиқланди. Ушбу вазифа ва йўналишларда партия, унинг фракцияси ва депутатлар гуруҳларининг электорат билан ишлан борасидаги роли ва масъулиятини ошириш бўйича аниқ талбирлар белгиланди.

Бунда асосий эътибор ички танқидий муаммоларни ҳал этишга қаратилди. 2008 йилининг 29 август кунини ушбу масала партия йўналишида кўриб чиқилди ва вазият таҳлили натижалари асосида партиянинг фаолиятининг янги ҳуқуқий майдонига кириш бўйича барча даражадаги тузилмалари ишнинг фаоллаштириш зарур экани қайд этилди. Пленум партиянинг иш режасини тасдиқлади, унда мафкуравий, танқидий-партиявий ва кадрлар йўналиши, хотин-қизларнинг, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича аниқ талбирлар ўтказилиш кўзда тутилган.

Конституциявий қонун қабул қилиниши муносабати билан ҳамма жойда партиянинг ички мунозараларини ўтказилиш, унинг асосий моделларини амалга оширишнинг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш, партиянинг ички муҳокамалари натижаларини умумлаштириш зарурати пайдо бўлишини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, янгича шароитда партия фаолиятини юритишга тайёр бўлиш, сиёсий жиҳатдан саводли кадрларни аниқлаш, ҳозирлаш ва жой-жойига қўйиш учун юзвий сиёсий йўналишдаги ишлар бутунлай қайта кўриб чиқилди. Умуман олганда, республика бўйича маҳаллий кенашлар таркибига сайланиш учун 460 нафар партия аъзоси номзодли шахсий ва профессионал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда саралаб олинди.

Партия сафларини сифат жиҳатидан мустаҳкамлаш устувор вазифалар. Марказий Кенаш ва вилоят кенашлари 2008 йилининг иккинчи ярмидан бошлаб партияни танқидий ва кадрлар жиҳатидан мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида ўтказилган маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, президент И.Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобидаги мулоҳаза ва хулосалар муҳокамаси бўйича 400 дан ортиқ талбир уюшгирди. Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенашлари аъзолари биргаликда сайловчилар билан 900 дан ортиқ учрашув ўтказди. Партия ҳаётининг долзарб масалалари билан боғлиқ амалий семинарлар ташкил этилди ва янги сиёсий шароитда партия олдига турган устувор вазифалар аниқлаб олинди.

Бугун партияда анча жилдий экспертик салоҳияти шаклланди ва у ижтимоий-сиёсий ислохотлар мониторингини ўтказилиш, таҳлил натижаларини тўплаш ва жамиятга етказиб бериш, вакиллик органлари кун тартибига долзарб масалаларни киритишни талаб қилиш имконини берди.

**3. Фракциянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фаолияти.**

2008 йилининг август ойида Қонунчилик палатасида 29 нафар депутатдан иборат партия фракцияси рўйхатдан ўтиб, фаолият юритмоқда. “Адолат” социал-демократик партияси ва ЎзЛиДеП фракциялари билан биргаликда Демократик блок тузиш натижасида вуқулган кенаш парламент

кўпчилиги берган имконият ислохотларни чуқурлаштиришга таъсир кўрсатадиган муҳим қонунларни қабул қилишга омил бўлди. Фракция партия дастури ва сайловчилар манфаатида келиб чиқадиган принципиал позицияларга асосланиб фаолият юритади. Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси ҳукмига ҳавола этилаётган принципиал масалалар бўйича фракциянинг позицияси партия Марказий Кенгаши позицияси билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади, шунингдек, у ёки бу қонун лойиҳаси бўйича партиянинг маҳаллий ташкилотларидаги муҳокама чоғида билдирилган фикр ва таклифлар ҳам инобатга олинади.

Фракциянинг Конституциявий қонун моддаларини амалга ошириш бўйича “Миллий тикланиш” партияси ички ташкилий, партиявий-сиёсий ва мафкуравий фаолиятининг дастурий вазифалари ва асосий йўналишлари”га асосланиб иш режаси унинг 2008 йил 29 сентябрдаги мажлисида муҳокама қилинди. Ҳар томонлама танқидий муҳокамадан сўнг фракциянинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари тасдиқланди. Унда фракциянинг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳқинг фаолиятидаги роли ва масъулиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар, сайловчилар билан ишлашнинг шакл ва йўналиши, фракцияни ташкилий ва мафкуравий жиҳатдан мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Ушбу чоралар фракциянинг сайловчилар манфаати ва партиянинг дастурий вазифаларини ишонч билан, қаттиқ туриб ҳимоя қилиш имкониятини оширди.

Фракция аъзолари ўз фаолиятини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиш йўли билан кучайтирмоқда, палатада қабул қилинаётган мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий модернизация ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган қонун лойиҳаларини тайёрлашда ва муҳокама қилишда фаол иштирок этмоқда, ушбу қонунлар бўйича асосли таклифлар киришмоқда. Уларнинг асосий қисми эътиборга олинмоқда. Яна шунинг ҳам қайд этиш лозимки, фракция аъзоси бўлган депутатларнинг қонунчилик ташаббуси билан 10 та қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилди. 2009 йилининг сентябрь ойида қабул қилинган 64 та қонун бўйича фракция аъзолари Қонунчилик палатаси мажлисларида маърузалар қилди.

“Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2009 йил 30 январда бўлиб ўтган III пленумида фракциянинг Қонунчилик палатасидаги 2008 йилдаги фаолияти муҳокама қилинди. Партия Марказий Кенгаши фракция фаолиятини ижобий баҳолаш билан бир қаторда уни янада жонланштириш кераклигини мақсадга мувофиқ деб тошди. Фракциянинг 2009 йил 13 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида “Ўзбекистон Республикаси президенти Ислам Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобини ўқиб-ўрганишнинг аҳамияти” ва 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда фракция олдида турган вазифалар” масаласи муҳокама этилди. Амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистон тарақ-

қийметининг асосий дастури экани, уни муваффақиятли бажариш дунё бозорларида ишончли жойни таъмин этажаги, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини оширадиган янала кучли, барқарор ва мустақкам миллий иқтисодиётни вужуд келтиражаги таъкидланади. Шунинг учун Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг бош вазифаси миллий иқтисодиётнинг сифатли ўсишига замиш ҳозирлайдиган нимаики бўлса, ҳаммасини қўлгаб-қувватлаш ва жипс-лаштиришдан иборат. Фракциянинг ушбу жараҳндаги амалий ишлари юзасидан аниқ режа ишлаб чиқитиб, амалга ошириш зарур экани алоҳида қайди этилади.

Партия фракцияси фаолиятининг асосий йўналишлари унинг Инқирозга қарши чоралар дастуриги амалга ошириш бўйича электорати манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишига имкон берадиган қонун ижолдорлиги ва назорат-таҳсил фаолияти, инининг шакл ва йўналишини билан боғлиқ роли ва масъулиятини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишни назарга тутлади. 2008 йили фракциянинг 27 та мажлиси ўтказилди ва унда 100 дан ошмиқ масала, 2009 йилининг сентябригача эса 18 та мажлиси ўтказитиб, 75 та масала муҳокама қитилди. 2008 йили қонун ижолдорлиги доирасидаги фракция мажлисларида 60 та, 2009 йилининг сентябрь ойигача эса 51 та қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Фракция аъзоси бўлган депутатларнинг қонунчилик ташаббуси билан “Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этиш шаклиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик сулдари тўғрисида”ги, “Музейлар тўғрисида”ги қонунлар қабул қитилди. Бошқа бир қатор қонун лойиҳалари эса Қонунчилик палатасига киритиш учун тайёрланмоқда.

Қонунчилик палатасининг назорат ваколатини амалга ошириш доирасида фракция аъзолари 2008 йили 40 дан ошмиқ, 2009 йилининг сентябригача эса 17 та назорат-таҳсил тадбирларида иштирок этди. Фракция аъзолари қонун ва халқаро ҳужжатларнинг теъёр ва ташаббуслари ижросини ўрганиш нагижаларига кўра тегишли тавсиялар ишлаб чиқди ва улар якуний қарор қабул қитиш чоғида эътиборга олинди. Улар ижроси фракциянинг доимий назоратида турибди. Шунингдек, фракциялар иштирокидаги парламент назорати парламент типлови ва парламент сурови йўли билан ҳам амалга оширилади. 2008 йилининг сентябрь ойида Қонунчилик палатасида “Миллий тикланиш” демократик партияси 12-март “Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари аҳволи ва истиқболи тўғрисида”ги парламент типлови ташаббускори бўлиди, унда Ўзбекистон Республикаси бош вазири ўринбосарининг ҳисоботи тингланди. Фракция ташаббуси билан Қонунчилик палатаси фаолиятининг 2009 йилга мўлжалланган асосий йўналишларига “Республика ахборот-ресурс марказларининг фаолияти ва истиқболлари” тўғрисидаги парламент типловини киритишдан бўлиб, унда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қончилиги республика Ахборот-кутубхона маркази директориининг ҳисоботи

тинг таниши кутилмоқда. Фракция аъзолари, шунингдек, ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятни модернизациялаш ва демократлаштиришнинг долзарб жиҳатлари бўйича бир қанча парламент сурови ва парламент тинглови тайёрлаш устида иш олиб борапти.

Фракция аъзолари жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, 2008 йили 180 дан ошди конференция, 264 та семинар ва 214 та давра суҳбати, 2009 йилининг сентябритача эса 90 дан ошди конференция, 123 та семинар ва 93 та давра суҳбатида қатнашди. Ушбу талбирларнинг 60 дан ортиги халқаро мақомга эга бўлиб, фракция аъзолари уларда партия ва миллий эксперт сифатида иштирок этди.

Фракция аъзолари сайловчилар билан ишлаш фаолияти доирасида 2008 йили 900 дан ортиқ, 2009 йилининг сентябритача эса 400 ортиқ учрашув ўтказди. Бу учрашувларда мамлакатда амалда оширилган кенг миқёсли ислохотларнинг моҳияти ва аҳамияти, Қонунчилик палатаси ва, умуман, Олий Мажлис фаолияти тўғрисида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Фракция аъзолари 2008 йилда сайловчиларнинг 600 дан зиёд, 2009 йилининг сентябритача эса 250 дан зиёд мувожаатлари билан танишди, улар бўйича тегишли чоралар кўрилди, шу жумладан, долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишда амалий ёрдам кўрсатилди, сайловчиларнинг қонунчиликни такомиллаштириш бўйича бир қанча талаблари эса қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида эътиборга олинди.

Аҳолига сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги ислохотлар моҳиятини тушунтириш, ҳуқуқий база масалалари, амалдаги қонунчилик ижроси, парламент, партия ва унинг Қонунчилик палатасидаги фаолиятини ёритиш мақсадида фракция аъзолари 2008 йилда телевидение ва радиода 340 та чиқиш қилди, газета ва журналларда 270 та мақола чоп этди, 2009 йилининг сентябрь ойитача эса телевидение ва радиода 160 та чиқиш қилинди, газета ва журналларда 90 дан зиёд мақола чоп этилди.

Конституциявий қонун молдаларини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда руй бераётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий воқеликлар ҳар бир фракция аъзосининг фаолиятини оширишга қаратишган самарали механизмлар яратилиш, фракциянинг сайловчилар манфаатини ҳимоя қилиш ва партиянинг дастурий вазифаларини бажариш бўйича фаолиятини жалдлаштириш зарурлигидаги даъват беради.

#### **4. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлар гуруҳлари фаолияти.**

Конституциявий қонуннинг кучга кириши партиянинг дастурий мақсадларини жойлардаги вакиллик демократияси орқали амалда ошириш учун мутлақо янги ҳуқуқий майдон ҳозирлади. Партия шу муносабат билан ўз депутатлар гуруҳи фаолиятини, масъулияти ва ташаббусларини, иш самарадорлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратди. “Миллий тикланиш”нинг маҳаллий вакиллик органларида 700 дан ошди депутати

борлиги партиянинг жойлардаги сиёсатини таъкиллий равишда юритиш учун қулай шароит яратди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси таъкил қилган ишчи гуруҳи партиянинг дастурий вазифаси депутатлар гуруҳи ва фракция томонидан қандай амалга ошириляётганини кўриб чиқаятиб, депутатлар гуруҳларининг ижроия ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик йўллари аниқлаш мақсадида уларнинг халқ депутатлари кенашларидаги фаолиятини таҳлил қилиб чиқди.

Ишчи гуруҳи ахбороти Марказий Кенашда ўз-ўзини таъкил пуқган назаридан муҳокама этилди. Халқ депутатларининг о.пита вилоят ва Тошкент шаҳар кенашларидаги депутатлар гуруҳлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенесларидаги фракция фаолияти “қопиқарти” деб топилаш бўлса-да, талабга тула жавоб бермаслиги таъкиллаб ўтилди. Натижада, депутатлар гуруҳлари ва фракция фаолиятини ҳуқуқий, таъкиллий-маърифий, таъкиллий-услубий жиҳатдан таъминлаш, жойлардаги партия таъкилчиларини таъкиллий қўллаб-қувватлаш бўйича таъбирлар режасини амалга ошириш зарурлиги туғрисида қарор қабул қилинди.

Партия Марказий Кенашини 2007–2009 йилларда маҳаллий кенашларидаги депутатлар гуруҳлари раҳбарлари ва аъзолари учун бир қатор семинарлар уюштирди. Ўқувдан қўзғалган мақсад партия депутатлар корпуси вакилларининг ҳуқуқий маланиятини оширишгина эмас, уларда кулларияти вакиллик демократияси шароитида депутатлар мақоми ва сиёсий партиялар туғрисидаги қонунчилик берган ваколатлардан фойдаланишнинг амалий малакасини ҳосил қилиш ҳам эди.

2009 йилнинг 30 январь куни бўлиб ўтган III пленумда Марказий Кенаш партиянинг маҳаллий кенаш органларидаги депутатлар корпуси иш самаралорлигини ошириш масаласини алоҳида муҳокама қилди. Натижада партия депутатларининг таъаббуси ва фаолигини ошириш, партия сайловчилари маънафатида дахлдор масалаларни вилоят, туман ва шаҳар Кенашлари сессиялари ва доимий комиссиялари ҳуқуқида ҳавола қилиш бўйича аниқ таъбирлар ишлаб чиқинг юзасидан тавсиялар берилди.

Партия Марказий Кенашини, шунингдек, Жиззах, Сурхондарё, Хоразм, Андижон, Сирдарё, Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятлари халқ депутатлари Кенашларидаги партия депутатлар гуруҳи фаолияти туғрисида ҳам ахборот тингиланди. Партиянинг халқ депутатлари вилоят кенашларидаги депутатлар гуруҳлари фуқароларни доимий сурашда қабул қилмоқда, сайловчилар билан учрашувлар чогида ўртага қўйилган масалаларни ҳал этишга қаратилаш ишларни бажармоқда, вилоятлар иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини бундан бўён ҳам ривожлантириш билан боғлиқ тавсия ва тактифларни амалга ошириш бўйича таъбирлар ўтказмоқда. Халқ депутатлари вилоят кенашларидаги депутатлар гуруҳларининг фуқароларни ҳафтасига бир марта қабул қилиши анъанага айланаб қолди. Шунинг нагжасида халқ депутатлари вилоят кенашларидаги депутатлар гуруҳлари фаолиятида ижобий ўзгаришлар сезила бошлади.

Айни пайтда, партия халқ депутатлари вилоят кенгашларидаги депутатлар гуруҳлари ишида мавжуд камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратди. Шу муносабат билан, тегишли вилоятларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга боғлиқ устувор вазифаларни ҳал этиш бўйича халқ депутатлари вилоят кенгашларида депутатлар гуруҳларининг талкилий ишлари кучайтириш муҳимлиги қайд этилди. Партиянинг депутатлар гуруҳлари вилоятни ривожлантириш устуворликлари, қабул қилинган қарорлар ижроси назоратини кучайтириш, доимий комиссияларнинг бажаришган ишлар ҳисоботи бўйича фаолиятини яхшилаш ва ҳисоботларини тинглаш масалаларини доимий равишда муҳокама этиб бориш зарурлиги туғрисида таклифлар билдирилди. Улар олдига фаолияти самарадорлигини ошириш мақсалида аниқ вазифалар қўйилди. 2009 йилнинг март-май ойларида партия 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ва “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” давлат дастурининг устувор вазифаларини амалга оширишда ўз депутат бирлашмаларининг фаол иштирокини таъминлаш масалаларига эътиборни кучайтирди.

Булар барчаси утган давр мобайнида партиянинг депутат бирлашмалари ишлари сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Шунинг баробарида депутатлар гуруҳлари жойлардаги ижроия ҳокимиятлари фаолиятини ҳолис баҳолаш кўникмасига эга бўлди.

#### **5. Партиянинг Конституциявий қонуши амалга ошириш билан боғлиқ роля ва вазифалари.**

Конституциявий қонун кучга кириши билан партиялар олдига тараққиётнинг янги истиқболлари очилди. Аввало, тап партиялар, фракциялар ва гуруҳларнинг аҳоли билан ишлангандаги роли ва масъулиятини ошириш хусусида бораётди. Айнан сайловчилар янги конституциявий меъёрлар амалиётга татбиқ этилаётганини биринчи бўлиб ҳис қилишлари лозим. Демократия шароитида партия тизими камиди учта асосий талабга мос келиши керак: ижтимоийликка, асосий сиёсий манфаатлар муштараклигига ва партия тизимининг давлат бошқарув структурасига мослигига. Замонавий Ўзбекистондаги партия қурилиши ва парламентаризм тараққиётининг энг муҳим муаммолари қаторига партия тизимининг фуқаролик жамияти манфаатларига муштарак ҳолда шаклланишини қўйиш лозим. “Муштараклик” атамаси фуқаролик жамияти кўпчилик қисмининг сиёсий манфаатлари ва афзал билан нарсалари билан ўша манфаатларни ифодаловчи партияларнинг бир-бирига мувофиқлиги ва уйғунлигини аниқлатади.

Президент И.Каримов сиёсий ҳаётдаги мавжуд вазиятни баҳолаб экан, сиёсий партиялар эътиборини бир камчиликка — “улар ҳаётнинг реал муаммоларидан ҳақиям ойда қолаётганига”<sup>1</sup> қаратган эди. Ҳеч бир партия бу танқидга эътиборсизлик қилмаган бўлса керак, чунки бу танбеҳда

<sup>1</sup> Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги маърузасидан. Тошкент, 2006 йил.

партиялар “четдан кимдир” келиб, уларни, айниқса, сайловчилари манфаатини ҳимоя қилишда фаол қилиб беришени кутиб ўтирмасликка даъват бор.

Назаримизда, айни ҳолатда партиялар олдидан куйидаги муҳим вазифалар турибди. Биринчидан, ижро ҳокимияти фаолиятини мониторинг қилиш ҳолис ва ишончли ахборотга, фуқароларнинг мувожаатлари ва экспертлар баҳосига асосланган доимий тарздаги ахборот-таҳлил характерида эга бўлиши лозим. Мониторингдан мақсад ҳокимият ижроия органларининг зиммасига Конституция ва қонунлар юклатган мажбуриятни бажариш самардорлигини ижтимоий, партиявий ва бевосита депутатлар назорати орқали оширишдир. Бизнингча, ушбу вазифа партия ташкилотлари ва кенгашларидаги партия гуруҳларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари билан ҳамкорлиги асосида амалга оширилади.

Иккинчидан, парламентда ва маҳаллий кенгашларда ижтимоий истақларни сиёсий қарорларга айлантириш бўйича партиялар ишнинг профессионаллашуви таъминлаш керак бўлади. Айни ҳолатда ахборот-таҳлил гуруҳлари ижроия ҳокимиятининг иш самардорлигини баҳолаш мақсадда жойлардаги ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазият, партия пленумлари қарорлари, Низом ва Дастур талаблари ижроси устидан партиявий ўз-ўзини назорат, фуқароларнинг партия органларига мувожаатига оид ахборотни йиғиб бориш ва уларни кўриб чиқиш жараёнини назорат қилиш мониторингини амалга оширади. Ишнинг айни жиҳати ижтимоий назорат ва унинг самардорлигини ошириш масалалари бўйича депутатлар фракциялари ва гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорлик сифатини тубдан яхшилашга хизмат қилади.

Учинчидан, партия интизомини мустаҳкамлаш ва кадрлар билан ишлагани кучайтириш зарурати бор. Партия кадрларини таълаб олиш ва тайёрлаш ҳамда уларни ўстириш стратегияси янги партиянинг дастурий мақсадлари ва вазифаларини бажариш учун зарурий малакани, олдинги иш тажрибасини ҳисобга олиши парт. Шунингдек, номзоднинг қонунчилик ва сиёсий жараён соҳасида профессионал тажриба ва билимга эга бўлиш талабига жавоб бериши муҳим аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар ўтказишга устидан жамоат назоратининг кенг қамровли тизимини шакллантириш бўйича аниқ талбирлар тизимини амалга ошириш зарур. Сайловчилар манфаатини Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ва партиянинг жойлардаги депутатлар гуруҳлари фаолияти ёрдамида ҳимоя қилиш зикр этилган тизимнинг қатламлариридир.

Ижроия ҳокимиятининг ҳукуматдан маҳаллий ҳокимият органларигача бўлган бутун бонгли тизими устидан сиёсий партияларнинг кўп қатламли самарали жамоат назорати тизимини шакллантириш уларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли ва амалий аҳамиятини кучайтиришга ёрдам беради.

## 6. Партиянинг ҳокимият вакиллик органларига сайловга тайёрарлиги билан боғлиқ фаолияти.

Конституциявий қонуннинг сиёсий партиялар родини кучайтиришга қаратилган бандлари, шунингдек, сайлов қонунчилигига киритилган янги ўзгаришлар ва қўшимчалар партиянинг ҳокимиятнинг барча даражадаги вакиллик органларига бўлажак сайловларда илтироқ этиш стратегиясини ишлаб чиқишда янгича ёндашувларга таянишини шарт қилиб қўяди.

Сиёсатда саводли ва ўта профессионал кишилар замони келаётгани кундай равшан. Сиёсат — профессионаллар иши. Партияларнинг асосий вазифаси — сайловчи билан давлат ўртасида воситачи бўлиш. Сайлов қонунчилигининг янги метёрлари сайлов кампаниясини ташкилий-партиявий моделъ асосида ўтказишни талаб этади, унда асосий эътибор партиянинг вилоятлардаги ташкилий структураси ишга қаратилади. Бу ўринда партия ташкилотги салоҳияти сайлов кампаниясининг асосий ресурси ҳисобланади. Кадрлар ва фаоллар билан ишлаш ҳамма партия фаолиятининг бош масаласи бўлиб келган. Партия кенгаши ва ижроия қўмиталарида ишлаётган кадрларни танлаш, “Миллий тикланиш” ҳокимиятнинг вакиллик органларига бўлажак сайловларда қатнашини учун номзодлар рўйхатини тузишда сабр билан ойлаб изланишга тўғри келди.

Айни пайтда партиянинг сайловчилари манфаатини ҳимоя қилиш бўйича мавжуд конструктив иш тажрибаси умумлаштирилмоқда ва ривожлантирилмоқда. “Миллий тикланиш” демократик партияси “сайловда ютиб чиқадиган машина” эмас, аввало, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар йўналишини сиёсий жиҳатдан мустақкам таййдиган, нафақат Ўзбекистоннинг умуммиллий, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг манфаатларини ҳимоя қиладиган самарали восита экани ҳаммага тушунарли бўлиб қолди. Партия “Миллий тикланиш” ДПнинг жойлардаги партия ташкилотлари салоҳиятини ошириш” лойиҳасини амалга оширмоқда. У бўлажак сайловлар чоғида маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятини ташкилий-услубий таъминлаш ва ташкилий-технологик қўллаб-қувватлаш юзасидан аниқ тадбирлар ўтказишни назарда tutади. Лойиҳага қўра, Ўзбекистон Республикасининг сайловлар тўғрисидаги қонунчилиги, турли даражадаги партия ташкилотлари ўртасида сайловларда илтироқ этиш муаммолари бўйича ҳамкорлик, сайловолди босқичини ташкил этишнинг услуби муаммолари, сайлов округи диагностикаси, партия ва партия номзодлари имижини шакллантириш, сайлов кампанияси технологиясини ташкил этиш, ташвиқотнинг ҳар хил тури ва қўрилишларидан фойдаланиш, сиёсий партиянинг кузатувчилари ва ваколатли ходимини тайёрлаш, номзодларнинг дастурларини тайёрлаш ва бошқа масалалар бўйича семинарлар ташкил этиш орқали сиёсий ўқув тизимини амалга оширмоқда.

Хулоса қилиб шунга айташ мумкинки, “Миллий тикланиш” демократик партияси тахминан бир ярим йиллик фаолияти давомида ўзини яхши ташкил этилган конструктив сиёсий куч сифатида намойиш қилди.

Жамиятимизнинг асосий ижтимоий, профессионал ва демографик гуруҳлари партиянинг дастурий мақсадлари ва вазифаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Усиш нафақат миқдор, қолаверса, сифат билан ҳам белгиланади.

Партиянинг сиёсий масъулияти ҳозирги сиёсий ва иқтисодий вазиятни англаб етиш, у мамлакат олдида турган ва ўзининг ижтимоий базаси деб ҳисоблайдиган аҳоли гуруҳларининг қадриятлари, қарашлари ва манфаатлари ақс эътирадиган муаммоларни ҳал этишнинг самаради усулларини тактиф қилишдан иборатдир. Яраги пан сиёсий-ҳуқуқий шарт-шароитлар барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларидати уринлар учун рақобат курашида партиянинг салоҳиятини юзага чиқариш учун яхши бир имкониятдир.

Партия ўзининг сиёсий, услубий ва кадрлар салоҳиятини ҳисоб-китоб қилиб кўрди ва энди булажак сайлов кампаниясига мамлакатнинг таъсир кучига эга ва ғайратли сиёсий кучи сифатида кириб бориш учун ўша салоҳиятни онциришда давом этмоқда. Зикр этилганларнинг барчаси, 2009 йилги сайлов партиямизнинг ғалабасини таъминлайди, дейишга тўла асос беради.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН, СЛАЙЛОВ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ВА  
ЎзЛиДеП ФАОЛИЯТИ

Мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган ислоҳотлар туфайли қандай натижаларга эришилганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Чуқур ўйланган, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари, халқимиз менталитети инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган аниқ стратегия, бугун дунёда “Ўзбек модели” сифатида тан олинган тараққиёт йўли ўзини тўла оқдоятгани бугун ҳар қаламда кўзга ташланиб турибди. Хусусан, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг ҳаётга кенг жорий этилиши мамлакатимизда ўзига хос самарали бошқарув тизимини яратинча хизмат қилмоқда, десак, асло хато қилмаган бўламиз.

Шу билан бирга ҳозирги сиёсий жараён янгидан-янги вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентини ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилатиш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-баддига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари асосан ана шу мақсадларга йўналтирилганлиги билан эътиборга моликдир.

Ислоҳотлар тизимида фундаментал аҳамиятга эга бўлган мазкур қонунлар ўз-ўзидан қабул қилингани йўқ, албатта. Бу мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалда оширилатган туб ўзгаришлар ҳосиласи эканини нафақат маҳаллий, балки хорижий давлатлар экспертлари ҳам алоҳида таъкидлашаётгани бежиз эмас. Зеро, Юрг-бошимизнинг “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” номли рисоласида қайд қилинганидек, ўтган давр мобайнида миллий давлатчилик тизимини шакллантириш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш, кўппартиявийлик тизимини қарор топтириш борасида старли ҳуқуқий асос ярагиди. Мазкур қонун босқичма-босқич амалда оширилатган ислоҳотларнинг маънавий даражаси бўлиши мумкин.<sup>1</sup> Унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти фақат шунинг ўзидангина иборат эмас. Қонун кўндан-кўн масалаларни ўз ичига қамраб олган. Бугунги кунда фақат халқ ироласи, фуқароларнинг ўтказилаётган ислоҳотларга фаол муносабати орқалигина мамлакатни янгилатиш ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” номли рисоласи.

модернизация қилиш соҳасидаги мақсад ва вазифаларини рўбга чиқариш мумкинлиги аён ҳақиқатдир.

**Иккинчидан,** Конституциявий қонун ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш, сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли, таъсир кучи ҳамда масъулиятини оширишга олиб келиди. Мамлакатимиз Раҳбари таъкидлаганидек, “улар халқ орасида ўз дастури ва ғояларини тартиб қилиш, фаоллигини ошириш ва кенгайтириш билан бирга, ўзининг аъзолари ва тарафдорлари сонини кўпайтириш, шу тариқа жамиятимизда ўз таъсирини кучайтириш имконига эга бўлмоқда”<sup>2</sup>.

**Учинчидан,** ҳокимиятнинг вакиллик ва ижроия органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ҳамда ҳаракатларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилӣ-ҳуқуқий шароитлар яратилди. Хусусан, марказда ва жойларда ижро этувчи органларни ташкил қилишда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органларидан ўрин олган сиёсий партиялар, шунингдек, депутатлар мустақил гуруҳларининг бевосита иштирок этини ҳамда ўз дастурий мақсадларини рўбга чиқариши масаласига муҳим ҳаракатлантирувчи омил сифатида жилдий эътибор қаратиш имконияти туғилди.

**Тўртинчидан,** ҳукумат тузилмаларининг, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдига ҳисоб берилиши таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмларни яратишга имкон туғдириши ҳам қонуннинг муҳим сиёсий аҳамиятидан далолат беради.

Мазкур қонунлар барча сиёсий партиялар қатори ишлаб чиқарувчилар ва мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилишни ўзининг бош мақсади деб билалдиган Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП)дан алоҳида масъулият талаб этади. Зеро, уларда белгиланган қоидаларни кенг қўллаш орқалигина партия ҳукуматга, айниқса жойлардаги ҳокимият органларига ўз электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда кучли таъсир ўтказиши мумкин. Шу туфайли қонун лойиҳаси эътибор қилинган кунданок ЎзЛиДеП унинг нормаларини чуқур таҳлил қилиш, партия фаоллари, айниқса, ташкилотнинг кўйи бўгинлари орқали мазмун-моҳиятини омма ўртасида кенг тушунтириш ва тарғибот қилишга жилдий эътибор қаратди. Конституциявий қонун қабул қилиниши муносабати билан партия Дастури ва Уставига ўзгартишлар киритилиб, партиянинг барча бўгинлари масъулияти янада оширилди. Янгича сиёсий шароитда партия олдига турган муҳим вазифалар белгиланганлиги ва уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди. Хусусан, Конституциявий қонун кучга кириши билан ЎзЛиДеП олдига турган мақсадлардан келиб чиқилиб, долзарб вазифалар белгиланганлиги.

<sup>2</sup> Президент Ислам Каримовнинг Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси IV-қурултойидаги маърузаси.

Ана шулардан бири янгича шароитда ишланга қодир бўлган ЎзЛи-ДеП кадрлари захирасини шакллантиришдир.

Жумладан, партия аъзолари ва электорати билан ҳамкорликда гоявий-сиёсий соҳадаги ишларни тубдан қайта кўриб чиқиш, янги шароитда фаолият юритишга тайёр бўлган сиёсий саводхон, ташкилотчи, замонавий менежмент малакасини эгаллаган кадрларни топиш, тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги масалалар мазкур вазифанинг асоси этиб белгиланди. 2007 йил 27 мартда “Партия тузилмаларида давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижроия органларида бўлмаган лавозимларни эгаллаш учун ЎзЛиДеП кадрлари захирасини шакллантириш дастури” қабул қилинди<sup>3</sup>. Уни амалга ошириш учун партия Сиёсий таълим тизимида барча ҳудудий ташкилотларда махсус партиявий талбирлар ишлаб чиқилди ҳамда ҳозирга қадар 13 мишга яқин партия фаоллари, жумладан, жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган аёллар ва ёшлар ҳисобига партиянинг кадрлар захираси яратилди. Кадрлар захираси бўйича ҳудудий комиссиялар фаолиятида мунтазам таҳлил қилиб боришмоқда.

Тушланган тажриба ва халқаро амалиёт асосида бу жараён янада такомиллантиришмоқда. Корхона ва ташкилотлар, маҳалла ва қишлоқларда фаолият юритаётган болсангич партия ташкилотларининг имкониятлари сиёсий-тарбиявий ишларни янада кучайтиришда жуда кўл келаётир. Ушбу тизим нафақат кадрларни ўқитиш, балки партия гояларини тарғиб ва ташвиқ этишда ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

**Конституциявий қонун партия аъзолари сифатига ҳам янгича талаблар асосида ёндашишни тақозо этмоқда.**

Дейлик, болсангич даврда партия аъзолари ва болсангич ташкилотлар сонини кўпайтиришга эътибор қаратишган бўлса (2004 йилда партия аъзолари 143 миш нафарни, болсангич ташкилотлар сони эса 6500 дан зиёдроқни ташкил этган), 2005 йилдан боллаб партия сафларини сифат жиҳатдан мустаҳкамлашга устувор вазифа деб қаралмоқда. Иш сон эмас, сифат тамойили асосида ташкил этилаяпти. Аъзоларни партияга қабул қилиш, янги болсангич ташкилотлар тузиш тартиби қайта кўриб чиқилди, партия сафлари полюйиқ аъзолардан тозаланди.

Бу каби талбирлар партия аъзоларининг сифат таркибига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Айни кунга келиб, партия аъзоларининг 56 фоизи хусусий сектор вакилларилир. Улардан 31 фоизини хусусий талбиркорлар, кичик бизнес вакиллари, 13 фоизини фермер ва қишлоқ мулкдорлари, 12 фоизини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари, 16 фоизини зиёлилар ва ижтимоий соҳа вакиллари ташкил этади. Партия аъзолари умумий сонининг 35 фоизини аёллар ташкил этади. 51 фоиздан кўпроқ партия аъзолари 34 ёшгача бўлган йилит-қизларлир. Шунга ўхшаш ҳолатни вилоятлар кесмасида ҳам кузатиш мумкин.

<sup>3</sup> ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ахборотномаси, 2007/1.

Конституциявий қонун мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, уни партия аъзолари ва аҳоли қатламлари оштира етказиш борасида ҳам қўлгаб ишлар қилинди. ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгашининг 2007 йил 24 январдаги IX мажлисида Конституциявий қонушни амалиётта татбиқ этиш жараёнида махсус ташқиқий-партиявий талбирлар дастури қабул қилинди<sup>4</sup>. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари билан ҳамкорликда сайловчилар, фуқаролар, ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилот ва ўқув муассасаларида, партия кўйи бўғинларида 5000 дан зиёд учрашувлар, мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Сиёсий-тарбиявий ишлар самаралорлигини оширишда ЎзЛиДеПнинг барча ҳудудий ташкилотлари ҳузурлида партия аъзолари, фаоллари ва раҳбар кадрлари учун ташқиқ этилаётган доимий семинарларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад сиёсий жараёнлар, партия ҳаёти, аҳолининг турли қатламлари ўртасида ахборот-мафкуравий, тарғибий-ташвиқий ва маърифий ишларни йўлга қўйишда бошланғич партия ташкилотларининг нуфузи ва фаоллигини ошириш, шунингдек, бошланғич ташкилотлар раҳбарларининг назарий ва сиёсий тайёрлигини кучайтиришдан иборат.

Ҳозирга қалар мазкур доимий семинарларнинг тўққиз босқичи ўтказилди. Жумладан, “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилишда ЎзЛиДеПнинг роли” мавзусида бағишланган биринчи ва иккинчи босқичларда 8,5 минг, “Аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишлар самаралорлигини ошириш ва нодавлат потижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишда партия бошланғич ташкилотлари ва фаолларининг роли” мавзусидаги учинчи босқич ўқувларида 6,3 минг, “Кичик бизнес ва хусусий талбиркорликни қўлгаб-қувватлашда партия бошланғич ташкилотлари раҳбарлари ва фаолларининг роли” мавзусидаги босқичда 7,2 минг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девони қўшма йиғилишидаги (2007 йил сентябрь) маърузасини чуқур ўрганиш мавзусига оид ўқувларда эса 10,2 минг партия бошланғич ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаоллари қатнашди. “Партия қурилиши масаласи ва партиялар фаолиятига замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланиш”, “Ўзбекистон Республикаси сиёсий жараёнларида сиёсий партияларнинг роли ва ўрни” мавзусидаги олтинчи босқич ўқувларида 12 мингдан ортиқ фаоллар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Талбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси IV қурулбойидаги “Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир”, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигида бағишланган тантанали маросимдаги “Асосий мақсадимиз – юртимизда

<sup>4</sup> ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ахборотномаси, 2007/1.

эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттириш”, 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқинлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” мавзуларидаги еттинчи босқич ўқувларида 15 мингта яқин тинловчи, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобини ўрганиш ва тартиб этишга бағишланган мавзуларидаги саккизинчи босқич ўқув семинарларида 16 минг 200 нафар сафдонларимиз ўз билимларини оширдилар.

Шунингдек, тасдиқланган режага мувофиқ, ЎзЛиДеПнинг маҳаллий кенашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари учун давлат ҳокимияти органлари ваколатига кирадиган долзарб масалалар бўйича махсус ўқувлар ҳамда 19 та туркум амалий семинар ташкил этилди. ЎзЛиДеП Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда жамият тараққиёти, партия турмушининг турли йўналишларига бағишланган 24 дан ортиқ брошюра ва услубий қўлланмалар, ЎзЛиДеП фаолиятига оид даврий ахборотнома лар нашр этилди.

2008 йилнинг январь-февраль ойларида ўтказилган халқ депутатлари вилоят Кенашларидаги партия гуруҳлари, ЎзЛиДеП Сийсий Кенашини Ижроия қўмитаси ва парламентдаги фракциясининг қўшма йиғилишларида Конституциявий қонун амалиётга киритилган янгича сийсий паролтда вилоят кенашлари ва партия тузилмалари олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

**Партиянинг парламентадаги фракцияси фаолиятини Конституциявий қонун нормалари ва талаблари асосида ташкил этиш ЎзЛиДеП олдида турган муҳим вазифалардан биридир.**

Президент томонидан илгари сурилган Конституциявий қонуннинг бир қатор молдалари айнан сийсий партиялар фракцияларининг ролини янада оширишга қаратилганлиги бежиз эмас. Зеро, айнан фракциялар парламент фаолиятининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланishi лозим. Бугунги кунда ортирилган муайян тажриба депутатларнинг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йилда кўзда тутилган 75 та қонун лойиҳасидан 60 таси қабул қилиниб, Сенатга юборилди, 10 дан зиёд қонун лойиҳалари биринчи ўқишда қабул қилинди. 2008 йилда эса 80 дан ортиқ қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

Мамлакатимизнинг турли минтақаларида ЎзЛиДеП Сийсий Кенашини ҳаракат дастурига мувофиқ, Сийсий таълим марказлари билан тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган конференция, семинар ва давра суҳбатларида фракция аъзолари асосий маърузачи сифатида фаолинингирок этидилар. Ташкиллан керакки, ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари

ташаббуси билан “Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларининг баъзи моддаларини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилди ва қабул қилинди. Мазкур қонун асосида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 15-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмлари ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси иккинчи қисми ва 9-моддаси олинчи қисмида белгилаб кўрилган қоидалар ўз кучини вақтинча тўхтатиб туралдиган бўлиши.

Шу каби ўзгаришлар Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари ўз вазифаларини бажараётган чоғда палата кўмиталарига аъзо бўла олмаслиги ҳамда сиёсий партияларда аъзоликни давом эттириши мумкин эмаслиги ва бирор-бир фракция таркибида фаолият олиб бора олмаслиги тўғрисидаги қоидаларнинг бекор қилинишига сабаб бўлишики, бу янгича шароитда сиёсий партиялар учун кўшимча имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Шунингдек, Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси йиғилишларида қонун лойиҳалари муҳокамасида жойлардаги депутатлик гуруҳи раҳбарлари ва аъзоларининг иштироки таъминланмоқда. Ҳозирга қалар фракция йиғилишларида 100 дан ортиқ маҳаллий депутатлар иштирок этдилар ва муҳокама қилинган қонун лойиҳалари бўйича ўз фикр, мулоҳазаларини билдиридилар. Бундай амалиёт ўзининг самарасини бермоқда.

**Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини ҳам Конституциявий қонун талабларига тўла мослаштириш лозим.**

Конституциявий қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан 2007 йил 14 июлда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари родини кучайтириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Фарғона, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари партия депутатлик гуруҳлари фаолияти таълов асосида чуқур ва ҳар томонлама ўрганилди. Халқ депутатлари кенгашларидаги ЎзЛиДеП гуруҳлари доимий комиссиялар таркибида хулудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, кичик бизнес, хусусий талбиркорлик ва фермерлик ривожини учун зарур шароит яратиш, давлат дастурлари ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан янги-янги ташаббуслар билан чиқишаётгани диққатга сазовордир. Хулудий комиссиялар томонидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессияларига партия томонидан олиб чиқишаётган муаммо ва ташаббуслар доимий мониторингни олиб боришмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё ва Наманган вилоят Кенгашлари қонундаги комиссиялар халқ депутатлари вилоят Кенгашлари сессияларига “Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2008 йилда амалга оширишга йўналдирилган юзасидан ҳисоботи тўғрисида”ги, “Бухоро вилояти инвестицион дастури бажарилишини таъминлаш юзасидан

вилоят ҳокими ўринбосари О.Жумаев ва вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бонқармаси бошлиги В.Хусеновларнинг ҳисоботи тўғрисида”ги, “Самарқанд вилоятида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишнинг аҳоли ва тармоқ ишлари янада яхшиланга ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳининг вазифалари тўғрисида”ги, “Сурхондарё вилояти ҳуқуқдаги автомобиль йўлларининг аҳоли ва уларни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Наманган вилоятида “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги “Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–700-сонли Қарорининг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, Жиззах вилоятида “Суз ва иш бирлиги” тамойили асосида депутатлик гуруҳи аъзоларининг сайловчилар билан юзма-юз учрашувлари (мулозаралар, давра суҳбатлари) ўтказилди. Ана шу жараёнда партия электорати вакиллари томонидан кўтарилган 20 дан ортиқ йирик муаммо қонуқчилик талаблари асосида ҳал этилди. Самарқанд вилояти ҳалқ депутатлари Кенгашидаги ЎзЛиДеП гуруҳи вакиллари esa сайловчилар томонидан ишлари суридан 29 та масаланинг ижобий ҳал этилишига эришилди. Туман ва шаҳар миқёсидаги депутатлик гуруҳлари аъзоларининг фуқаролар билан ўтказган 60 дан ортиқ учрашувларида кўтарилган масалаларнинг аксарияти ўз ечимини топди.

Алоҳида қайт этиб ўтиш жоизки, ҳалқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят Кенгашидаги 92 та доимий фаолият юритувчи комиссияларнинг 34 тасига, туман (шаҳар) Кенгашидаги 1030 та комиссияларнинг 262 тасига, ЎзЛиДеП аъзолари раҳбарлик қилиб келмоқда. ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада аниқ ва режалли ташкиллаштириш мақсалида 2009 йил 26 февралда Сийси Кенгаш Ижроия қўмитасининг “Давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Конституциявий қонун нормалари ва талабларини ҳаётга татбиқ этишда ЎзЛиДеП хотин-қизларнинг салоҳиятига таянган ҳолда, уларнинг жамиятдаги мавқеи ва фаолиятини оширишга қаратилган тадбирларни олиб боришни муҳим вазифалардан бири, деб ҳисоблайди. ЎзЛиДеП аъзоларининг 53,9 миңини аёллар ташкил қилиши, 1,9 миңдан ортиги барча бўлиндаги партия ташкилотларининг биригчи раҳбарлари эканлиги, партиядан Олий Мажлис Сенатига 4 нафар, Қонунчилик палатасига 5 нафар, Ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашидаги депутатлигига 256 нафар аёлнинг сайланганлиги бу масалага жиддий эътибор қаратиб келаётганидан далолат беради. Маҳалла оқсоқоллари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловида esa партия аъзоси бўлган 364 нафар хотин-қиз юксак ишончга муносиб кўрилди. Умуман, аёллар билан ишлаш доирасида 2007–2008 йиллар давомида ўтказилган 7,5 миңдан ортиқ тадбирлар 2 миң. ингирокчини қамраб олди. Бундан кўзланган асосий мақсад хотин-

қизиларнинг ислохотлар жараёнидаги ишпирокини кенгайтириш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий библияларини янада мустақкам танланган иборатдир. Бугун партия кўмагида маҳаллаларда аёллар учун ҳунармандчиликка ихтисосланган махсус марказлар, фирмалар очилмоқда, аҳолига турли хил ҳуқуқий хизматлар кўрсатишмоқда. Биргина Самарқанд вилоятида партия аъзолари ва хайрихоҳлари ёрдамида 97 нафар талбиркор аёлга 350 млн. сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилди.

**ЎзЛиДеП ёшлар билан ишлашда асосий эътиборни, энг аввало, уларни табиатимизга бегона бўлган ғаразли оқимлардан асраб, замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга, маънавий юксак, комил инсонлар эгиб вояга етказиш, ёшларнинг жамиятимизда мустақкам ва муносиб ўрин эгаллашига барча имкониятларни сафарбар этишга қаратаётир.**

Партия “Ёшлар қаноти”нинг бу боралаги қатъияти ва сазой-ҳаракатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, 2006-2008 йиллар мобайнида 3 млн. дан ортиқ ёшлар ишпирокида 11,5 млндан зиёд талбирлар ўтказилди. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ҳар йили академик лицей ва коллежлар ўқувчилари учун “Ишбилармон ўқувчи” танлови ташкил этилмоқда. Танлов якунларида кўра, голибларга партия томонидан таъсис этилган стипендиялар ажратилади. Шунингдек, олий ўқув юрларида таҳсит олаётган кам таъминланган oilаларнинг фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг шартнома пулларини тўлашда яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Мулофаага кўмакташувчи “Ватанпарвар” ташкилоти билан биргаликда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича бир қатор ишлар амалда олириляяпти. ЎзЛиДеП “Ёшлар қаноти” ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан биргаликда ишлаб чиқилган “Ёшлар ва қонунчилик” лойиҳаси доирасида ўтказилган 200 дан ортиқ талбирларга 50 мишга яқин ёшлар ишпирок этди.

“Ёшлар қаноти” фуқаролик жамияти институтилари, жумладан, нодавлат ногажорат ташкилотлар билан кенг ҳамкорликни йўда қўйган. Хусусан, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда Ўзбекистон нодавлат ногажорат ташкилотлар Миллий ассоциацияси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг қўшма лойиҳаси бўйича турли хил сиёсий-маърифий талбирлар ўтказилди. “Ўзбекистон ёш етакчиларининг қилки мактаби”, “Маънавий қаншоқлик ва диний экстремизмга қарши курашда ёшлар ишпироки” йўналиши бўйича “Юксак маънавият — енгилмас куч”, “Гиёҳвандлик — аср вабоси”, “Спорт — гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши”, “Диний фанатизм, гиёҳвандлик ва терроризмга қарши кураш”, “Исломда экстремизм ва терроризмга урин йўқ” каби мавзуларда ташкил этилган 150 дан зиёд мулоқотлар фикримиз далитидир.

Партия матбуоти ҳам ўз фаолиятини Конституциявий қонун талабларида мослаштирмоқда.

ЎзЛиДеП юзларини кенг тартиб этиш мақсадида партия расмий веб-сайти ахборот билан доимий равишда тўлириб борилади. Ўтган вақт

мобайида партия сайтини 170 миндан ортиқроқ киши қўздан кечирган. Сайт доирасида мингта яқин ахборот материаллари тайёрланди. Уларда электорат, ЎзЛиДеПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Сиёсий таълим марказлари, подаялат ногижорат таъкилотлар фаолияти, партиянинг аёллар ва ёшлар қаноти амалга ошираётган ишлар қамраб олинган. Партиянинг нашрий органи — “XXI asr” газетаси таҳририяти кадрлар захирасини шакллантириш, газета ишига малакали мутахассисларни жалб этиш, бошланғич партия таъкилотлари фаолиятини ёритишга, партия электорати вакиллари бўлиш талбиркор ва фермерларнинг манфаатини матбуот орқали ҳимоя қилишга жиддий эътибор қаратмоқда. Энг муҳими, газета аладини 3,5 миндан 15 минг нусхагача олиб чиқишга эришилди.

**Конституциявий қонун кучга кирган янгича сиёсий шароитда ЎзЛиДеП фаолияти учун қуйидаги йўналишларни, айниқса, муҳим деб ҳисоблаймиз:**

**Биринчидан.** Кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимсиз партия олдида қўйилган мақсад ҳамда вазифаларни тўлақонли амалга ошириб бўлмайдди. Бинобарин, барча бугунги кунда кадрлар захирасини шакллантириш бундан буён ҳам партия фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверали.

Зеро, ёш, тайратли кадрлар жамият манфаатларига ҳаммадан кўпроқ наф келтириши шак-шубҳасиз. Демак, янги аъзолар қабул қилиш жараёнини янада такомиллаштириш, ҳар жиҳатдан етук кадрларни излаб топиш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, бошланғич таъкилотлар фаолиятини янги сифат даражасига кўтарини, ЎзЛиДеП сиёсий таълим тизимида олиб борилаётган ишлар самаралорлигини ошириш учун барча имкониятлар ҳаракатта келтирилиши лозим.

**Иккинчидан,** партия раъзлари билан кенг омма орасига янада фаолроқ кириб бориш, унинг ишончига сазовор бўлиш, тартибот-ташвиқот соҳасида кутилган натижаларга эришиш учун янгича, халқчил воситалардан кенгроқ фойдаланиш зарурати туғилмоқда. ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бу боралда бир қатор талбирларни назарда тутганки, улар электорат ўзагини таъкилот эъувчи талбиркор ва фермерлар, шунингдек, ёшлар ва аёллар орасида ҳам ЎзЛиДеП мавқеини оширишга хизмат қилади, албатта. “Ёшлар йили” давлат дастури доирасида белгиланган вазифалар ҳам кўп қиррали бўлиб, улар зиммамизга катта маъсулият юклагани ўз-ўзидан маътум. Кўппартиявийлик ва сиёсий плюрализмга асосланган, замонавий вакиллик — парламент демократиясини босқичма-босқич ривожлантиришда сиёсий партиялар ва уларнинг қўйи бугунлари алоҳида ўрин тутали. Жойларда кучли жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун, энг аввало, партиянинг ҳудудий тузилмалари ва депутатлик гуруҳлари аъзоларининг ўзи фаол, жонқуяр бўлишлари ларкор.

**Учинчидан,** бугунги кун партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларини ҳам фаолликка ундайишти. Конституциявий қонунда фракциялар учун қўзда тутилган меъёрлар қонунчилик

базасини кенгайтириб, фракцияларнинг мақсидини янада оширди. Албатта, бу имкониятлардан қандай фойдаланиш уларнинг ташаббускорлигига, ижтимоий фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Хусусан, ЎзЛиДеП фракциясининг “Аюлат” СДП ва “Филокорлар” МДП фракциялари ҳамкорлигида тузилган Демократик блокнинг парламент кўпчилиги сифатида яратиб берган имкониятлари жамиятимиз ҳаётига, ислохотлар тақдирига дахлдор муҳим қонуларни қабул қилиш имконини бермоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда ЎзЛиДеПнинг парламентдаги фракцияси ишнинг юксак талаблар даражасида тапқил қилиш партия фаоллигининг муҳим йўналишини бўлиб қолавералди.

**Тўғричиликдан,** Конституциявий қонун нормаларини ҳаётга татбиқ этиш халқ депутатлари ҳудудий Кенгашларида иш юритаётган партия гуруҳлари фаоллиги билан чамбарчас боғлиқ. Мақсад — уларнинг фаоллигини бевосита партия электорати вакиллари муаммоларини аниқлаш ва ечилишга қаратиш, шу асосда уларнинг сайловчилар олдидagi обрўсини ошириш ва партиянинг жойлардаги мавқеини кучайтиришдир. Шу асосда жойларда турли партиявий таъбирлар ўтказиш, ўз соҳасида ижобий натижаларга эришган вилоят депутатлик гуруҳлари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, партия сиёсий таълими тизимини такомиллаштириш бўйича зарур чора-таъбирлар режасини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ва уларнинг аъзолари учун партия вилоят Кенгашлари сайловчиларга муносабат ҳисобот бериб боришни тизими яратилиши, ахборот-таҳлилий ишлар йўлга қўйилиши, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилган давлат дастурлари ижроси юзасидан партиявий ва жамоатчилик назорати ўрнатилиши лозим.

Юқоридagилардан келиб чиқиб, ЎзЛиДеП асосий эътиборни, барча даражалдаги вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотлари раҳбарларига нисбатан ташаббуслик ва сиёсий ҳушёрликни ошириш, аъзолик бадаллари ва ҳомийлик маблағларидан оқдони ва мақсадли фойдаланиш, партия ташкилотларининг молдii-техник базасини янада мустаҳкамлаш каби муҳим ҳаётii масалаларга қаратмоқда. Тўғри, олдимизда турган режалар кўлами ниҳоятда кенг. Тез ривожланиб бораётган давр, қолаверса, Конституциявий қонун кучга кириши муносабати билан юзга келган вазият мутлақо яншича асосда иш юритилиши тақозо этмоқда. Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида, хусусан, сиёсий партиялар зиммасига аюҳида масъулият юклатилган.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг африм қонунларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида бўлиб ўтadиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш Концепцияси” қатъиятлик руҳида ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши орқали мамлакатни демократик яншилан ва модернизациялан борасидаги ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги яна бир муҳим

босқич учун ҳуқуқий асослар яратиш билан алоҳида аҳамият ва долзарблик касб этилиши, таъкидланган.

Мазкур қонун қоидаларида Ўзбекистон сайлов тизими демократияга асосланганлигининг ўзига хос сифат кўрсаткичлари ўз ифодасини топган. Маълумки, сайлов қонунчилиги энг асосий конституциявий принцип бўлган халқ ҳокимияти принцибининг амада татбиқ этилишини таъминлайди. Сайловларни юқори демократик, адолатли принципларга мос равишда ўтказиш, аввало мамлакатда зарур қонунчилик базасининг мавжуд бўлиши, қолаверса, сайловчилар томонидан ушбу қонунларни яхши билган ҳолда ва уларнинг талабларига тўла риоя этган ҳолда ишгирок этишлари ботади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов *“Ўзбекистонда ўтадиган сайловлар мустақиллик йилларида тўнлаган демократик тажрибамизнинг ўзига хос намоиши бўлиши лозим”* – дея таъкидлайди. Зеро, бунинг учун Ўзбекистонда бугун барча ҳуқуқий ва сиёсий шароитлар яратилган, сайловларни ўтказиш тажрибаси ҳам етарли, дейишга тўла асослар бор.

Мамлакатимиз сайлов тизими халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари, ривожланган демократик давлатларнинг ишор тажрибаси ва халқимизнинг миллий менталитетини инобатга олган ҳолда шакллантирилган ҳамда фуқароларга давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали эркин ва ихтиёрий ишгирок этиш учун тенг шароитларни кафолатлайди.

ЎзЛиДеП шу йил охирида вакиллик органларида бўлиб ўтадиган сайловлар олдинги сайловлардан тублан фарқ қилишини тўла аниқлайди. Мазкур сайловларда фаол ишгирок этиш ва талабани таъминлаш ЎзЛиДеП фаолиятининг бу йилдаги энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Чунки, мамлакатимизда демократик тамойилларнинг қарор топаётгани ҳамда бу жараёнларда фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлиши сиёсий партиялар ўрни тобора ошиб бораётганининг исботи сифатида бугунги кунда сиёсий партиялар ўртасида рақобат, ўз гоилари ва қаранларини халққа синдириш учун кураш тобора кучаймоқда ва кенгайиб бормоқда.

Ўзининг аниқ электорати ва кўнлаб тарафдорларида эга бўлган сиёсий куч сифатида Талбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам ушбу сайловлар юқори даражада ўтказилишида тўла масъулият асосида фаоллик кўрсатиши, уларга тайёрларлик босқичида эса кўнлидаги муҳим вазифаларни амада оширишни режалаштирмоқда:

– *биришидан*, ЎзЛиДеПнинг марказий ҳамда худудий бўлинмалари раҳбар фаолларини илгерфаол услубда ўқитиш орқали сайлов қонунчилигида киритилган ўзариш ва кўнлимчалар мазмун-моҳиятини ҳамкор ташиқлотлар ва аҳоли кенг қатламларида етказиш юзасидан барча таркибий тузилмалар,

<sup>5</sup> Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга илтимоқда”. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999; “Ватан озодлиги – олний саволат”. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999.

партия фаоллари ҳамда электорати вакиллари ўртасида кенг қамровли амалий тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш;

– **иккинчидан**, партия стратегияси ва тактикасини аниқлаш ҳамда бўлажак сайловларда самарали сиёсий технологияларни қўллаш механизmlарини ишлаб чиқиш асосида ЎзЛиДеПнинг Сайлововли дастурини тайёрлаш ва барча бўлинмалари партия ташкилотларини, фаолларни сайлов жараёنларига пухта тайёрлаш;

– **учинчидан**, БПТ даражасигача бўлган бўлинмалардаги партия фаолларини ўқитиш ҳамда ЎзЛиДеПнинг бўлажак сайловларга тайёргарлик ва уларда муваффақиятли иштирокини таъминлашга қаратилган махсус амалий чора-тадбирларнинг тула ижросини таъминлашдан иборат.

ЎзЛиДеП ўз олдига амалда ошириладиган барча тадбирларни қатъий равишда аниқ мақсад ва муҳим муаммоларга йўналтириш, уларга мизлақавий ёндашуш ҳамда барча эътиборни тадбирларнинг сонига эмас, балки уларнинг амалий натижаларига қаратин асосида ихтисослашган йўналиш ва тарғибларда ташкил этиш, уларнинг натижаларини чуқур таҳлил этиш ва тегишли хулосалар чиқариш талабларини қўяди.

ЎзЛиДеП бу унши босқичда юқорида санаб ўтилган вазифалар қатъиян сайлов қонулчилиги ва Концепция талаблари доирасида бажаритишга оид амалий чора-тадбирларни кўрмоқда. Хусусан, Сиёсий Кеншан Ижроия қўмитаси томонидан 2009 йил 6 май куни ЎзЛиДеПнинг Сайлововли платформасини ишлаб чиқиш бўйича махсус ишчи гуруҳи тузилди, 9 июнь куни эса “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилишини ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган Концепция доирасида ЎзЛиДеП тузилмаларининг бўлажак сайловларга тайёргарлиги масалалари”га бағишланган амалий семинар ташкил этилди. Ҳозирда барча ҳудудий партия тузилмаларида мазкур йўналишдаги туркум тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Бу боралда Сиёсий Кеншан Ижроия қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кеншалари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция доирасида белгиланган сайлововли чора-тадбирларини амалда ошириш режаси асосида жорий йилнинг 1 август қолатига ЎзЛиДеП ҳудудий партия ташкилотлари томонидан жойларда жами 236 та семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларда 8000 дан ортиқ партия фаоллари ва 2300 нафар партия хайрихоҳлари иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, сайловларга тайёргарлик ва уларни ўтказишга доир барча ҳаракатлари ЎзЛиДеПнинг 2009 “Қишлоқ тараққийти ва фаровонлиги йили” давлат дастури ҳамда мамлакатимизда “2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури” ижроси юзасидан қабул қилинган амалдаги ҳаракат дастури, ҳудудий дастурлари ва бошқа барча комплекс режалар билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб боришмоқда.

ЎзЛиДеП сайловларда ишгирок юзасидан олиб бораётган ишларни бугунги кун талаблари, шунингдек, куйидаги партиявий курсатма ва чақириқлар даражасида янада такомиллаштириш, аниқ натижаларга эришиш лозим, деб ҳисоблайди:

ЎзЛиДеП учун ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган давр, барча бугундаги маҳаллий кенашлар ва парламентга сайловлар кампанияси арафасида зиммадаги масъулият ва бурчни янада аниқ ва терап ҳис этиш даркор:

ЎзЛиДеП бўлуши сайловларни юқори демократик талабларга мос равишда ўтказишга эришиш учун мавжуд кучларни аниқ мақсадлар йўлида жиёслаштириш лозим;

мазкур сайловларда авваламбор ҳисобот билан ишгирок этиш. Яъни, ЎзЛиДеПнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти партиядан сайланган ҳар бир депутат тимеосида ўзига хос ошкора синов – халқ имтиҳонидан ўтказилади. Буни, 2004 йилиги сайловларда платформасида эълон қилинган барча вазифаларнинг ижроси бўйича амалга оширилган ҳамда айрим ҳолларда бажарилмаи қолган муҳим вазифалар юзасидан ҳам тўлиқ ҳисобот, ҳам асосли ва ҳаққоний тунунтирини бериш лозим бўлади:

ўтган сайловларда имконият даражасидан паст натижалар кўрсатган, ҳатто умуман бирон бир натижага эришмаган, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, помзодлар тапчилида аданган вилоят, туман (шаҳар) партия ташкилотлари йўли куйилган хато ва камчиликлардан тегинли хулоса чиқариши, эндиги сайловларда бу каби ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни белгилаб олиш ва қисқа фурсатдан унумли фойдаланишлари лозим ва шарт;

навбатдаги сайловлар, ЎзЛиДеПнинг келуши тақдири, сиёсий майлдошда эгаллайдиган мавқеи ва ўрни нуқтаи назаридан ўта муҳим синов ҳисобланади. Шундай экан, бугунги куннинг асосий шарт – олдимизга куйи таётган вазифаларни самарали амалга оширишда масъуликни ўз зиммамизга олиш, тайрат-шижоатли ва фаол бўлишдан иборатдир;

дастурий мақсадларни амалга оширишдаги эш муҳим механизмлардан бири ҳисобланмиш партиянинг парламентдаги фракцияси ҳамда маҳаллий кенашлардаги депутатлик гуруҳлари имкониятларидан тўла фойдаланиш ЎзЛиДеП учун навбатдаги муҳим синовдан ёруғ юз билан ўтишни кафолатловчи мезон эканлигини унутмаслик даркор;

жойларда партиявий иштизомни янада кучайтириш талаб этилади; амалга оширилатган ҳар бир иш навбатдаги сайловларга тайёрилик ва ўзига хос замин бўлиб хизмат қилиши лозим;

ҳар бир партия фаоли ўртак бўларли даражада ўзига хос жонбозлик курсатиши ва минг-минглаб сайловчиларнинг ЎзЛиДеПга билдирган ишончини оқлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўлиши лозим;

сифат жиҳатидан мутлақо янги сиёсий майлдошда ЎзЛиДеП мавқеини сақлаб қолиш, керак бўлса, бошқаларни ҳам ўз ортидан эргаштирувчи сиёсий куч сифатида қарор топиши учун, авваламбор жойларда ЎзЛиДеП

ҳар бир таркибий тузилма олдига қўйилаётган аниқ вазифаларнинг сўзсиз ижро этилишига жиддий эътибор қаратиш талаб этилади;

ЎзЛиДеП Сийёсий Кенгаши, унинг Ижроия қўмитаси томонидан парламентдаги фракция, ҳудудий тузилмалар ва депутатлик гуруҳлари учун устувор этиб белгиланган барча вазифаларнинг тўлақонли ва сўзсиз бажарилишига алоҳида эътибор қаратилиши, шунингдек, мазкур жараёнларда ЎзЛиДеПнинг ёнлар билан ишлари, аёлларнинг ижтимоий-сийёсий фаоллигини ҳамда жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш йўналишларида ҳам кенг қамровли амалий ишлар олиб борилиши ва улар доимий эътиборда бўлиши лозим.

Шу маънода, ЎзЛиДеП сайлов қонунчилиги ҳамда Марказий сайлов комиссияси Концепцияси талабларидан келиб чиққан ҳолда, қўйилаги жиҳатларга ҳам ўзининг асосий эътиборини қаратади:

— Марказий, округ ва участка сайлов комиссиялари билан доимий алоқа тизимини ўрнатиш ва бу боралдаги ишларни доимий назоратда олиш;

— умумпартиявий талбирларни (ҳудудий бўлинмалар конференциялари, Сийёсий Кенгаш мажлислари ва ЎзЛиДеП Съезди) сайловчилар ҳамда аҳоли кенг қатламлари орасида амалий тарғибот ва ташвиқот ишлари билан ҳамоҳанг ташкил этиш ва ўтказиш;

— сайловларни молияланиширишга ажратиладиган маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Марказий сайлов комиссияси қарорлари асосидагина қўйилиши, уларнинг мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши устидан қатъий партиявий назоратни ўрнатиш;

— маҳаллий айниқса, ЎзЛиДеП вакиллари ва кузатувчилари, шунингдек хорижий ва халқаро кузатувчиларнинг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар асосида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларига масъулият билан ёндашиш ва уларда ҳолисона, объектив фикр-мулоҳазалар шаклланиши ҳамда билдирилишига доир масалаларга нисбатан сайлов қонунчилиги талаблари асосидаги қатъий партиявий ёндашув;

— ЎзЛиДеП сайловолди ташвиқотининг оммавий ахборот воситаларида сайлов қонунчилиги ҳамда Марказий сайлов комиссияси Концепциясида белгиланган тарғиб ва қоидалар асосида ҳолисона, ҳаққоний ва тўлақонли ёритилиши юзасидан партиявий мониторинг ва назоратни ташкил этиш;

— ЎзЛиДеП фаоллари, аъзолари, электорати вакиллари ва барча бўғинларга кўрсатиладиган номзолларига уларнинг сайловлардаги иштирокига доир партиявий кўрсатмаларни ўз вақтида етказилишини таъминлаш ва уларга тўлиқ риоя этилишини қатъий назоратда олиш;

— ЎзЛиДеП Сайловолди дастури тарғиботини уюшқоқлик ва қатъиятчилик руҳида ташкил этиш ва амалга ошириш.

Олдимизда турган барча вазифалар мазмунан ва моҳиятан ЎзЛиДеП учун ниҳоятда долзарб ва устувор ҳамда ўзига ҳослиги билан чуқур ёндашувни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига бўлиб ўтадиган сайловларга муваффақиятли иштирок этиш ва қўзланган натижаларга эришиш учун энг муҳими юртимиз сиёсат саҳнасида жула кенг имкониятлар, ЎзЛиДеП фаолларида эса етарли куч, тажриба ва салоҳият мавжуд.

ЎзЛиДеП аҳолининг энг фаол қисми саналган мулкдорлар ва талбиркорлар синфи маишаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мамлакат сиёсий саҳнасида кириб келган эди. Шу уришда, ЎзЛиДеПнинг майдонга келиши мамлакатдаги боллқа партияларнинг фаоллашувиға, уларнинг уз ишларини, айрим ҳолларда эса уз гоъвий мақсадларини тубдан қайта кўриб чиқишиға кучли туртки берганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бинобарин, ЎзЛиДеП ислохотларнинг янги босқичида ҳам мамлакатдаги сиёсий жараёнларға уз таъсирини сақлаб қолиши, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаолликни оширишға муносиб ҳиссасини қўнимоғи лозим. Бу эса зиммамизға алоҳида масъулияг юктайди.

Демак, барча имкониятларимиз, орттирган тажрибамиз белгиланган мақсад ва режаларни руёбға чиқаринға қаратилиши ларкор. Давлатимиз раҳбари Ислём Каримов таъкидлаганидек, “Бу дийр, бу бетакрор юрл барчамизники. Ватанимизнинг мавқеи ва обрўини дунёда муносиб даражаға кўтариш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз деб, айнан шундай тупунча билан бир ёқалан болл чиқариб, белгимизни қаттиқ боғлаб, жорий этилаётган ислохот ва янгилаини жараёнларини қатъияг билан давом эттирсак, ҳеч шубҳасиз, марра бизники — Ўзбекистонимизда ўзгаларнинг ҳавасини торталдан эркин ва фаровон жамиятни, албатта, курамиз, ўзимизнинг эзу мақсадларимизға, албатта, етамиз”.

## Янги ҳуқуқий майдон шароитида Ўзбекистон Халқ Демократик Партиясининг фаолияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ташаббуси билан “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонун қабул қилиниши ва унинг 2008 йил 1 январдан кучга кириши, бонқа сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон ХДП учун ҳам ўз дастурий мақсадларини вакиллик парламент демократияси институтлари орқали амалга ошириш учун мутлақо янги ҳуқуқий майдон яратилди.

Парламент ислоҳотини концептуал жиҳатдан давом эттирадиган ушбу Конституциявий Қонун шундай ҳуқуқий механизмларни ҳаракатга келтирмоқдаки, бунинг натижасида сиёсий партиялар, уларнинг парламент фракциялари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларига амалда давлат ҳокимияти қонунчилик-вакиллик тармоғининг асосий функционал бўғинларидан бирига айланиш имкониятини беради. Қонун яратувчилик фаолиятининг сиёсий жараёнга айланиши учун ноёб шароитлар яратилди. Бунда партияларнинг конструктив беллашуви, улар орасидаги консенсус асосида аҳоли турли ижтимоий гуруҳлари хитма-хил маишаат ва эҳтиёжларини ҳисобга олувчи қонунлар қабул қилинишини таъминлайдиган ноёб шарт-шароитлар доираси вуҷудга келди.

**Биринчидан.** Конституциявий Қонун бундан буён Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларини шакллантиришнинг механизми такомиллаштирилиши таъминлайди. Унда партиялар парламент фракциялари блокларини тузишнинг принциплари ва нормалари белгиланган. Партия фракциялари раҳбарларини Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари этиб сайлаш механизмининг фақат норматив-ҳуқуқий даражада киритилганлиги учун эмас, балки алтақачон амалга оширилиши мумкинлиги билан, фракциялар роли жиҳдий равишда ошмоқда.

**Иккинчидан.** Партиямиз мамлакатимизда биринчи марта қонун асосида Қонунчилик палатасида парламент муҳолифатини тузиш ва фаолият кўрсатиш нормалари белгиланганлигини Конституциявий Қонуннинг принципиал муҳим жиҳати деб ҳисоблайди.

**Учинчидан,** сиёсий партияларнинг ҳокимият ижроия тармоғи раҳбарларини тайинлаш, давлат ҳокимияти ижроия органларини шакллантиришда партиялар фракциялари ва депутатлик гуруҳлари билан маслаҳатлашиш ва давлат бошлиги кўриб чиқиши учун ўз вазифаларини қониқарсиз бажараётган мансабдор шахсларни истеъфога чиқариш тўғрисида асосланган таклифлар бериш орқали ишгиروي анча кенгаймоқда.

Бунда шуни таъкидлаш лозимки, биз партиямиз учун асосий деб, депутатлик бирланмаларимиз ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришни эмас, балки биринчи навбатда, сиёсий маъсулият сифатини ошириш деб ҳисоблаймиз.

Президентимиз томонидан парламенгга қўриб чиқилш учун киритилган қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси босқичидек, партия маҳаллий ташкилотлари фаоллари ва ХДП депутатлари биз учун Конституциявий қонуннинг 6 ва 7-моддаларида белгиланган ҳокимларни ўз лавозимларидан озод қилиш тўғрисидаги масала юзасидан ташаббус кўрсатишда ишгирок этиш эмас, балки депутатлик гуруҳлари назорат ваколатлари кенгайтиришдан фойдаланиб, ҳокимиятлар ишининг самаралорлигига кўмаклашниш эканлигини таъкидлашди. Биз сифат жиҳатидан янги ҳуқуқий шароитларда парламенг ва депутатлар назоратини амалда ошириш натижасида, биринчи навбатда, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органлари томонидан қонунлар, мамлакат Президентги фармон ва қарорларини тўла-тўқис, сўзсиз бажарилиши бўлмоғи лозим, деб ҳисоблаймиз.

Янги ҳуқуқий нормаларниш биз учун аҳамияти шундаки, улар партия депутатлик бирланмалари фаоллигини ривожлантириши рағбатлантириш орқали давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари самаралорлигини оширишга кўмаклашди. Умумхалқ муҳокамаси босқичи ва айниқса, Конституциявий қонун қабул қилингандан кейин Ўзбекистон Халқ демократик партиясида янги ҳуқуқий нормаларни партия фаолларига етказиш, уларни ЎзХДПда тузилган уч даражали сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўрганиш бўйича кенг миқёсда талбирлар ўтказилди.

2007 йил II чорагидан эътиборан, партияда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш масалаларига бағишланган 200 дан ортиқ ЎзХДП вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари фаоллари йиғилишлари ўтказилди. Фақат шу даражада, янги ҳуқуқий нормалардан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамасида 10 минг нафардан зиёд Ўзбекистон ХДП маҳаллий сайланма органлари ва маҳаллий Кеншалардаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари ишгирок эдиллар.

2007 йил сентябридан бошлаб “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун партия Марказий ва маҳаллий кеншалари ҳузуридаги сиёсий семинарларда фаол ўрганилди. 2007 йил сентябрь – 2008 йил февралда мазкур қонунни ва партиянинг янги шароитларда фаолият кўрсатиши хусусиятларига иккита мавзу бағишланди. Семинар, давра суҳбатлари ва ўқувнинг бошқа фаол формаларида тегишли маъруза ва суҳбатлар билан ЎзХДП Марказий Кеншали раҳбарлари, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, юқори маънавли экспертлар чиқилди. Шу давр лавомида ҳар ҳафтала маҳаллий партия ташкилотларида 4 талдан 8 тагача давра суҳбатлари, семинар

ва суҳбатлар ўтказиб, уларнинг ҳар бирида 25 талдан 65 нафаргача фаоллар иштирок этди. Уларда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун билан боғлиқ мавзулар муҳокама қилинди.

Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши билан партия фаолияти меъёрий-ҳуқуқий шароитларининг ўзгариши ЎзХДП депутатлик бирлашмалари фаолиятини синчковлик билан таҳлил этишни тақозо этди. 2007 йил февралдаёқ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ўзининг VI пленумида, партия парламент фракциясининг ўнган йилдаги фаолияти якунларини фракция аъзолари ва партия марказий органлари аъзолари биргаликда чуқур муҳокама қилишлар. Муҳокама жараёнида мамлакат парламенти куйи палатасидаги партия вакилларининг электорат манфаатлари йўлида ЎзХДП дастурий мақсадларини амалга ошириш бўйича ишлари самаралорлигини ошириш юзасидан кўлаб тақлифлар билдирилди.

2007–2009 йиллар давомида фракция йиғилишларида мунтазам равишда Ўзбекистон ХДП манфаатларини қонулчилик даражасида амалга оширилиши билан боғлиқ масалалар кўриб борилди. Фракциянинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустақамлашга оид чоралар тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида келиб чиқадиган вазифалари муҳокамасига катта эътибор берилди. Фракция “Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва қабул қилишда фаол иштирок этди. Фракция аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Социқ кодекси янги таҳрири муҳокамасига катта аҳамият бердилар. Шуниси эътиборга моликки, Қонулчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилган принципал масалалар юзасидан фракция нуктаи назари партия Марказий Кенгаши ҳузурига тузилган экспертлар гуруҳи тақдим этилган баҳо ва тақлифларни ҳисобга олган ҳолда ишгаб чиқилди.

2005 йил декабридан эътиборан партияда давлат ҳокимияти тегишли вакилик органларида ХДПдан сайланган депутатлардан барча вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларида шакллантирилган депутатлар гуруҳлари фаолияти ва ташаббускорлигини ошириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон ХДП бу бўйинда салмоқли вакиликка эга. Партиядан сайланган депутатлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашиларида 36,6 фоизни (823 талдан 301 та), халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашиларида 44,8 фоизни (5315 талдан 2326 та) ташкил этидилар.

Улар ишини фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши 2005—2006 йилларда маҳаллий кеншалардаги партия депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ва аъзоларининг республика ва минтақавий семинарлар туркумини ташкил этди. Бундан мақсад нафақат депутатлар корпусидаги партия вакиллари ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, балки уларни кўппартиявийлик вакиллик демократияси шароитларида депутат мақоми туғрисидаги қонунчилик томонидан берилган ўз ваколатларини амалга оширишнинг амалий кўникмалари билан қуроллантириш эди.

2006 йилдан эътиборан депутатлик гуруҳлари электорат манфаатларида дахлдор устувор ижтимоий масалаларнинг жойлардаги ижроси мониторингини олиб бормоқда. Мехдиатга тасқатли аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ошириш, ҳимояга муҳтож аҳолининг ижтимоий ҳимояси масалаларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг амалдаги ижроси, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яқинлаштириш каби масалалар депутатларнинг доимий эътиборида.

2005 йил охири — 2006 йил боннида барча шаҳар, туман ва вилоят партия кеншалари ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятида иштирок этини, партиядан сайланилган депутатларнинг ўз электорати билан ишлагани самарадорлигини оширди. Бу давр мобайнида Жамоатчилик қабулхоналарида 40 минг нафардан ортиқ фуқаро мурожаат қилинди. Уларнинг 75 фоизидан ортиги, тегишли амалий кўмак олинган кейин, иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақаларни ўз вақтида тўлатишини таъминлаш, уларнинг боннка ижтимоий ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ, ижтимоий муаммоларнинг ижобий ҳал қилинишига эришди.

Конституциявий қонушнинг 2008 йилининг 1 январидан қуча кирилиши партия олдига янги масъулиятли вазифаларни қўйди. Мамлакат Президентги ташаббуси билан сиёсий партиялар депутатлик бирлашмалари фаолияти учун мисли йўқ ҳуқуқий имкониятлар яратилди. Шу муносабат билан партия марказий ва маҳаллий органлари ЎзХДП депутатлик бирлашмалари саъй-ҳаракатларини асосан фаоллик ва ташаббускорликни янада ривожлантириш, фаолияти самарадорлигини оширишга қаратмоқдалар.

Бу биринчи навбатда ЎзХДП парламент фракциясига тааллуқлидир. Фракция раҳбарининг палата Спикери уринбосари этиб сайланиши партиялар парламент фракцияларини Олий Мажлис қўйи палатасининг асосий функционал бўлишига айлангиринг томон қўйилган дастлабки қадим бўлди. Бироқ, Конституциявий қонун нормаларидан келиб чиқадиган вазифалар ушбу қадим билан кифояланмайдди. ЎзХДП парламент фракцияси ушбу нормалар асосида янгиича ишлагани керак.

Бу, **биринчидан**, фракция ўз фаолиятида партия дастури устуворликларида умумлаштирилган, ЎзХДП электорати ижтимоий манфаатларини тўлароқ ҳисобга олиш заруратидир. Бу манфаатлар, **иккинчидан**, фракция томонидан палатада кўриб чиқилаётган қонунлар лойиҳалари бўйича ўз таклифларини ишга чиқаришда ўз аксини топиши, муҳокама жараёнида уларнинг ҳисобга олиниши ва ҳимоя қилиниши

лозим. Учинчидан, Қонуннинг қабул қилиниши, фракциянинг унинг устида ишлари тугаллиги эмас. Фракция булдан бун ҳам назорат-таҳлил ишларида фаол иштирок этиб, қабул қилинадиган қонунларнинг жойларда бажарилиши мониторингида иштирок этиши зарур. Конституциявий қонунга мувофиқ жиҳдий тарзда кенгайтирилган назорат функцияларининг кенгайтириши доирасида фракция парламент қабул қиладиган қонунларни оғинмай бажариш учун давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви институтлари масъулиятини ошириш учун курашади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидagi партия фракцияси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашиаридаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари роли ва масъулияти ҳам худди шундай тарзда оширилади.

Давлат ҳокимияти айна шу бўғини ваколатларига жойларда ЎзХДП электорати манфаатларига жавоб берувчи, ижтимоий сиёсатнинг қўйиладиган устувор йўналишларини амалга ошириш киралди:

- меҳнатта лашқатли аҳоли, биринчи навбатда касб-хунар коллежларида ўрта махсус маълумот олаётган ёшларнинг иш билан самарали бандлигини таъминлаш;

- қиллоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;

- аҳолига ижтимоий ва коммунал хизматлар кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш;

- аҳолининг муҳтож қатламларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш механизмларини янада мустаҳкамлаш;

- мақсадли давлат ижтимоий дастурлар, хусусан, 2009 йилда ЎзХДП учун устувор аҳамиятга эга бўлган “Қиллоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” давлат дастури талбирларини жойларда амалга ошириш.

ЎзХДПнинг марказий органлари устувор ижтимоий вазифаларни ҳал этишда партия депутатлик бирлашмаларининг фаол, энг асосийси, ташаббус кўрсатган ҳолда қатнашини зарурлигини партиянинг маҳаллий ташкилотлари олдида яввал ҳам қўйган эди. Эндилликда, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролин кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун нормалари доирасида депутатлик гуруҳларимизнинг ташкилий-ҳуқуқий мақоми анча ошди. ЎзХДП электорати манфаатлари йўлида қонунчиликда берилган воситалар билан ташкилий ва сиёсий ишлар изчил олиб борилиши учун партиянинг минтақавий ва маҳаллий сайлаб қўйиладиган органлари таркибидagi вакиллариининг масъулияти ҳам шунга мувофиқ ўсиши керак.

Айнан мана шу сабабли, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Конституциявий қонун кучга киргандан кейин минтақавий даражада партиянинг дастурий устуворликларининг амалга оширилиши бўйича ташкилий ишлар даражаси анча ўсишда катта эътибор бермоқда. Биринчи навбатда, халқ депутатлари маҳаллий кенгашиаридаги ЎзХДП гуруҳлари ишида ташаббускорлик ва фаоллигини оширишга эътибор қаратилмоқда.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ушбу масалаларни 2008 йил март ойида ўзининг VIII пленумида кўриб чиққанидан кейин, уларга уч марта: 2008 йил сентябрь, 2009 йил январь ва март ойларида ўз қарорларининг ижросини назорат қилиш тартибида муурожаат қилди.

Буларнинг барчаси 2008–2009 йилларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партиянинг депутатлик бирланмалари ишида фаоллик ва ташаббускорлик сезиларли даражада ошишига кўмаклашди. ЎзХДП туруқларининг тегишли ишларда қатнашини Термиз шаҳри аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш, Хоразм вилояти аҳолисининг электр таъминотини яхшилаш, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг бир қанча шаҳар ва туманларида куз-қиш даврида уй-жой-коммунал хўжалиги муассасаларининг барқарор ишлашини таъминлаш, Бухоро вилояти қишлоқ аҳолисининг уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш масалаларини ҳат эйтишга ижобий таъсир кўрсатди.

2009 йили бўлажак сўйлов кампаниясини ҳисобга олган ҳолда, ушбу ишларнинг аҳамияти жиҳдий равишда ўсди. Хулудларни қўлдан келтириш ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳат эйтишга партиянинг барча таркибий бўлиқлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги туруқларининг фаол иштирокисиз сайловчиларнинг жиҳдий қўллаб-қувватлашига умид қилиш қийин эканлигини биз тушунаёмиз.

2009 йил апрель ойида партия Марказий Кенгашининг IX пленумида Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорги Кенгесида, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларида 2009 йили сайловда ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг тегишли минтақавий дастурларига партиянинг аниқ таклифлари шаклида сайловдаги платформасини ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ, 2009 йил май-июль ойларида Ўзбекистон ХДПнинг барча туман ва шаҳар ташкилотларида жойларда 2009–2012 йилларда Инқирозга қарши чоралар дастури ва «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг амалга оширилишида ЎзХДП маҳаллий, бошланғич ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия туруқларининг иштироки юзасидан аниқ вазифалар белгиланди. 2009 йил июль-август ойларида ЎзХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотларининг навбатдаги конференцияларида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш хулудий қўлдан келтириш дастурларининг устувор ижтимоий вазифаларини ва хулудий бадиқ дастурларини бажариш билан боғлиқ масалалар ҳар томонлама муҳокама қилинди ҳамда ушбу дастурларни амалга оширилишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш бўйича минтақавий чора-тадбирлар дастурлари қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларда Инқирозга қарши чоралар дастури ҳисобга олишган ҳолда, 2010 йилда ва кейинги йилларда қўлдан келтириш ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш, муҳокама

қилиш ва қабул қилишда партиянинг мишгақавий кенашлари ва ЎзХДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорги Кенесидати фракцияси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенашларидаги гуруҳларининг фаол амалий иштироки назарга тутилди. Тегинли хулудий дастурларнинг ижтимоий йўналтириланлигини кучайтиришга доир аниқ таклифлар 2009 йилининг тўртинчи чорагидаёқ партия мишгақавий тапшиқотларининг сайтовотида ишлатформалари даражасида ишлаб чиқилди ва кирилди.

Алти вақтда, тегинли кўнимча параметрларни иш билан бандликнинг хулудий дастурларига киритиш мақсадида партия электоратини тапшиқот этилган аҳолининг заиф қатламлари учун кўнимча равишда иш уринлари тапшиқот этиш масалалари бўйича давлат ва хужалик бошқарувининг хулудий органлари ҳамда тизимни тапшиқот этилган корхоналарнинг раҳбарлари билан маслаҳатлашниш назарга тутилмоқда. Шунингдек, уй-жой, коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ҳамда кўрсатиш хизматлар учун тегинли корхоналар билан аҳоли ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни яхшилашга доир таклифлар эксперт даражасида ишлаб чиқилмоқда.

2009–2012 йилларда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинган ва мишгақаларни комплекс ривожлантиришнинг устувор ижтимоий вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари ҳамда норматив-ҳуқуқий хужжатларни жойларда бажариш бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенашларидаги ЎзХДП гуруҳларининг назорат-таҳлилий фаолияти самаралорлигини оширишга партиямиз муҳим аҳамият бермоқда.

Электоратимизнинг ижтимоий манфаатлари амаца оширилишини таъминлайдиган давлат қарорларининг жойлардаги ижроси мониторингини олиб бориш ушбу ишнинг асосий шакллари билан бири бўлиб келиди ва шундай бўлиб қолади. Боз устига, Конституциявий қонун амаца қилини шароитлари билан бундай мониторингнинг роли ва аҳамияти жилдий равишда ўсади.

Эш аввало, тизимли мониторинг олиб бориш бизга давлат ижроия ҳокимиятининг тегинли бўлишларига Конституциямиз томонидан беришан ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар амаца оширилиши даражаси ва сифати тўғрисида ҳолисона маълумотлар тулганш имконини беради. Бизнинг депутатлик фаолларимизда – Қонунчилик палатасидаги фракция аъзоларида ва маҳаллий Кенашлардаги депутатлик гуруҳлари аъзоларида ижро этувчи ҳокимият ва давлат бошқаруви барча бўлишларининг фаолиятига ҳолисона баҳо бериш кўникмаси шаклланади. Бундай кўникмасиз бизнинг депутатлик бирланмаларимиз 2008 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган Конституциявий қонунда назарга тутилган ижро этувчи ҳокимиятти шакллантириш ва унинг фаолиятига таъсир кўрсатиш механизми билан фойдалана олмайдди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси айниқса маҳаллий даражада муҳим давлат қарорларининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши билан бевосита манфаатдордир. Шу сабабли, партиянинг марказий органлари бу билан кейин ҳам жойлардаги депутатлик гуруҳ-

ларининг тегишли масалаларда ташаббус курсатишига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Депутатлик гуруҳлари партиянинг маҳаллий ташкилотлари билан биргалликда, мунтазамлик асосида ва қонунчиликда белгиланган тартибда, олиб борилган ижтимоий аҳамиятли давлат қарорлари ижроси мониторинги натижасига кўра, Кенгашларга қонун ҳужжатлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари тегишли қарорларининг жойларда ижроси юзасидан қилинаётган ишлар самаралорлигиши оширишга оид аниқ таклифларни киритишлари керак.

Конституциявий қонун амал қилаётган шароитда партиянинг марказий органлари ва маҳаллий ташкилотлари ишнинг янги шакл ва усулларини излаш, депутатлик бирлашмаларига қонуний берилган ҳуқуқ ва ваколатларидан фойдаланиш юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партиясида фаол ва изчил иш олиб боришмоқда.

## IV. СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТИЗИМИ

### 1. СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИДАН КЎЧИРМАЛАР

##### II БОБ. ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ

**10-модда.** Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиши принципларга асосланади.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

##### VIII БОБ. СИЁСІЙ ҲУҚУҚЛАР

**32-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали илгирок этиш ҳуқуқига эгалдирлар. Бундай илгирок этиш ўзини ўзи бошқарини, референдумлар ўтказини ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

**34-модда.** Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюлиш, оммавий ҳаракатларда илгирок этиш ҳуқуқига эгалдирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

##### XIII БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

**56-модда.** Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг

жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар танкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

**57-модда.** Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхшилиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбий-лашғирипан бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳани сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

**58-модда.** Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда ишғирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашинишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашинишига йўл қўйилмайди.

**60-модда.** Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйишдан вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда ишғирок эгалдир. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминлаш мақсади билан Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошқора ҳисоботлар бериб турадилар.

**62-модда.** Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

## **XVIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ**

**77-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз аълик депутатдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати худудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

# ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

11.04.2007 й.

№ УРҚ-88

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНГИЛАШ ВА ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ҲАМДА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Қонулчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда  
қабул қилинган Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда  
маъқуллашган

### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришдан иборат.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тегишли тузатишлар, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун асосдир.

### **2-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонулчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари**

Сиёсий партия фракцияси сиёсий партиядан кўрсатишган депутатлар томонидан партия манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонулчилик палатасида ифодашан мақсадда тузилдиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишган депутатлар бирлашмасидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонулчилик палатасида кўнчилик ўринини эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўнчилиكنи ташкил этади.

Ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузилдиган бир нечта сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўнчилиكنи ташкил этиши мумкин.

Янгидан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин.

Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка биришиши қонуни назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини ҳисобга қўймайди.

Ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонуни фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси маъсул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг янги мажлиси баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг қафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги муҳолифатнинг қонун билан қафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўнчилик томонидан камситилиши мумкин эмас.

Сиёсий партиядан кўрсатишан ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин.

### **3-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарларини сайлаш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини сайтайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий солишинг кўнчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида тузилган сиёсий партия фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашда қафолатли ҳуқуққа эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун сиёсий партия фракцияси, қоила тарикасида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини киритади.

Сиёсий партия фракциясидан тақдим этилган номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимига сайланмаган тақдирда, сиёсий партия фракцияси ўз фракцияси аъзолари орасидан бошқа номзодни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Қонунчилик палатаси қўмиталаридан бирининг таркибига сайланиши мумкин.

### **4-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари шакллантирилганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президентни томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий

партиялар фракцияларининг ҳар бири билан ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати куриб чиқиши ҳамда тасдиқлаши учун тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар билан кўпимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзодларни яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенати тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчини тайинлайди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини ёки унинг палаталаридан бирини тарқатиб юборди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда, янги сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилди.

**5-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимидан озод этиш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қуйидаги ҳолларда лавозимидан озод этилади:

- а) Бош вазирининг истеъфосига чиқиш тўғрисидаги аризасига биноан;
- б) Бош вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмағи қолган тақдирда;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Коопетитициясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зил қарорлар қабул қилган тақдирда;

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқини учун тақдим этган тапаббусига биноан. Агар зарур асосларга эга бўлган бундай тапаббусни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар етакчи фракциялари кўлаб-қувватласа ҳамда мазкур тапаббус Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатида овозга қўйилганда тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутatlари ва Сенати аъзолари умумий сони учдан икки қисмидан кўпрогининг овозини олса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг лавозимдан озод этилиши бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг истеъфога чиқишига сабаб бўлади.

#### **6-модда. Вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби**

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овозини олган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овозини оқламайса, Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур лавозимларга номзодларни партия гуруҳлари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчини тайинлаш, тегишли халқ депутатлари Кенгашини тарқатиб юборин ҳуқуқига эга. Бунда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов тарқатиб юборин тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига мувофиқ ҳоким номзоди бўйича фармон қабул қилади.

**7-модда. Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш вазифалари**

Назорат қилиш вазифалари самаралдорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия туруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилади. Бундай ташаббус етакчи партия туруҳлари томонида қўллаб-қувватланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббуснинг халқ депутатлари Кенгашидаги муҳокамасини таъинлайди ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилади.

**8-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Конституциявий Қонун 2008 йил 1 январдан эъгиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. Каримов**

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 11 апрель  
№ ЎРҚ-88

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

26.12.1996 й.

№ 337-1

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТУҒРИСИДА

### 1-модда. Сиёсий партия тунувчиси

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий ироласини рўйга чиқаришда иштирокчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи қўшмаликли билан бирлашмасидир.

### 2-модда. Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек ўз уставлари асосида амалга оширадилар.

### 3-модда. Сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш принциплари

Сиёсий партиялар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида, хоҳиш-иродани эркин билдириш, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

Қуйидаги сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади:

конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи;

Ўзбекистон Республикаси суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи;

урушчи, ижтимоий, миллий, irqий ва диний адоватни тарғиб қилувчи;

халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи;

миллий ва диний рўҳияти партиялар.

### 4-модда. Сиёсий партияларга аъзолик

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир пайтнинг ўзида фақат битта сиёсий партияга аъзо бўлиши мумкин.

Партияга мансублигига кўра фуқаронинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклан, худди шунингдек, унга имтиёзлар ёки устунликлар бериш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентги республика барча фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишининг кафили сифатида президентлик ваколатларини бажарини муллоти давомида сиёсий партияга аъзоликни ёки унда иштирок этишни тўхтатиб туриши ёхуд бугунлай тўхтатиши шарт.

Қуйидагилар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар:  
сулъялар;

прокурорлар ва прокуратура терговчилари;

ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари;

ҳарбий хизматчилар;

хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Сиёсий партияларга аъзолик яққа тартибда қайл этилади.

### **5-модда. Сиёсий партиялар фаолиятининг кафолатлари**

Давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат ҳокимияти ва бонқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг сиёсий партиялар ички ишларига арааланишлари ёхуд, агар фаолият қонунга ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга оширилайётган бўлса, улар фаолиятига у ёки бу тарзда тўсқинлик қилишлари ман этилади.

Сиёсий партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига арааланишга йўл қўйилмайди.

Сиёсий партиялар ташкилотларининг тадбирлари асосан улар аъзоларининг ишдан ташқари вақтида ва ана шу партиялар маблагги ҳисобидан амалга оширилади. Хусусий иш берувчиларнинг ўз ходимларидан улар меҳнат вазифаларини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши ман этилади.

Сиёсий партиялар ашпарати ходимларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги, ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта ҳақидаги қонун ҳужжатлари татбиқ этилади.

### **6-модда. Сиёсий партияни тузиш**

Сиёсий партияни тузиш учун камида саккизга ҳудудий субъектда (вилоятда), шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшайётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида йигирма минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади.

Сиёсий партия тузиш ташаббускорлари камида эллик кишидан иборат бўлиши, улар партия таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, аъзолар таркибини шакллантириш ҳамда таъсис съезди ёки конференциясини чақиритиш бўйича ташкилий қўмитани тузишлари лозим.

Ташкилий қўмита ўзи тузи пан кундан бошлаб етти кунлик муддатдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ўз ташаббуси, қўмитанинг таркиби, раҳбари (етакчиси), жойлашган манзили ҳамда таъсис съезди ёки конференцияси чақириладиган санани ёзма равишда хабар қилиши лозим.

Ташкилий қўмита тузи пан кундан бошлаб узойи билан уч ой фаолият кўрсатиши ҳуқуқига эгалдир.

Сиёсий партия таъсис съездида ёки конференциясида тузилади.

Таъсис съезди ёки конференцияси партия устави ва дастурини қабул қилади, унинг сайлаб қўйиладиган органларини тузилади.

#### **7-модда. Сиёсий партиянинг устави**

Сиёсий партиянинг уставида қўйиладиган кўрсатилиши лозим:

партиянинг номи, мақсади ва вазифалари;

партиянинг тузилиши;

партия аъзоллигига қабул қилиш ва ундан чиқин шартлари ва тартиби;

партия аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

партия ва унинг ташкилотлари раҳбар органларининг ваколатлари ҳамда уларни тузиш (чақириш) тартиби, уларнинг ваколат муддатлари;

партия раҳбар органларининг фаолиятини назорат қилиш тартиби;

партия ва унинг ташкилотлари маблағларини шакллантириш ҳамда

бонққа мол-мулкни сотиб олиш манбалари;

партия раҳбар органи жойлашган манзил;

партия устави ва дастурини қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;

партия фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тўхтатиш тартиби.

Уставида партия фаолиятига бид бонққа қоилалар ҳам назарда тутилши мумкин.

#### **8-модда. Сиёсий партиялар рўйхатга олиш**

Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш учун устав қабул қилинган кундан эъгиборан бир ой муддат ичида қўйиладиган тақдим этилади:

партия раҳбар органининг камида уч аъзоси имзолаган ариза;

устав;

дастур;

таъсис съезди ёки конференциясининг баёни;

давлат божи қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати;

ушбу Қонун талаблари бажаришнинг тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан, мазкур партияда бирлаштиш истиғини бидирган йигирма миш нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ўзлари имзо қўйган

руйхати, сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, турар жойи ва иш жойи, телефон рақами), раҳбар орган аъзоларига ваколатлар, шу жумладан руйхатдан ўтказиш жараёнида ёхуд мунозаралар келиб чиққан тақдирда сулда партия помидан ишгирик этиш ҳуқуқи берилганлиги тўғрисидаги партия олиий органининг қарори.

Сиёсий партияни руйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза у тушган кундан бончаб бир ой мудат ичида кўриб чиқилали. Кўриб чиқилш натижа тариа бипоан сиёсий партияни руйхатта олиш ёки руйхатта олишши рал этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қарор қабул қилинпач, узоғи билан уч кун мудат ичида у сиёсий партия раҳбар органига берилали ёки почта орқали жўнатилали.

Сиёсий партия руйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади ва у ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Сиёсий партиялар уставларига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар уларнинг уставларини руйхатта олиш учун ушбу модалда назарда тутилган тартибда ва мудатларда руйхатдан ўтказилиши лозим.

Сиёсий партия руйхатта олишганлиги тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

#### **9-молда. Сиёсий партияни руйхатта олишши рал этиш**

Алар сиёсий партиянинг устави, мақсадлари, вазифалари ва фаолият услуби Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига зил бўлса ёки олишпирок худди шундай номдаги сиёсий партия ёки жамоатчилик ҳаракати руйхатта олишган бўлса, бу партия руйхатта олишмайди.

Сиёсий партияни руйхатта олиш рал этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Алгия вазирлиги тақдим этилган ҳужжатлар қонун ҳужжатларининг қайси қоидаларига зил эканлигини кўрсатган ҳолда бу хусусла партия раҳбар органининг ваколатли аъзосига ёзма тарзда хабар қилади. Ушбу сиёсий партия раҳбар органининг ваколатли аъзолари руйхатта олиш рал этилганлиги тўғрисида хабарнома олишган кундан эътиборан бир ой ичида ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонун ҳужжатларига бутунлай мувофиқ ҳолга келтирган тақдирдагина партияни руйхатта олиш тўғрисидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Алгия вазирлигига такрор мурожаат этишга ҳақлишлар.

Сиёсий партияни руйхатта олишши рал этиш устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

#### **10-молда. Сиёсий партиянинг фаолиятини тўхтатиб туриш**

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, ушбу Қонунни, бошқа қонун ҳужжатларини ёки ўз уставини бузган тақдирда

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларининг ёки уставнинг қайси нормалари бузилганлигини кўрсатган ҳолда бу ҳусула партия раҳбар органларига ёзма тарзда хабар қилади ва бундай бузишларни bartараф этиш учун муддат белгилайди. Агар бузишлар белгиланган муддат давомида bartараф этилмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди сиёсий партиянинг фаолиятини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриши мумкин.

Сиёсий партиянинг фаолияти тўхтатиб турилган тақдирда, шу муддат давомида партиянинг ҳар қандай оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориши, сайловларда иштирок этиши ман қилинади.

### **11-модда. Сиёсий партиянинг фаолиятини тугатиш**

Сиёсий партиянинг фаолияти қуйидаги тарзда тугатилади:

партиянинг ўз уставига мувофиқ тарқалиб кетиши орқали, бу ҳақда партия олий органи уч кунлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хабар қилади;

партия ушбу Қонун 3-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган хатти-ҳаракатларни содир этган ҳолларда ёки ўз фаолияти тўхтатиб қўиш панидан сўнг бир йил муддат ичида ўша хатти-ҳаракатларни такрор содир этган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия фаолияти тугатиш панилиги тўғрисидаги расмий хабари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб сиёсий партиянинг фаолияти тугайди.

### **12-модда. Сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари**

Сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз кўялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш;

сайлаб қўиладиган давлат органлариданги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;

қонунда белгилаб қўиладиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентги, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;

партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа талбирларни ўтказиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифок (блок) тузиш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш.

Сиёсий партиялар ушбу Қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

### **13-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқчилик билан ўтказиш учун, сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида тузилади. Фракциялар фракциянинг раҳбари берган тегишли ариза ва таъсис ҳужжатларига асосан Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибини тузишда илгирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тўғрисидаги ташаббус билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилиш;

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибидagi ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига кафолатланган сўз берилиши;

тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикерига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, вазирларга, шунингдек, бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўров билан мурожаат этиш;

Қонунчилик палатасининг Спикер ўринбосарлигига қўмиталари ва комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш;

Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилинаётган масала бўйича фракция фикрини депутатлар орасида тарқатиш;

Қонунчилик палатаси депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Сиёсий партия фракциясининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Кенгаши таркибига киради.

Фракцияларнинг фаолиятига таъкидий, техникавий жиҳатдан ва бошқа хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг девони томонидан таъминланади.

### **13<sup>1</sup>-модда. Парламентдаги кўнчилик ва парламентдаги муҳолифат. Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирилиши**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўнчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўнчилиكنи ташкил этади.

Ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мостлигидан келиб чиққан ҳолда блок тузадиган бир нечта сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўнчилиكنи ташкил этиши мумкин.

Янгидан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкин.

Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирилишини қонулда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонулда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг яъни мажлиси баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўнчилик томонидан камситилиши мумкин эмас.

**14-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳлари**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳлари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатлар таъсис йиғилишларида ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тузилади. Партия гуруҳлари партия гуруҳининг раҳбари берган ариза ёки таъсис ҳужжатларига асосан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан рўйхатга олинади.

Партия гуруҳлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

сессия кун тартибини тузишда иштирок этиш;

сессия кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда гуруҳ вакилига кафолатланган сўз берилиши;

тегишли равишда Жўқорғи Кенгесининг Раисига ва Вазирлар Кенгашига, Қорақалпоғистон Республикасининг вазирларига ва бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек тегишли халқ депутатлари Кенгани ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўровлар билан муурожаат этиши;

тегишли вакиллик органи кўмиталари ёки комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиши;

тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки халқ депутатлари Кенганининг сессиясида муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиши;

вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси;

давлат ҳокимияти тегишли вакиллик органларининг депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириши.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳларининг фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатиш шу органнинг тегишли тармоқ бўлиmlари томонидап таъминланади.

### **15-модда. Сиёсий партиялар мулки**

Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, наприётлар, транспорт воситалари, шунингдек, уставда назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бошқа моли-мулк сиёсий партияларнинг мулки бўлиши мумкин.

Сиёсий партияларни молиялаштириш «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Сиёсий партиялар фақат уставда назарда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талбиркорлик фаолиятини амалга оширади. Сиёсий партиянинг талбиркорлик фаолияти натижалари унинг молиявий ҳисоботида акс эттирилиши керак.

Сиёсий партияларнинг талбиркорлик фаолиятидан олин дароматлари партия аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва улардан фақат уставда назарда тутилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилади.

Сиёсий партиялар ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон қилиб борали ва ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик

палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

Сийсий партияларнинг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

**17-модда. Сийсий партиялар фаолиятининг қонун ҳужжатларига ва ўз уставларига мувофиқлигини назорат қилиш**

Сийсий партияларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонун ҳужжатларига ва ўз уставларига мувофиқлигини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги назорат қилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. Каримов**

Тошкент шаҳри,  
1996 йил 26 декабрь,  
337-1-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING**  
**ҚОНУНИ**  
**30.04.2004 й.**  
**№ 617—II**

**СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади сиёсий партияларни молиялангириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Сиёсий партияларни молиялангириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Сиёсий партияларни молиялангириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан иборатдир.

**3-модда. Сиёсий партияларни молиялангириш манбалари**

Сиёсий партияларни молиялангириш манбалари қуйидагилардан иборат:

кириш ва аъзолик бадаллари, агар сиёсий партиянинг уставига бундай бадаллар тулаш назарда тутилган бўлса;

қонун ҳужжатларига мувофиқ талбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ушбу Қонунга мувофиқ ажратилган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқаролари томонидан ушбу Қонунга мувофиқ бериладиган хайрия ёрдами.

**4-модда. Сиёсий партияларни молиялангиришнинг асосий принциплари**

Қонунийлик, очиқлик, ошкоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги сиёсий партияларни молиялангиришнинг асосий принциплари дир.

**5-модда. Сиёсий партияларни молиялангириш тўғрисидаги маълумотларнинг барча учун очиқлиги**

Сиёсий партияларни молиялангириш тўғрисидаги маълумотларнинг мазкур партиялар аъзолари ва жамоатчилик учун очиқлиги сиёсий партияларнинг ўзи томонидан таъминланади.

Сиёсий партиялар ўз фаолиятининг молиялангириш тили ҳажми ва манбалари ҳақида ахборот эълон қилиб туриши керак.

**6-модда. Сиёсий партияларнинг молиявий ва бошқа маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланиши**

Сиёсий партиялар молиявий ва бошқа маблағлардан қонунида ҳамда уставларида назарда тутилган мақсадларда фойдаланади. Бу маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

Сиёсий партияларнинг мол-мулки ва пул маблағлари сиёсий партия аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

Сиёсий партияларга, уларнинг муассасалари ва ташкилотларига банк муассасаларида биттадан ортиқ ҳисоб-китоб varaғига, шунингдек чет эл банкларида ҳисобварақларга эга бўлиш тақиқланади.

## **II. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАНТИРИШ**

**7-модда. Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялангириш**

Сиёсий партия, агар у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига (будан буён маъна Қонунчилик палатаси деб юритилди) сайлов якунлари бўйича «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунига мувофиқ Қонунчилик палатасида сиёсий партия фракциясини тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини ошган бўлса, ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялангириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялангириш учун ажратилган давлат маблағларининг йиллик ҳажми шу маблағларни ажратиш мўжзага нисбатан йилдан олдинги йилиги 1 январидати ҳолатта кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг икки фоизини Қонунчилик палатасига ўтказилган охири сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар сонига кўлайтмаси миқдорига шакллантирилади.

Ушбу модданиннг иккинчи қисмида курсатилган давлат маблағларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик палатасига охири сайловнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан аниқланган натижалари асосида бу маблағларни олиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар ўртасида уларнинг Қонунчилик палатасида ошган депутатлик ўринлари миқдорига мутаносиб равишда тақсимлайди.

**8-модда. Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини давлат томонидан молиялангириш**

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини молиялангириш белгиланган тартибда фақат ана шу мақсадлар учун аж-

рагиладиган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Сиёсий партияларни сайловда бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ва моддий жиҳатдан ўзгача тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига сайловда илтирок этилиши молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир депутатликка номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасига сайловда илтирок этилиши молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағлари шу партиядан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингандан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига белгилашган тартибда ўтказилади.

Қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг илтирок этилиши молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан:

сайловда кўргазмати тапвиқот воситаларини напир қилишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини тапшил этишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини тапшил этишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловда тапвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар иштини тапшил этишга;

сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий талбирларга сарфланиши керак.

Агар Қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича сиёсий партия фракция тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини ололмаган бўлса, сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасига сайловда илтирок этилиши молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари мазкур партиянинг бошқа манбалардан олган маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилиши керак.

**9-модда. Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш**

Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини тапшиллий, техникавий жиҳатдан ва бошқа тарзда таъминлаш учун ажратиладиган давлат маблағлари Қонунчилик палатасининг харажатлар сметасида назарда тутилади.

**10-модда. Давлат томонидан молиялаштириш манбаи ва уни ажратиш тартиби**

Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш манбаи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағларидир.

Сиёсий партияларни молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағлари сиёсий партияларнинг ҳисоб-китоб варақларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Молия йили учун ажратилган, лекин шу йил мобайнида сиёсий партия томонидан фойдаланилмаган давлат маблағлари молия йили тугагандан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилиши керак.

Сиёсий партия давлат маблағларини олишдан воз кечишга ҳақли.

**11-молда. Сиёсий партияни давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш**

Сиёсий партияни давлат томонидан молиялаштириш партия фаолияти тўхтатиб турилган ёки тугатилган тақдирда тўхтатиб турилади ёхуд тугатилади.

Сиёсий партия устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш учун қўйиладиган ҳам асос бўлиши мумкин:

қопун ҳужжатларида белгиланган тартибда сиёсий партиянинг қайта ташкил этилганлиги (боняқа сиёсий партияларга қўшиб юборилш ва қўшиб олиш билан мустасно);

ушбу Қонуннинг 16 ва 17-моддаларида назарда тутилган талабларнинг сиёсий партия томонидан бажарилмаганлиги;

сиёсий партия давлат маблағларидан белгиланмаган мақсадда фойдаланганлиги, шу жумладан уставда назарда тутилган фаолияти учун ажратилган маблағлардан сарфловда илтироқ этишни молиялаштириш учун фойдаланганлиги.

Сиёсий партия устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган асосларга биноан Ўзбекистон Республикаси Администрация томонидан қабул қилинади. Давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор устидан сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиши мумкин.

Сиёсий партия қўшиб юборилш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганда сиёсий партиянинг ҳуқуқий вояси давлат томонидан молиялаштирилиш ҳуқуқига эга бўлади.

### **III. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ХАЙРИЯ ЁРДАМИ**

**12-молда. Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқароларидан хайрия ёрдами олинш ҳуқуқи**

Сиёсий партия хайрия ёрдамини фақат Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари (чет эл инвестициялари илтирокидаги корхоналар билан мустасно) ва фуқароларидан пул шаклида ҳамда мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида ва фақат уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқаролари томонидан хайрия ёрдами бериш ихтиёрий равишда ва уларнинг фақат ўз маблағларидан амалга оширилади, ушбу Қонун 15-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган манбалардан олинadиган маблағлар булдан мустафо.

Ушбу Қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган чеклашлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет эл инвестициялари ингирокидаги корхоналарнинг ҳолимлари сифатида оладиган иш ҳақига таъбиқ этилмайди.

Сиёсий партия хайрия ёрдамини қабул қилишни рад этишга ҳақли.

**13-модда. Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан берилadиган хайрия ёрдами**

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг бир юридик шахслан бир йил мобайнида олган хайрия ёрдами суммаси хайрия ёрдами берилган йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси сиёсий партияга пул маблағлари шаклидаги хайрия ёрдамини берилдида уни сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига юридик шахслар учун шад пулсиз ҳисоб-китоблар қойиларидида назарда тутилган реквизишларни кўрсатган ҳолда ўтказали ва тўлов топшириқномасида ушбу Қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган хайрия ёрдами берилдида чеклашлар йўқлиги ҳақиди белги қуяди.

Хайрия ёрдами, агар у ушбу модданиннг биринчи қисмида кўрсатилган суммалан ортиқроқ бўлса, олтишан кундан эътиборан бир ой ичида сиёсий партия хайрия ёрдами берувчига уни қайтариши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказилиши лозим.

**14-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан берилadиган хайрия ёрдами**

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг бир фуқаросидан бир йил мобайнида олган хайрия ёрдами суммаси хайрия ёрдами берилган йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг беш юз бараваридан ошмаслиги лозим. Ушбу чеклаш сиёсий партия аъзолари партия уставига асосан тўлайдиган аъолик бадалларига таъбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси сиёсий партияга пул маблағлари шаклидаги хайрия ёрдамини берилдида уни сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига шахсан, паспорти ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни тақдим этган ҳолда тўлов топшириқномасида ёхуд пул жўнатмасида фамилияси, исми, отасининг исми ва паспортига оид маълумотларни кўрсатган ҳолда ўз маблағларидан ўтказали.

Хайрия ёрдами, агар у ушбу модданиннг биринчи қисмида кўрсатилган суммалан ортиқроқ бўлса, олтишан кундан эътиборан бир ой ичида сиёсий партия хайрия ёрдами берувчига уни қайтариши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказилиши лозим.

#### **15-модда. Сиёсий партияларга хайрия ёрдами беришдаги чекланшлар**

Сиёсий партияларга пул маблағлари шаклидаги, мол-мулк берилш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тариқасидаги (шу жумладан грантлар ажратиш, техник ёрдам кўрсатиш, сафарлар билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ўтказиладиган тренинглар, семинарлар, конференциялар билан боғлиқ харажатларга ҳақ тўлаш орқали) хайрия ёрдами қуйидагилар томонидан берилишига йўл қўйилмайди:

чет давлатлар;

чет давлатларнинг юридик шахслари, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари;

халқаро ташкилотлар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари;

чет эл инвестициялари ингиброкидаги корхоналар;

чет эл фуқаролари;

фуқароларлиги бўлмаган шахслар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлар ва номи яширилган ёки фақат таҳаллуси кўрсатишган шахслар томонидан сиёсий партияларга пул маблағлари шаклида, мол-мулк берилш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида хайрия ёрдами берилишига ҳам йўл қўйилмайди.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатишган хайрия ёрдами олинган қулдан эъгиборан бир ой ичида хайрия ёрдами берувчига қайтарилиши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадида ўтказилиши лозим.

#### **IV. МОЛИЯВИЙ ВА БОШҚА МАБЛАҒЛАРНИНГ КЕЛИБ ТУШИШИ ҲАМДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ УЛАРДАН БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДДА ФОЙДАЛАНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ**

#### **16-модда. Сиёсий партияларнинг молиявий ҳисобдорлиги**

Сиёсий партиялар қонун ҳужжатларида белгиланган тарғибда ва муддатларида молиявий ҳамда бухгалтерия ҳисобдорлигини амалга оширади.

Сиёсий партия ҳар йили қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларида ҳамда тарғибда молия органларига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига ҳисобот дарида олинган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

Сиёсий партиянинг молиявий ҳисоботида сиёсий партиянинг ҳисобкитоб varaгига ҳисобот дарида келиб тушган маблағларнинг маълумлари ва миқдорлари тўғрисидаги, шу маблағларнинг сарфланиши ҳақидаги, сиёсий партиянинг қиймати ҳам кўрсатишган мол-мулки тўғрисидаги, шунингдек, мазкур партиянинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва фуқароларидан хайрия ёрдами пул маблағларидан бошқа шаклда олинган тақдирда, сиёсий партия ушбу Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ пул ифодасида баҳолайди ва тегишли маълумотларни, шу жумладан хайрия ёрдами берувчи ҳақидаги маълумотларни сиёсий партиянинг молиявий ҳисоботида киритади.

Сиёсий партиянинг молиявий ҳисоботида давлат маблағларининг келиб тушини ва сарфлашни алоҳида қиемда назарда тутилади. Бушбу сиёсий партия томонидан Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун сарфланган маблағлар алоҳида ҳисобга олинади.

#### **17-модда. Сиёсий партияларнинг молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботлари**

Сиёсий партиялар ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини тўзон қилади ва ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

Сиёсий партиянинг ҳисоботида унинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини ва уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ҳисобот йилида партиянинг ҳисоб-китоб варағига келиб тушган ҳамда сарфланган давлат маблағлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ҳисоб палатаси ва Ақция вазирлигининг ҳулосаси илова қилинади.

Сиёсий партиянинг молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботи оммавий ахборот воситалари ва манфаатдор таъкилотларнинг вакиллари тақлиф этилган ҳолда кўриб чиқилади.

#### **18-модда. Молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушини ҳамда сиёсий партиялар томонидан сарфлашини устидан назорат**

Молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушини ҳамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган мақсадда фойдаланиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси амалга оширади.

Молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушинини ҳамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган мақсадда фойдаланишини текшириш Қонунчилик палатаси депутатлари умумий соннинг камида ундан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳининг мурожаатида биноан Қонунчилик палатаси томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

### **V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

**19-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш масалалари юзасидан давлат органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатеизлиги) устидан шикоят қилиш**

Сиёсий партия ўз фаолиятининг молиялаштирилиши масалалари юзасидан тегишли давлат органларининг қарорлари ва улар мансабдор

шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиши мумкин.

**20-модда. Низоларни ҳал қилиш**

Сиёсий партияларни молиялаштириш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**21-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. Каримов**

Тошкент шаҳри,  
2004 йил 30 апрель,  
617—II-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**  
16.03.2005 й.  
№ 86

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ УСТАВДА  
НАЗАРДА ТУТИЛГАН ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ  
ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ  
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили давлат бюджети параметрларида сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун маблағларни назарда тутсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш.Мирзиёев**

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2005 йил,  
10–11-сон, 75-модда.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами», 2005 й.,  
№ 3, 16-модда.

Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган  
фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ

1. Мазкур Низом «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ сиёсий партиялар, агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига (кейинги уринларда Қонунчилик палатаси деб юритилади) сайловлар якунлари бўйича тегишли сиёсий партиядан Қонунчилик палатаси фракциясини ташкил этиш учун зарур бўлган камидан туққиз депутат сайланган бўлса, узининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

3. Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг ҳар йили миқдори ушбу маблағлар ажратилган йилдан олдинги йилнинг биринчи январига белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг икки фоизини Қонунчилик палатасига сўнгги сайловларда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар сонига кўпайтириш ҳисобига шакллантирилади.

4. Сиёсий партиялар янги чақириқ Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб ўзларининг уставда назарда тутилган фаолиятга давлат томонидан молиялаштирилиши ҳуқуқини олади.

Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш янги чақириқ Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўхтатилади.

5. Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан:

сиёсий партиялар аъзоларининг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкил этишга;

аҳоли билан учрашувлар (давра суҳбатлари, йиғилишлар, мигинлар ва қонунда белгиланган тартибда ўтказиладиган бошқа учрашувлар) ўтказишга;

сиёсий партиянинг матбуот органига ёрдам кўрсатишга;  
кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш ва тарқатишга;  
партия фаолларини ўқитишга, улар билан семинарлар, тренинслар  
ўтказишга;

партиянинг конференциялари, съездаларини ўтказиш;  
сиёсий партиянинг ижро этувчи апарати таъминоти учун жорий  
харажатларга;

партиянинг мол-мулкани сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ  
коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатларини тўлашга сарфланади.

Кўрсатиб ўтилган маблағлар партиянинг уставда ва белгиланган  
тарибда тасдиқланган харажатлар сметасида назарда тутилган вазифаларни  
амалга ошириш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун ҳам сарфланади.

Уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат  
маблағларини оладиган сиёсий партиялар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлигига:

янги чақириқ Қонулчилик палатаси фаолиятининг биринчи йилида —  
сиёсий партия мазкур ойдан бошлаб давлат томонидан молиялаштириш  
ҳуқуқини оладиган ой бошланушгача;

кейинги йилларда — навбатдаги молия йилидан олинган йилнинг  
ўнинчи декабригача тасдиқланган харажатлар сметасини, шунингдек,  
банклар томонидан тасдиқланган ўз ҳисоб рақамларини тақдим этишлар.

6. Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлисида сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддасига мувофиқ унга  
сайлов округлари бўйича сайловларнинг натижалари тўғрисида округ сайлов  
комиссияларининг барча протоколлари тақдим этилган вақддан бошлаб уч  
кун муддатда ҳар бир сайлов округи бўйича, Марказий сайлов комис-  
сиясининг раиси ва котиби томонидан имзоланган протоколда кўрсатган  
ҳолда сайловчиларнинг умумий сонини аниқтайди. Кўрсатиб ўтилган  
протоколнинг бир нусхаси Марказий сайлов комиссиясига қолади, қолган  
икки нусхаси имзолангандан кейинги ўн кун мобайлида Ўзбекистон  
Республикаси Адлия вазирлигига ва Молия вазирлигига берилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Қонулчилик  
палатаси депутатлари рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун муддатда  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига фамилияси, исми ва  
отасининг исмини кўрсатган ҳолда ҳар бир сиёсий партиядан сайланган  
Қонулчилик палатаси депутатларининг сони тўғрисидаги маълумотларни  
тақдим этади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий сайлов  
комиссиясининг маълумотлари асосида давлат бюджети параметрларида  
сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялашти-  
риш учун маблағларни назарда тутади ва «Бюджет тизими тўғрисида»ги  
Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган муддатларда ажра-  
тиладиган маблағлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни ҳар йили  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига маълум қилади.

9. Тегинли сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини ҳар йили молиялаштиришга мўъжалланган давлат маблағларининг йиллик суммаси ва уларни ойлар бўйича ажратиш жадвали Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида Марказий сайлов комиссияси ва Молия вазирлигининг маълумотлари тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Кейинги йилларда кўрсатиб ўтилган сумма ва уни ажратиш жадвали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тегинли йилга ажратиладиган маблағлар миқдори тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган кундан бошлаб ўн кундан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади. Адлия вазирлигининг давлат маблағлари суммасини аниқлаш ва уни ажратиш жадвали тўғрисидаги қарори қабул қилинган вақтдан бошлаб икки иш кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юборилади.

10. Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини ҳар йили молиялаштиришга мўъжалланган давлат маблағлари суммаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан улар ўртасида сиёсий партияларнинг ҳар бири томонидан Қонунчилик палатасида олишган депутатлар ўрни сонига мутаносиб тарзда тақсимланади. Ҳар бир сиёсий партиянинг уставда назарда тутилган фаолиятини ҳар йили молиялаштириш учун мўъжалланган давлат маблағлари суммаси кўйидаги формула бўйича аниқланади:

$S = (M/C) \times D_c$ , бунда:

S — муайян сиёсий партиянинг устав фаолиятини ҳар йили молиялаштириш учун мўъжалланган давлат маблағлари суммаси;

M\* — сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик миқдори;

C — уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағлари олиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар депутатларининг умумий сони;

D<sub>c</sub> — уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағлари олиш ҳуқуқига эга бўлган муайян партия депутатларининг сони.

11. Янги қақриқ Қонунчилик палатаси фаолиятининг биринчи йилида ҳар бир сиёсий партияга ойлар бўйича ажратиладиган маблағлар миқдори ушш мазкур Низомининг 10-бадида мувофиқ ажратилган давлат маблағлари миқдорини Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ўтказилган ойдан

\*) Янги қақриқ Қонунчилик палатаси фаолиятининг биринчи йилида ушбу сумма янги қақриқ Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ўтказилгунча олдинги сайловлар натижалари бўйича сиёсий партияларга ажратилган маблағлар суммасига қамайтирилади.

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2005 йил, 10-11-сон, 75-модда.

кейинги ойдан бошлаб қолган ойлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади (1-схема).

Янги чақириқ Қонунчилик палатаси фаолиятининг кейинги йилларида ойлар бўйича ажратиладиган маблағлар миқдори муайян сиёсий партиянинг уставда назарда тутилган фаолиятини ҳар йили молиялаштириш учун мўътабақланган давлат маблағлари суммасини жорий йилдаги ойларнинг тулиқ сонига бўлиш йўли билан аниқланади (2-схема).

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар ойда жорий ойнинг унингчи кунигача сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштиришга давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ўзининг ҳисоб рақамига тушган вақтдан бошлаб уч иш кунини мобайнида ушбу маблағларни ойлар бўйича ажратиш жадвалига мувофиқ тегишли сиёсий партияларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиши (1 ва 2-схемалар).

13. Қонунчилик палатаси аппарати фракция рўйхатдан ўтказилган ёки у тугатилган, шунингдек депутатлар фракцияга кирган ёки унинг таркибидан чиққан кундан бошлаб уч кун мобайнида бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини ёзма равишда хабардор қилади.

Марказий сайлов комиссияси такрорий сайловлар ўтказилгандан («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 46-моддаси) ва чиқиб кетган депутатларнинг ўрнига Қонунчилик палатасига депутатлар сайловлари («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 47-моддаси) ўтказилгандан кейин, шунингдек, депутатлик ваколатлари муддатиён олин тўхтатишдан (депутатнинг чақириб олиниши ва қонунда назарда тутилган бошқа асослар), депутатлар таркибида бошқа ўзгаришлар бўлган тақдирда уч кун мобайнида бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини ёзма равишда хабардор қилади.

14. Агар мазкур Низомнинг 13-бандида кўрсатишган маълумотлар йил давомида тақсимланган давлат маблағлари суммаси қайта кўриб чиқилишига олиб келган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қарорлари асосида уларни қайта тақсимланган амалга оширилади.

Муайян сиёсий партиянинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг қолган суммаси мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатишган формула бўйича аниқланади. Бунда «М» ҳарфи қолган ойларга ажратиладиган давлат маблағларининг умумий миқдорини ифода қилади. Бунда ойлар бўйича ажратиладиган маблағлар миқдори қолган суммани ушбу йилнинг қолган ойлари сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Агар маблағларни қайта тақсимлаш муайян сиёсий партияга ажратиладиган маблағлар миқдорини камайтириш ёки қўпайтириш заруриятига олиб келса — мазкур партияга кейинги даврларга ажратиладиган маблағлар миқдори депутатлар сони ўзгариши юз берган ойдан кейинги ойдан бошлаб қайта кўриб чиқилади;

Ўзгаришлар натижасида муайян сиёсий партия депутатларининг сони 9 депутатдан бўлиб қолса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўзгариш юз берган ойдан кейинги ойдан бошлаб мазкур партиянинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштиришни тўхтатади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг давлат маблағларини қайта тақсимлаш тўғрисидаги қарори у томонидан Қонунчилик палатаси аппарати ва Марказий сайлов комиссиясининг юз берган ўзгаришлар тўғрисидаги билдиришномасини олан кундан бошлаб беш кун мобайнида қабул қилинади (3-схема).

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қарори маблағлар камайтирилиши (қўпайтирилиши) миқдори кўрсатишган ҳолда қабул қилинган кундан бошлаб икки кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига етказилади.

15. Сиёсий партиялар томонидан ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун олинган ва унинг учун ажратилган молиявий йил мобайнида фойдаланилмаган давлат маблағлари молиявий йил тамом бўлгандан кейин бир ой мобайнида, кейинчалик давлат бюджетига қайтариш учун, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли ҳисоб рақамига ўтказилиши керак.

16. Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган маблағларнинг тушиши ва сиёсий партияларнинг ушбу маблағлардан мақсадли фойдаланиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси амалга оширади.

Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг тушишини ва сиёсий партиялар томонидан ушбу маблағлардан фойдаланилишини текшириш, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида ўндан бир қисмини ташкил этган депутатлар гуруҳининг мурожаати бўйича Қонунчилик палатаси томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Сиёсий партиялар фаолиятининг қонун ҳужжатларига ва улар уставларига мувофиқлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

17. Сиёсий партия ҳар йили қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ва Адлия вазирлигига ҳисобот даврида молиявий маблағлар ва бошқа маблағларнинг тушуми ва сарфланиши тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт. Давлат маблағларининг тушиши ва сарфланиши сиёсий партиянинг молиявий ҳисоботида алоҳида устула кўрсатилади.

**Қонунчилик палатаси фаолиятининг биринчи йилида  
сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган  
фаолиятини молиялаштиришнинг**

1-СХЕМАСИ



1. **Марказий сайлов комиссияси** сайлов округлари бўйича сайловлар натижалари тўғрисида округ сайлов комиссияларининг барча протоколлари тақдим этилган вақтдан бончаб 3 кун муддатда республика бўйича сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда умумий протокол тузади. Протокол имзолангандан кейин 10 кун муддат доирасида Адлия вазирлигига ва Молия вазирлигига юборилади.

2. **Марказий сайлов комиссияси** Қонунчилик палатаси депутатлари рўйхатдан ўтказилган кундан бончаб 10 кун муддатда Адлия вазирлигига ҳар бир сиёсий партиядан сайланган депутатлар сони тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

3. **Сиёсий партия** молиялаштиришнинг биринчи оғи бончаб таншуша қадар Адлия вазирлигига харажатлар сметасини ва банк томоғидан тасдиқланган ҳисоб рақамини тақдим этади.

4. **Молия вазирлиги** ажратиладиган маблағлар миқдорини Адлия вазирлигига маълум қилади.


5. **Адлия вазирлиги** 10 кун муддатда муайян сиёсий партияни илтиқ молиялаштириш миқдорини ва маблағларни оғлар бўйича ажратиш жалдвалини белгилайди. Қарор икки кун муддатда Молия вазирлигига юборилади.

6. **Молия вазирлиги** ҳар оғла 10-кунгача маблағларнинг Адлия вазирлиги ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлайди.

7. **Адлия вазирлиги** маблағлар Молия вазирлигидан тулпан кундан бончаб 3 кун муддатда сиёсий партиянинг ҳисоб рақамига тегишли суммани ўтказилади.

**Қонунчилик палатаси фаолиятининг кейинги йилларида  
сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган  
фаолиятини молиялаштиришнинг**

2-СХЕМАСИ



1. Сиёсий партия молиявий йилдан олдинги йилнинг 10 декабригача Адлия вазирлигига харажатлар сметасини ва банк томонидан тасдиқланган ҳисоб рақамини тақдим этади.

2. Молия вазирлиги ажратиётган маблағлар миқдорини ҳар йили Адлия вазирлигига маълум қилади.

3. Адлия вазирлиги 10 кун муддатда муайян сиёсий партияни йиллик молиялаштириш миқдорини ва маблағларни ойлар бўйича ажратиш жадвалини белгилайди. Қарор 2 кун муддатда Молия вазирлигига юборилади.

4. Молия вазирлиги ҳар ойда 10-кунгача маблағларнинг Адлия вазирлиги ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминтайди.

5. Адлия вазирлиги маблағлар Молия вазирлигидан тушган кундан бошлаб 3 кун муддатда сиёсий партиянинг ҳисоб рақамига тегишли суммани ўтказди.

**Қонунчилик палатаси депутатлари таркиби ўзгарган ҳолларда сиёсий  
партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини  
молиялаштиришни қайта кўриб чиқишнинг**

3-СХЕМАСИ



1. Қонунчилик палатаси аппарати фракциялар рўйхатдан ўтказилган ёки тугатишган, шунингдек, депутатлар фракцияга кирган ёки унинг таркибидан чиққан кундан бошлаб 3 кун муддатда бу ҳақда Адлия вазирлигига маълум қилади.

2. **Марказий сайлов комиссияси** такрорий сайловлар ўтказилгандан ҳамда чиқиб кетган депутатлар ўрнига Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўлиб ўтгандан кейин, шунингдек депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилганда Қонунчилик палатаси депутати рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 3 кун муддатда бу ҳақда Адлия вазирлигига маълум қилилади.

3. **Адлия вазирлиги** Қонунчилик палатасидан, Марказий сайлов комиссиясидан ахборот олинган кундан бошлаб 5 кун муддатда қолган маблағларни қайта тақсимлайди. Қарор 2 кун муддатда Молия вазирлигига юборилади.

4. **Молия вазирлиги** ҳар ойда 10-кунгача маблағларнинг Адлия вазирлиги ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлайди.

5. **Адлия вазирлиги** маблағлар Молия вазирлигидан тушган кундан бошлаб 3 кун муддатда сиёсий партиянинг ҳисоб рақамига тегишли суммани ўтказди.

## 2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ САЙЛОВЛАРДА ИШТИРОКИГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДАН КЎЧИРМАЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ (кўчирма)

**10-модда.** Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

**60-модда.** Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминлашни манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар.

**77-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат.

**117-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгалдирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишличча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йили — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқинбасида ўтказилади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгалдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайлашанидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Суд томонидаги муомалаларга таъқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлариши тўғрисида тўғри ёки битвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ давлат ҳокимияти вакилилик органининг депутати бўлиши мумкин эмас. Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2002 ЙИЛ  
12 ДЕКАБРДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ  
КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ  
(кўчирма)**

**2-модда. Қонунчилик палатаси**

Қонунчилик палатаси (қули палата) бир юз эллик депутатдан иборат. Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

**13-модда. Қонунчилик палатаси Спикери**

Қонунчилик палатаси Спикери ўз вазифасини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ҳамда сиёсий партия фракцияси ва депутатлар гуруҳи таркибига кириши мумкин эмас.

**15-модда. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари**

Қонунчилик палатасида тузилган фракция ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларида бирини эгаллашда кафолатли ҳуқуққа эга.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун фракция, қоида тариқасида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини киритади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Қонунчилик палатаси кўмиталаридан бирининг таркибига сайланиши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси Спикерининг топшириғида биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва Қонунчилик палатаси Спикери йўқлигида ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариб туради.

**17-модда. Қонунчилик палатаси кўмиталарини сайлаш**

Кўмига раиси, унинг ўринбосари ва кўмига аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партия ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда

сайловчиларнинг қанча овозини олганигини ишобатта олган ҳолда яхши (умумий) қарор билан белгиланади.

### **23-модда. Депутатлар бирлашмалари тўғрисида**

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалан мақсадда тузиладиган ва белгилашган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси таркибига сайланган депутатлар депутатлар туруҳларини тузишга ҳаққи.

Сиёсий партиядан кўрсатишган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1991 ЙИЛ 18 НОЯБРДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ (кўчирма)**

**5-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралик**

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф эътиҳлар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадиган, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳуеусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилдиладиган.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча талбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашини ҳуқуқига эътиҳлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

**6-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловиининг молиявий таъминоти**

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини сайлов ўтказиш учун ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

**14-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари**

Марказий сайлов комиссияси:

4<sup>1</sup>) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг тегишли ҳужжатларини қабул қилиб олади;

9) давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади.

**16-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг ваколатлари**

Округ сайлов комиссияси:

4) сиёсий партиялар вакилларининг, сайлов округи ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади.

**19-модда. Сайлов комиссияларининг ишени ташкил этиш**

Сайлов комиссияларининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари сайлов комиссияларига аъзо бўлиши мумкин эмас.

**20-модда. Сайлов комиссияларининг ўз ваколатларини амалга оширишларида қўмаклашиш**

Давлат ва жамоат идоралари, сиёсий партиялар идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларининг ўз ваколатларини амалга оширишларига қўмаклашишга, уларнинг иши учун зарур маълумот ва материалларни тақдим этишга мажбурдирлар.

Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат ва жамоат идораларига, сиёсий партияларнинг идораларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир, улар эса ўртага қўйилган масалани кўриб чиқиб, уч кунлик муддатдан кечиктирмай сайлов комиссиясига жавоб қайтаришга мажбурдирлар.

**24-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан қаида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

**24<sup>1</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишгирик этиш учун сиёсий партиялар тақдим этадиган ҳужжатлар**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишгирик этиш учун сиёсий партия сайловга камидан етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига қуйидагиларни тақдим этиши лозим: сайловда ишгирик этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза; Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилгач, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг ваколатли вакилига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотномани беради. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда ишгирик этишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилгани ҳамда сиёсий партиянинг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномасини ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкларини беради. Сайловда ишгирик этишчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш навбатида қараб марказий матбуотда эълон қилинади.

**24<sup>2</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олгинги беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан амалга оширилади.

Сиёсий партиянинг юқори органи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига биттадан номзод кўрсатиши мумкин.

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат ўз партияси аъзолари орасидан ёки партиясизни номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади.

Сиёсий партиянинг раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилияси, исми,

отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (манпулютининг тури), иш ва янаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатишган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари. Сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларининг умумий сони камида бени фоизининг, камида саккизга маъмурий-худудий тузилма намоянаси бўлган сайловчиларнинг имзосини қамраб ошган бўлиши керак. Маъмурий-худудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўлдириши мумкин.

Сиёсий партия ўзининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик туюқномаси берилганидан кейингина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўлдирган ҳақи. Бу санага қадар тўлганган имзолар ҳисобга олинмайди.

Сайловчилар фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақи. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёни ўн саккизда бўлса, кўшимча равишда туғилган куни ва ойини), янаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо қўйган санани кўрсатади.

Имзо варақасини имзо тўлганган шахс ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, янаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда, шунингдек, тегишли сиёсий партиянинг туман, шаҳар тузилмаси раҳбари тасдиқтайди.

Сайловчилар имзосини тўлдирган иш, хизмат, ўқини, янаш жойида, сайловчи талбирларида, шунингдек, тапвиқот юритиш ва имзо тўлдирган қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўлганган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига олдириб олишини ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо тўлдирган тамомланганидан сўнг сиёсий партиянинг ваколатли вакили Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини Марказий сайлов комиссиясига тоштиради.

Ҳужжаларни тақдим этган шахсга Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатишган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Имзо варақаларида имзолар сохталантирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиядан рўйхатга олинган учун ҳужжатлар қабул қилишни рад этади.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатта олинган учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Қонун талабларидан четга чиқиб қолганлиги тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг раҳбарларига ваколатли вакилига белгиланган тартибда маълум қилилади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатта олинган учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатта олинган муддати тугашига етти кун қолганида тўхтатади.

#### **25-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатта олинган**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатта олинганидан кейин беш кунлик муддат ичида Марказий сайлов комиссияси рўйхатта олинганлик тўғрисидаги хабарни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партиясизлик мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва яшаш жойини, шунингдек, уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни кўрсатган ҳолда эълон қилилади.

#### **26-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум этилиши. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодликдан воз кечиши**

Сиёсий партия у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан етти кун қолганида бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш муддати тугаганига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатта олинган тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатта олинган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод уни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатган сиёсий партия фаолиятини тугатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан ўз мақомидан маҳрум этилиши мумкин.

#### **28-модда. Сайловолди таъқиқоти**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тегили ҳуқуқ берилмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан йиғилишларда ҳамда сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тегили ҳуқуқ берилмайди. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказилмаган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 1994 ЙИЛ 5 МАЙДАГИ  
«ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА  
САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ  
(қуширма)**

**1-модда. Сайлов ўтказишнинг асосий принциплари**

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

**6-модда. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралик**

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз иштиридан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф эгаллар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, депутатликка номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов яқунларидан хабардор қиладилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда доир барча талбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқида эгалдилар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

**11-модда. Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг ваколатлари**  
Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси:

5) депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади;

10) сиёсий партиялар, маҳаллий давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари вакилларининг ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тишгайди;

**13-модда. Округ сайлов комиссиясининг ваколатлари**

Округ сайлов комиссияси:

7) сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

**16-модда. Сайлов комиссияларига аъзолик**

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас.

**17-модда. Сайлов комиссияларининг ишлари тапқил этиш ва уларнинг ваколат муддати**

Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори куйи сайлов комиссияларининг, шунингдек, тегишли маҳаллий давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбурийдир.

**17<sup>1</sup>-модда. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили**

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда илтифат этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли.

**18-модда. Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни қараб чиқиш**

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, депутатликка номзодлар, куятувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан юқори сайлов комиссиясига ёки судга қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида шикоят билан мурожаат этишлари мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим. Шикоят берган шахслар шикоят кўриб чиқилишида бевосита илтифат этиш ҳуқуқига эга.

**20-модда. Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи**

Халқ депутатлари вилоят Кенгашилари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгалдирлар.

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашилари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эгалдирлар.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камидан тўрт ой олдин қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

**21-модда. Сайловда илтифат этиш учун сиёсий партиялар тақдим этадиган ҳужжатлар**

Депутатликка номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партия сайловга камидан етмиш кун қолганида тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

сиёсий партиянинг тегишли вилоят, туман, шаҳар органи раҳбари имзолаган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза;

сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камидан тўрт ой олдин рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумотнома.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилишидан кейин тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси сиёсий партия вакилига ариза қабул қилинган кун қайд этилган маълумотнома беради. Сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш ёки бермаслик тўғрисида беш кун муддатда узил-кесил қарор қабул қилади. Сайловда илгирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиши навбатига қараб тегишли вилоят, туман, шаҳар матбуотида эълон қилинади.

**22-модда. Депутатликка сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан номзодлар кўрсатиш**

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг вилоят органлари томонидан кўрсатилади.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг тегишли туман, шаҳар органлари томонидан ҳамда фуқаролар йиғинларида (вакиллари йиғилишларида) кўрсатилади.

Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзи и ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ваколатлидир. Агар тегишли халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округи ҳудудида фуқароларнинг икки ва ундан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бўлса, депутатликка номзод фуқаролар вакилларининг йиғилишларида кўрсатилади. Йиғилишда илгирок этилган вакиллар нормасини тегишли туман, шаҳар сайлов комиссияси белгилайди.

Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилаётган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим.

Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясиэларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса шахсларни у ёки бу партияга мансублигидан қатъи назар, депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳақлидир. Депутатликка номзодлар кўрсатишнинг тўғрисида баённома тузилади.

**22<sup>2</sup>-модда. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар**

Сиёсий партия тегишли органининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг раҳбари депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сиёсий партия тегишли органининг, фуқаролар йиғилишининг (вакиллари йиғилишининг) депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия тегишли органи мажлисининг, фуқаролар йиғини (вакиллари йиғилиши) депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, тутилган санаси, касби, лавозими (маншулотининг тури), иш ва

янаш жойи, партияга мансублиги, шунингдек, сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади;

депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов округидан овозга кўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

унбу Қонун 23-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган шахсларнинг, башарти улар депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларида бундан тўғрисидаги аризалари.

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатиш билан маълумнома беради.

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг унбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси рўйхатга олинган учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва унбу Қонун талабларидан четга чиқиб қолганлиги тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбарларига белгиланган тартибда маълум қилади.

#### **24-модда. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш**

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати туганига етти кун қолганида тўхтатади.

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси депутатликка номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кун ичида депутатликка номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини (маншулотининг турини), иш ва турар жойини, шунингдек, уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини кўрсатган ҳолда рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни маҳаллий маъбуотда эълон қилади.

#### **25-модда. Сайловолди тапшиқоти**

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда белгиланади. Сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари ўтказиладиган жой ва вақт, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналар ажратилиши, уларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни тапшиқ

этишда, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатишлари шарт.

Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқини ҳуқуқи берилди.

**28-модда. Депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этиш. Депутатликка номзодликдан воз кечиш**

Сиёсий партия, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс тегишли вилоят, туман ёки шаҳар сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи депутатликка номзодлар кўрсатиш муддатги тугаювчида қалар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига яши номзодни рўйхатга олиш тўғрисидаги таклиф киритиши мумкин.

Сиёсий партия фаолиятининг тугатилаётгани депутатликка номзодли шу партиядан сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этади.

**32-модда. Сайлов бюллетени**

Сайлов бюллетенига депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда киритилиб, унинг туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи кўрсатилади.

**46-модда. Депутатлар сайловининг яқунларини эълон қилиш**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига ўтказилган сайлов яқунлари тўғрисидаги ахборотни ва сайланган депутатларнинг рўйхатини тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси алифбо тартибда депутатларнинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партиятга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини (машғулотининг турини), иш ва турар-жойини, сайлов округининг тартиб рақами ва номини кўрсатган ҳолда кўли билан ўн кун ичида матбуотда эълон қилинади.

**48-модда. Сайловнинг молиявий таъминоти**

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини ихтиёрий равишда сайлов ўтказиш учун беришлари мумкин. Бу маблағларни вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари сайлов кампаниясида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

**49-модда. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун жавобгарлик**

Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, сайлововли таъвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зуравонлик, алданч, таҳдид

қилиш ёки бошқа йўл билан тўсқинлик қилувчи шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин ногўғри санаб чиққан, яширин овоз бериш тартибини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилганга йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг қонунарига мувофиқ жавобгарликка тортилдилар. Депутатликка номзод тўғрисида сохта маълумотлар эълон қилган ёки уларни ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортилдилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 1994 ЙИЛ  
5 МАЙДАГИ «ФУҚАРОЛАР САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ  
КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ  
(кўчирма)**

**15-модда.** Сайловчилар сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва айрим номзодларнинг келпеси фаолият дастури билан танилиш ҳуқуқига эгадирлар.

**16-модда.** Сайлов ҳуқуқига эга, бирон бир сиёсий партиянинг аъзоси бўлмаган, депутатликка номзод ёки унинг ишончли вакили этиб кўрсатилмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайлов комиссияларининг аъзоси бўлишлари мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 1996 ЙИЛ  
26 ДЕКАБРДАГИ «СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР  
ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ  
(кўчирма)**

**10-модда.** Сиёсий партиянинг фаолиятини тўхтатиб туриш

Сиёсий партиянинг фаолияти тўхтатиб турилган тақдирда, шу муддат давомида партиянинг ҳар қандай оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши, тарғибот ва таъвиқот ишларини олиб бориши, сайловларда иштирок этиши ман қилинади.

**12-модда.** Сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари

Сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

сайлаб қўйилган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;

қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1998 ЙИЛ  
30 АПРЕЛДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ  
САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ  
(кўчирма)**

**4-модда. Марказий сайлов комиссиясига аъзолик**

Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бонқа сайлов комиссиясининг ёки сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

**5-модда. Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари**

Марказий сайлов комиссияси:

сиёсий партияларнинг кузатувчилари, матбуот, телевидение, радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчиларига мўлжалланган маънавий намунасини белгилайди;

тақдим этилган ҳужжатлар асосида сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишига ижозат бериш юзасидан қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади;

сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа подавлат ноτιжорат ташкилотлари вакилларининг сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади.

**6-модда. Марказий сайлов комиссияси Раисининг ваколатлари**

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси:

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида иштирок этиш учун давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирланмаларининг, ташкилотларнинг вакилларини ва бошқа мансабдор шахсларни тактиф этади;

**10-модда. Марказий сайлов комиссияси қарорларининг мажбурийлиги**

Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари ҳамда референдумни ўтказиш комиссиялари учун, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа подавлат ноτιжорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2003 ЙИЛ  
29 АВГУСТДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ҚОНУНИ  
(қўчирма)**

**1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказишнинг асосий принциплари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қўйи палата) беш йил муддатта сайланадиган бир юз элтик депутатдан иборат.

Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати ҳудудий бир маҳаллий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

**6-модда. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралик**  
Қонунчилик палатаси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очик ва ошкора ама-па оширади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча талбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашини ҳуқуқига эгалдирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

**11-модда. Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари**  
Марказий сайлов комиссияси:

б) депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг тегишли ҳужжатларини қабул қилиб олади;

11) сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда жамоат бирлашмалари вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади.

**13-модда. Округ сайлов комиссиясининг ваколатлари**  
Округ сайлов комиссияси:

11) сиёсий партиялар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда жамоат бирлашмалари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади.

### **16-модда. Сайлов комиссияларига аъзолик**

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари сиёсий партиянинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас.

### **17-модда. Сайлов комиссияларининг ишhini ташкил этиш ва уларнинг ваколат муддати**

Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қуйи сайлов комиссиялари, шунингдек барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларининг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбурийдир.

### **17<sup>1</sup>-модда. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили**

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳаққи.

### **18-модда. Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш**

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга олти кундан кам вақт қоқганда эса дарҳол кўриб чиқилиши керак. Шикоят берган шахслар шикоят кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

### **20-модда. Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи**

Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгаларлар.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камидан тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўлгаб-қувватловчи камидан қирқ минг сайловчининг имзосини тўллаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Белгиланган намунадаги имзо варақалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия қирқ минг

сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўлганши мумкин. Имзо варақаларида имзолар сохташширишдан тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашини ҳуқуқини рад этади.

**21-модда. Сайловда иштирок этиш учун сиёсий партиялар тақдим этадиган ҳужжатлар**

Депутатликка номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига қўйилган ҳужжатларни тақдим этиши керак:

партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашини тўғрисидаги ариза;

Ўзбекистон Республикаси Аглия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномаси;

имзо варақалари.

Ушбу молданинг биринчи қисмида кўрсатишган ҳужжатлар тақдим этишда, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партия вақилига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотнома беради. Марказий сайлов комиссияси тақдим этишган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашинига ижозат бериш тўғрисида узи-кесил қарор қабул қилади. Сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушини тартибига қараб марказий мабуотда эълон қилинади.

**22-модда. Депутатликка сиёсий партиялар томонидан номзодлар кўрсатиш**

Депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олгини беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугайди.

Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилади.

Сиёсий партиялар депутатликка бир юз ўттиз беш нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан битталап депутатликка номзод кўрсатишга ваколатлидир. Бир шахс фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партияларнинг ўзлари ҳал этадилар.

Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатишган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим.

Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясиҳларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир. Депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади.

**23-модда. Имзо варақалари тўғри тўлдирилганигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текшириш**

Сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилади.

Марказий сайлов комиссияси имзо varaқалари тўғри тўндирилганлигини текшириш учун ички ишлар органларининг, адлия органларининг, шунингдек аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассисларини жалб этиши мумкин. Уларнинг хулосалари Марказий сайлов комиссияси имзо varaқаларидаги имзоларни сохталантирилган деб топиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Имзо varaқалари тўғри тўндирилганлигини текшириш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо varaқаларининг тўғри тўндирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилиши жараёнида ишгирок этиш ҳуқуқига эга.

**24-модда. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар**

Сиёсий партиянинг раҳбари депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сиёсий партия юқори органининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия юқори органи мажлисининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (маншулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги, шунингдек сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади;

депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов округидан овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

депутатликка номзоднинг, башарти у Қонунчилик палатаси депутаты этиб сайлангудек бўлса, бажариб турган ишидан (хизматидан) бўлган тўғрисидаги аризаси.

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатиш билан маълумнома беради.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Қонун талабларидан четга чиқиб қолганлиги тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг раҳбарларига белгиланган тартибда маълум қилади.

**26-модда. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш**

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялардан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати туташига етти кун қолганида тўхтатади.

Ушбу Қонунга мувофиқ депутатликка номзод этиб кўрсатиш билан шахсга рўйхатга олиш билан тегишли маълумоти берилади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўтгиз беш кун қолганида тугатиланади.

Депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик муддат ичида тегишли округ сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни депутатликка номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва яшаш жойини, шунингдек, уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни кўрсатган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилади.

### **27-модда. Сайловолди тапшиқоти**

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда белгиланади. Сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари ўтказилган жой ва вақт, қоида тарихида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналар ажратилиши, уларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни таъкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатишлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувларнинг ўтказилган жойи ҳамда вақти ҳақида сайловчиларга олинган хабар қилинади.

Сиёсий партияларга ўзининг келуси фаолият дастури билан чиқин ҳуқуқи берилди.

### **31-модда. Депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этиш. Депутатликка номзодликдан воз кечин:**

Сиёсий партия у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганида бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугаганига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида тактиф киритиши мумкин.

Сиёсий партия фаолиятининг тугатирилгани депутатликка номзодни шу партиядан сайловда ишгирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этади.

### **35-модда. Сайлов бюллетени**

Сайлов бюллетенига депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда киритилиб, унинг туғилган йили.

эгаллаб турган лавозими (маншулотининг тури) ва уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия кўрсатилади.

**49-модда. Қонунчилик палатаси депутатлари сайловининг якунларини эълон қилиши**

Марказий сайлов комиссияси сайлов якунлари тўғрисидаги ахборотни ва Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг рўйхатини депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исмини, туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (маншулотининг тури), иш ва яшаш жойи, сайлов округининг тартиб рақами ва номини кўрсатган ҳолда ўн кундан кечиктирмай матбуотда эълон қилади.

**64-модда. Сайловнинг молиявий таъминоти**

Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар сайлов ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

**65-модда. Ушбу Қонунни бузганлик учун жавобгарлик**

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланш ва сайланиш, сайловда танвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўлган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари қонунига мувофиқ жавобгар бўладилар. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод ёки Сенат аъзолигига номзод тўғрисида сохта маълумотларни эълон қилган ёки ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2003 ЙИЛ  
29 АВГУСТДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ  
РЕГЛАМЕНТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ  
(кўчирма)**

**7-модда. Қонунчилик палатасининг қўмиталарини тузиш**

Қўмига раиси, унинг ўринбосари ва қўмига аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партияга ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олаётлигини илобатга оламан ҳолда яхлит (умумий) қарори билан белгиланади. Қўмига раиси, унинг ўринбосари ва қўмига аъзолари лавозимларига номзодлар кўрсатиш юзасидан

тактифларни депутатлар бирлашмаларининг раҳбарлари ўзаро келишган ҳолда киритадилар.

Қонунчилик палатаси қўмитасининг раиси, унинг уринбосари ва қўмита аъзолари палата мажлисида Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

#### **9-модда. Фракциялар ва депутатлар гуруҳлари**

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Сиёсий партиядан кўрсатишган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикери ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партиёга аъзоликни тўхтатиб туради ва фракция ёки депутатлар гуруҳи таркибига кириши мумкин эмас.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2004 ЙИЛ 30 АПРЕЛДАГИ «СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ (кўчирма)**

**7-модда. Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молияланггириш**

Сиёсий партия, агар у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунига мувофиқ Қонунчилик палатасида сиёсий партия фракциясини тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини олган бўлса, ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини молияланггириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молияланггириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик ҳажми шу маблағларни ажратиш мўлжалланаётган йилдан олдинги йилнинг 1 январдаги ҳолатта кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг икки фоизини Қонунчилик палатасига ўтказилган охириги сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар сонига кўпайтмаси миқдоридан шакллантирилади.

Ушбу модданинڭ иккинчи қисмида кўрсатишган давлат маблағларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик палатасига охириги сайловнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан аниқланган натижалари асосида бу маблағларни олиш

ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар ўртасида уларнинг Қонунчилик палатасида олган депутатлик ўринлари миқдорига мутаносиб равишда тақсимлайди.

**8-модда. Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органига сайловда ишгирик этишини давлат томонидан молиялаштириш**

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органига сайловда ишгирик этишини молиялаштириш белгиланган тартибда фақат ана шу мақсадлар учун ажратиладиган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Сиёсий партияларни сайловда бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ва моддий жиҳатдан ўзгача тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига сайловда ишгирик этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир депутатликка номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасига сайловда ишгирик этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағлари шу партиядан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатиш билан номзодлар рўйхатга олингандан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига белгиланган тартибда ўтказилади.

Қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг ишгирик этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан:

сайловда кўргазмалар таъқиқот воситаларини нафр қилишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини таъқиқот этишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини таъқиқот этишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловда таъқиқот этиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини таъқиқот этишга;

сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий талбирларга сарфланиши керак.

Агар Қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича сиёсий партия фракция тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини ололмаган бўлса, сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасига сайловда ишгирик этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари мазкур партиянинг бошқа маблағлардан олган маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилиши керак.

### **11-модда. Сиёсий партияни давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш**

Сиёсий партия устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш учун қўйидагилар ҳам асос бўлиши мумкин:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сиёсий партиянинг қайта танкиги этиштириши (бошқа сиёсий партияларга қўшиб юбориш ва қўшиб олиш билан мустасно);

ушбу Қонуннинг 16 ва 17-моддаларида назарда тутилган талабларнинг сиёсий партия томонидан бажарилмаганлиги;

сиёсий партия давлат маблағларидан белгиланмаган мақсадда фойдаланганлиги, шу жумладан уставда назарда тутилган фаолияти учун ажратилган маблағлардан сайёловда ишпирок этишни молиялаштириш учун фойдаланганлиги.

### **16-модда. Сиёсий партияларнинг молиявий ҳисобдорлиги**

Сиёсий партиянинг молиявий ҳисоботида давлат маблағларининг келиб тушини ва сарфланиши алоҳида қисмда назарда тутилди. Бунда сиёсий партия томонидан Қонунчилик палатасига сайёловда ишпирок этиш учун сарфланган маблағлар алоҳида ҳисобга олинади.

### **17-модда. Сиёсий партияларнинг молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботлари**

Сиёсий партиянинг ҳисоботида унинг Қонунчилик палатасига сайёловда ишпирок этишини ва уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ҳисобот йилида партиянинг ҳисоб-китоб варағига келиб тушган ҳамда сарфланган давлат маблағлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайёлов комиссияси, Ҳисоб палатаси ва Ақдия вазирлигининг ҳулюсаси илова қилинади.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2004 ЙИЛ 2 ДЕКАБРДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИНИНГ ВА СЕНАТИ АЪЗОСИНИНГ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ**

*(кўчирма)*

### **9-модда. Депутатнинг сайловчилар билан, сиёсий партия билан олиб борадиган ишлари**

Депутат ўз округи сайёловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб қўрсапан сиёсий партия билан алоқа боғлаб туради. Қонунчилик палатасида уларнинг манфаатларини ифода этади.

**V. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИГА ОИД ҚОНУН  
ХУЖЖАТЛАРИДА ҚУЛЛАНИЛГАН АТАМА ВА  
ТУШУНЧАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

| Тушунча ва атамаларнинг номланиши  | Тушунча ва атамаларнинг қисқача изоҳи  |
|--|--|
| I  | II   |
| <p align="center"><b>Жамоат бирлашмаси</b></p>   | <p>— маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси жамоат бирлашмаси деб эътироф этилади. Жамоат бирлашмаси қатнашчилари мазкур бирлашмага мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан, аъзолик бадалларига бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида қатнашаётган жамоат бирлашмасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашма эса ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.</p>   |
| <p align="center"><b>Жамоат бирлашмалари фаолиятини назорат қилиш ва кузатиб бориш</b></p> | <p>— молия идоралари жамоат бирлашмаларини маблағ билан таъминлаш ва улар даромадларининг манбаларини, улар олган маблағ миқдорини ва солиқлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ солиқ тўланишини назорат қилиб борадилар. Жамоат бирлашмаларининг қонунларни бажаришини прокуратура идоралари назорат қилиб борадилар. Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари жамоат бирлашмаси фаолиятининг мақсадларига тааллуқли устав қоидаларига риоя этилишини назорат қилади. Рўйхатга олувчи идора жамоат бирлашмасининг раҳбар органидан қабул қилинган қарорларни тақдим этишни талаб қилишга, жамоат бирлашмалари ўтказадиган талбирларда қатнашиш учун ўз вакилларини юборишга, жамоат бирлашмаси уставига риоя қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан жамоат бирлашмаси аъзоларидан ва бошқа фуқаролардан тушунтириш олишга ҳақлидир.</p> |

**Нодавлат  
нотижорат  
ташкilotи**

— жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкilotидир. Нодавлат нотижорат ташкilotи жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади. Нодавлат нотижорат ташкilotи юридик шахс бўлади. Нодавлат нотижорат ташкilotи, агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

Нодавлат нотижорат ташкilotлари жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкilotлари ўзларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, шунингдек, умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкilotи унинг муассислари (аъзолари) қарори асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади. Нодавлат нотижорат ташкilotларининг уюшмалари (иттифоқлари) камида иккита нодавлат нотижорат ташкilotи ташаббуси билан тузилиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкilotининг ташаббускорлари ёки муассислари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишни чақирдилар, унда устав қабул қилинади ҳамда раҳ-

|   |   |
|---|---|
|   | бар органлари тузилади. Нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади.   |
| <b>Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш кафолатлари</b>        | <p>– давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, уларни қўллаб-қувватлаш шакллари ва шартларини белгилайди. Юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини молиявий ёки бошқа жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари мумкин.</p> <p>Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин.</p>                |
| <b>Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари</b> | <p>– давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин. Давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига аралашishiга, худди шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашishiга йўл қўйилмайди.</p> |
| <b>Сиёсий партиянинг таъсис съезди (конференцияси)</b>                                | <p>– сиёсий партия таъсис съездида ёки конференциясида тузилади. Таъсис съезди ёки конференцияси партия устави ва дастурини қабул қилади, унинг сайлаб қўйиладиган органларини тузади.</p>  |
| <b>Сиёсий партия</b>  | <p>– Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва</p>  |

|   |  |
|---|--|
|   | <p>жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.</p> <p>— давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг сиёсий партиялар ички ишларига аралашилари ёхуд, агар фаолият қонунга ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга ошириладиган бўлса, улар фаолиятига у ёки бу тарзда тўсқинлик қилишлари ман этилади. Сиёсий партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди. Сиёсий партиялар ташкилотларининг тadbирлари асосан улар аъзоларининг ишдан ташқари вақтида ва ана шу партиялар маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Хусусий иш берувчиларнинг ўз ходимларидан улар меҳнат вазифаларини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши ман этилади. Сиёсий партиялар аппарати ходимларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги, ижтимоий таъминот ва ижтимоий сугурта ҳақидаги қонун ҳужжатлари татбиқ этилади.</p> |
| <p><b>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари</b></p> | <p>— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун, сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида тузилади. Фракциялар фракциянинг раҳбари берган тегишли ариза ва таъсис ҳужжатларига асосан Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан рўйхатга олинади.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия</p>  |

|  |   |
|--|---|
|  | <p>фракцияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:</p> <p>Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибини тузишда иштирок этиш;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тўғрисидаги ташаббус билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилиш;</p> <p>Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига кафолатланган сўз берилиши;</p> <p>тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикерига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, вазирларга, шунингдек, бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўров билан мурожаат этиш;</p> <p>Қонунчилик палатасининг Спикер уринбосарлигига, қўмиталари ва комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш;</p> <p>Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилинаётган масала бўйича фракция фикрини депутатлар орасида тарқатиш;</p> <p>Қонунчилик палатаси депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.</p> <p>Сиёсий партия фракциясининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Кенгаши таркибига кирди. Фракцияларнинг фаолиятига ташкилий, техникавий жиҳатдан ва бошқа хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг девони томонидан таъминланади.</p> |
| <p><b>Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат</b></p> | <p>– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳлари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатлар таъсис йиғилишларида ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тузи-</p>   |

**Ҳокимияти вакиллик органидаги партияс гуруҳлари**

лади. Партия гуруҳлари партияс гуруҳининг раҳбари берган ариза ёки таъсис ҳужжатларига асосан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органилари томонидан рўйхатга олинади. Партия гуруҳлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

сессия кун тартибини тузишда иштирок этиш;

сессия кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда гуруҳ вакилига қафолатланган сўз берилиши;

тегишли равишда Жўқорғи Кенгеснинг Раисига ва Вазирлар Кенгашига, Қорақалпоғистон Республикасининг вазирларига ва бошқа давлат органилари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким уринбосарларига, ҳокимликлар бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўровлар билан муурожаат этиш;

тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш;

тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинаётган масала бўйича партияс гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиш;

вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимида тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси;

давлат ҳокимияти тегишли вакиллик органиларининг депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи**

|   |  |
|---|--|
|   | <p>Кенгеси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳларининг фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатиш шу органнинг тегишли тармоқ бўлинмалари томонидан таъминланади.</p>  |
| <p><b>Сиёсий партияларни молиялаштириш манбалари</b></p>  | <p>– сиёсий партияларни молиялаштириш манбалари қуйидагилардан иборат: кириш ва аъзолик бадаллари, агар сиёсий партиянинг уставда бундай бадаллар тўлаш назарда тутилган бўлса; қонун ҳужжатларига мувофиқ тadbirkorлик фаолиятдан олинган даромадлар; Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ажратиладиган маблағлар; Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқаролари томонидан «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ бериладиган хайрия ёрдами.</p>   |
| <p><b>Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш</b></p> | <p>– сиёсий партия, агар у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов яқунлари бўйича «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунига мувофиқ Қонунчилик палатасида сиёсий партия фракциясини тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини олган бўлса, ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлади.</p> <p>Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик ҳажми шу маблағларни ажратиш мўлжалланаётган йилдан олдинги йилнинг I январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг икки фоизини Қонунчилик палатасига ўтказилган охириги сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар сонига кўпайтмаси миқдорида шакллантирилади.</p> |

|   |   |
|---|---|
|   | <p>«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган давлат маблағларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунилик палатасига охириги сайловнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан аниқланган натижалари асосида бу маблағларни олиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар ўртасида уларнинг Қонунчилик палатасида олган депутатлик ўринлари миқдорига мутаносиб равишда тақсимлайди.</p>  |
| <p><b>Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш манбаи ва уни ажратиш тартиби</b></p>                         | <p>— сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш манбаи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағларидир. Сиёсий партияларни молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағлари сиёсий партияларнинг ҳисоб-китоб варақларига белгиланган тартибда ўтказилади. Молия йили учун ажратилган, лекин шу йил мобайнида сиёсий партия томонидан фойдаланилмаган давлат маблағлари молия йили тугаганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилиши керак. Сиёсий партия давлат маблағларини олишдан воз кечишга ҳақли.</p>                                 |
| <p><b>Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқароларидан хайрия ёрдами олиш ҳуқуқи</b></p> | <p>— сиёсий партия хайрия ёрдами фақат Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар бундан мустасно) ва фуқароларидан пул шаклида ҳамда мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида ва фақат уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун олиш ҳуқуқига эга.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқаролари томонидан хайрия ёрдами бериш ихтиёрий равишда ва уларнинг фақат ўз маблағларидан амалга оширилади, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддаси биринчи ва иккинчи қисм-</p> |

|  |   |
|--|---|
|  | <p>ларида кўрсатилган манбалардан олина-диган маблағлар бундан мустасно.</p> <p>«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган чеклашлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ходимлари сифатида оладиган иш ҳақига татбиқ этилмайди. Сиёсий партия хайрия ёрдамини қабул қилишни рад этишга ҳақли.</p>   |
| <p><b>Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан сиёсий партияларга бериладиган хайрия ёрдами</b></p> | <p>– сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг бир юридик шахсидан бир йил мобайнида олган хайрия ёрдами суммаси хайрия ёрдами берилган йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан ошмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси сиёсий партияга пул маблағлари шаклидаги хайрия ёрдами беришда уни сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига юридик шахслар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қоидаларида назарда тутилган реқвизитларни кўрсатган ҳолда ўтказди ва тўлов топшириқномасида «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган хайрия ёрдами беришга чеклашлар йўқлиги ҳақида белги қўяди. Хайрия ёрдами, агар у «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси биринчи қисмида курсатилган суммадан ортиқроқ бўлса, олинган кундан эътиборан бир ой ичида сиёсий партия хайрия ёрдами берувчига уни қайтариши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказиши лозим.</p> |
| <p><b>Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан сиёсий партияларга</b></p>                                | <p>– сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг бир фуқаросидан бир йил мобайнида олган хайрия ёрдами суммаси хайрия ёрдами берилган йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг беш юз бараваридан ошмаслиги лозим. Ушбу чеклаш</p>   |

|   |  |
|---|--|
| <p><b>бериладиган хайрия ёрдами</b></p>   | <p>сиёсий партия аъзолари партия уставига асосан тўлайдиган аъзолик бадалларига татбиқ этилмайди. Ўзбекистон Республикасининг фуқароси сиёсий партияга пул маблағлари шаклидаги хайрия ёрдами беришда уни сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига шахсан, паспорти ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни тақдим этган ҳамда тўлов топшириқномасида ёхуд пул жўнатмасида фамилияси, исми, отасининг исми ва паспортига оид маълумотларни кўрсатган ҳолда ўз маблағларидан ўтказди. Хайрия ёрдами, агар у «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган суммадан ортиқроқ бўлса, олинган кундан эътиборан бир ой ичида сиёсий партия хайрия ёрдами берувчига уни қайтариши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказиши лозим.</p>   |
| <p><b>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари</b></p> | <p>– сиёсий партия фракцияси сиёсий партидан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ифода-лаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.</p> <p>Ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузадиган бир нечта сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.</p> <p>Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тўтган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ўзларини</p> |

|  |   |
|--|---|
|  | <p>мухолифат деб эълон қилиши мумкин. Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашиши қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.</p> <p>Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қўйидаги ҳуқуқларга эга: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси масъул кўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш; муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакиллари-нинг кафолатли иштирок этиши.</p> <p>Парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас. Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин.</p> |
| <p><b>Сиёсий партияларни рўйхатга олиш</b></p> | <p>– сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.</p> <p>Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш учун устав қабул қилинган кундан эътиборан бир ой муддат ичида қўйидагилар тақдим этилади: партия раҳбар органининг камида уч аъзоси имзолаган ариза; устав; дастур; таъсис съезди ёки конференциясининг баёни; давлат божи қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда туланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати; «Сиёсий партиялар туғрисида»ги Қонун талаблари бажа-</p>  |

|                                      |   |
|--------------------------------------|---|
|                                      | <p>рилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан мазкур партиясга бирлашиш истагини билдирган йигирма минг нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ўзлари имзо қўйган рўйхати, сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, тузаржойи ва иш жойи, телефон рақами), раҳбар орган аъзоларига ваколатлар, шу жумладан рўйхатдан ўтказиш жараёнида ёхуд мунозаралар келиб чиққан тақдирда судда партия номидан иштирок этиш ҳуқуқи берилганлиги тўғрисидаги партия олий органининг қарори.</p> <p>Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза у тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижаларига биноан сиёсий партияни рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қарор қабул қилинган, узоғи билан уч кун муддат ичида у сиёсий партия раҳбар органига берилади ёки почта орқали жўнатилади.</p> <p>Сиёсий партия рўйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади ва у ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин. Сиёсий партиялар уставларига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар уларнинг уставларини рўйхатга олиш учун ушбу моддада назарда тутилган тартибда ва муддатларда рўйхатдан ўтказилиши лозим.</p> <p>Сиёсий партия рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.</p> |
| <p><b>Сиёсий партиялар мулки</b></p> | <p>– бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, наشريётлар, транспорт воситалари, шунингдек, уставда назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бошқа мол-мулк сиёсий партияларнинг мулки бўлиши мумкин.</p> <p>Сиёсий партияларни молиялаштириш «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги</p>  |

|                                     |   |
|-------------------------------------|---|
|                                     | <p>Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.</p> <p>Сиёсий партиялар фақат уставда назарда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тadbиркорлик фаолиятини амалга оширади. Сиёсий партиянинг тadbиркорлик фаолияти натижалари унинг молиявий ҳисоботида акс эттирилиши керак.</p> <p>Сиёсий партияларнинг тadbиркорлик фаолиятдан олган даромадлари партия аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва улардан фақат уставда назарда тутилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилади.</p> <p>Сиёсий партиялар ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон қилиб боради ва ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади. Сиёсий партияларнинг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.</p> |
| <p><b>Сиёсий партияни тузиш</b></p> | <p>– бунинг учун камида саккизта ҳудудий субъектда (вилоятда), шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида йигирма минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади.</p> <p>Сиёсий партия тузиш ташаббускорлари камида эллик кишидан иборат бўлиши, улар партия таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, аъзолар таркибини шакллантириш ҳамда таъсис съезди ёки конференциясини чақириш бўйича ташкилий қўмитани тузишлари лозим.</p> <p>Ташкилий қўмита ўзи тузилган кундан бошлаб етти кунлик муддатдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ўз ташаббуси, қўмитанинг таркиби, раҳбари (етакчиси), жойлашган манзили ҳамда таъсис съезди</p>   |

|  |  |
|--|--|
|  | <p>ёки конференцияси чақириладиган санани ёзма равишда хабар қилиши лозим. Ташкилий қўмига тузилган кундан бошлаб узоғи билан уч ой фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эгадир.</p> <p>Сиёсий партия таъсис съездида ёки конференциясида тузилади. Таъсис съезди ёки конференцияси партия устави ва дастурини қабул қилади, унинг сайлаб қўйиладиган органларини тузади.</p>   |
| <p><b>Сиёсий партиянинг устави</b></p>   | <p>– уставда қўйидагилар кўрсатилиши лозим: партиянинг номи, мақсади ва вазифалари; партиянинг тузилиши; партия аъзоллигига қабул қилиш ва ундан чиқиш шартлари ва тартиби; партия аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; партия ва унинг ташкилотлари раҳбар органларининг ваколатлари ҳамда уларни тузиш (чақириш) тартиби, уларнинг ваколат муддатлари; партия раҳбар органларининг фаолиятини назорат қилиш тартиби; партия ва унинг ташкилотлари маблағларини шакллантириш ҳамда бошқа мол-мулкни сотиб олиш манбалари; партия раҳбар органи жойлашган манзил; партия устави ва дастурини қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби; партия фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тўхтатиш тартиби.</p> <p>Уставда партия фаолиятига оид бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.</p> |
